

МАҲМУД ҲАСАНИЙ  
АЛИМУЛЛО ҲАБИБУЛЛАЕВ

**АДАБИЙ  
МАНБАШУНОСЛИК  
ВА МАТНШУНОСЛИКНИНГ  
НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Тошкент – 2012

Мазкур ўқув қўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм ўтмиш ёзма ёдгорликлари матни устида ишлаш ва уларни илмий жамоатчиликка, халққа етказишнинг назарий масалаларини, иккинчи қисм қўлёзмалар фондида қўлёзма китобларни илмий тавсифлаш жараёнида барқарорлашган тартиботни ўзида мужассам этган. Яъни, матншунослик ҳамда адабий манбашунослик соҳасининг бир қанча назарий масалалари умумлаштирилиб китобхон эътиборига ҳавола қилинган. Қўлланмада фихрист нашрларидан олинган кўпгина намуни ва кўргазмали ҳужжатлар, манбашунослик ва матншунослик соҳасидаги замонавий ютуқлар натижасида юзага келган кўпгина назарий фикрлар ўз тажассумини топган.

Ўқув қўлланма Шарқ мумтоз адабиёти манбашунослиги ва матншунослиги мутахассислиги бўйича таълим олаётган магистрантларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: *филол. ф.д., проф. МАННОНОВ А.М.*

Такризчилар: *тарих ф.н. МУСАЕВ Ш.*  
*филол. ф.н. ЭШМУҲАМЕДОВА М.*

Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ нинг 2011 йил 11.05 даги 192-сонли буйруғига асосан нашрга руҳеат берилган ва 192-4 рақами билан рўйхатга олинган.



## КИРИШ

Олимлар инсоният пайдо бўлган даврни 3 миллион йил деб ҳисоблайдилар. Бироқ ёзув пайдо бўлган даврни ёш дейдилар, яъни, эрампдан аввалги мингйилликда ёзув пайдо бўлган экан. Бироқ бу ёзувларда бирорта асар қолган-қолмагани номаълум. Биз фақат қадимий даврлардан қолган Таврот, Забур, Инжил, Авесто ва ислом пайдо бўлгач, Қуръони карим китоби қолганини биламиз.

Ислом маданияти таъсири остида етишиб чиққан олимлар кўплаб асарлар ижод қила бошладилар. Жумладан, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби олимлар фаннинг ҳар хил соҳалари бўйича 300 дан ортиқ ва 400га яқин асарлар ёздилар. Бу асарларнинг айримлари 15дан 20 жилдгача эди. Шундай қилиб, Шарқ оламида минглаб китоблар пайдо бўла бошлади. Подшоҳлар, халифалар, ҳукмдорлар қўлида саноксиз асарлар йиғилиб қолди. Уларни аниқлашда, қайси бири кимга тааллуқли экани ва қайси китобнинг қаерда турганини билишда қийинчиликлар юзага кела бошлади. Натижада махсус китобдорлар (кутубхоначилар) пайдо бўла бошлади ва саройдаги китобларни китоб ёки муаллиф номи билан рўйхатга ола бошладилар. Шундай қилиб, қўлёзма асарларни ашё (инвентарь) дафтарига қайд этиш ёки рўйхатга олиш вужудга келди.

Китобларни замонавий усулда (масалан, китоб жавонлари, тахта тоқчалар ёки стиллажларда) сақлаш йўлга қўйилиши муносабати билан улардан фойдаланишни янада қулайлаштириш эҳтиёжи пайдо бўла бошлади. Китоблар кўпайган сари қўлёзма ёки тошбосма асарни ашё дафтарларидан қидириш ва уни осонгина топа олиш муаммога айланди. Бу ҳол китобдорларнинг ўзларини ҳам қийин аҳволга солиб қўйди. Натижада қўлёзма ёки тошбосма асар ҳақида маълумот берувчи махсус варақалар вужудга келди. Бу варақада фақат асарнинг ёки муаллифнинг номигина эмас, балки шу қўлёзма ёки тошбосма асар ҳақидаги кўпгина маълумотлар акс эттирила бошланди. Бу варақалар махсус яшиқларга тартиби билан солиниб, махсус жойлаштиригичларга ўрнатиб қўйиш расм бўлди. Бу варақалар одатда каталоглар, карточка-ли каталоглар ёки карточка тавсифлари деб аталиб келинмоқда. Бу карточка тавсифлари қўлёзмалар хазинаси (фонди)дан фойдаланишни осонлаштирса-да, бироқ улардан шу асар қайси фанга доир ва мавзуси нима ҳақида эканлигини билиш қийин эди. Натижада фанга, тилга, муаллифга ва китоб номига тузилган карточка варақалари пайдо бўла бошлади ва қўлёзма ҳамда босма китоблардан фойдаланиш ишлари тобора қулайлашиб борди. Ҳозирги пайтда дунёнинг барча кутубхоналарида ва қўлёзма фондларида шу тартиб мавжуд.

Қўлёзмаларни мукаммал тавсифлаш орқали каталог (фихрист) китоблари нашр этиш ҳозирги даврнинг долзарб вазифасидир. Фихристлар тузиш бундан бир неча асарлар аввал бошланган. Ҳожи Халифанинг (XVI аср) араб тилида тузган «Кашф уз-зунун» асари бунга мисол бўлиб, муаллиф унга ўз кўзи билан кўрган 16 мингта китобнинг тавсифини киритган. Араб ва форс тилида тузилган бундай фихристлар жуда кўп.

Кўриб турганимиздек, фихристларда акс этган меросни кенг халқ оммасига етказиб бериш маданиятимизнинг тўқислиги учун ниҳоятда зарурдир. Бу ишларни ўтмиш қўлёзмаларни илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи матншунослик билимларисиз, арабий имло малакасисиз амалга ошириб бўлмайди. Ушбу ўқув фани талабаларда филологик билимнинг таркибий қисми бўлган қўлёзма манбалар устида ишлаш малакасини ҳосил қилишларига йўналтирилган.

Мазкур ўқув фанини ўрганиш учун талабалардан аввало, тилшунослик, адабиётшунослик, хусусан адабиёт тарихи, ёзув тарихи, араб ёзуви, хаттотлик санъати ва араб ёзуви турларидан маълум даражада тайёргарликка эга бўлишлари керак.

Қўлланмадан жой олган матншуносликнинг назарий масалалари қисми, рус матншунос олими академик Д.С. Лихачев тадқиқотларининг шарқ матншунослиги учун мувофиқ келадиган ўринлари билан ўзбек матншунослигининг ютуқларининг синтези тарзида юзага келди. Қўлланмада ўзбек матншунос олимдардан И.Абдуллаев ва М.Ҳамидова мақолаларидан фойдаланилди ва бундай ўринлар ўша ернинг ўзида кўрсатиб ўтилган. Қўлланманинг биринчи – «Матншуносликнинг назарий масалалари» қисми ва адабий манбашунослик ва матншунослик атамаларининг қисқача изоҳли луғати филология фанлари номзоди, доцент Алимулла Ҳабибуллаев ва иккинчи – «Шарқ қўлёзмаларини тавсифлаш ва фихристлаш» қисми тарих фанлари доктори, проф. Маҳмуд Ҳасаний томонидан ёзилган.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### МАТНШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

#### 1. МАТНШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

**Ўқув мақсади:**

- 1) матншунослик фанининг объекти ва предмети ҳақида маълумот бериш;
- 2) матншунослик фанининг мақсади ва вазифаларини бўйича тасаввур ҳосил қилиш.

\*\*\*

Матншунослик фани қадимги ва ўрта асрлар ёзма ёдгорликлари матншунослиги ҳамда янги давр асарлари матншунослигига бўлиб ўрганилади. Чунки бу икки йўналиш ўртасида принципиал фарқлар бор.

Қўлланманинг бу қисмида янги давр асарлари матншунослиги ҳақида эмас, Ўрта аср манбаларини *тадқиқот объекти* қилиб олган матншунослик хусусида баҳс юритамиз. Матншуносликнинг умумий қонуниятлари, мезонлари ва тамойиллари билан, асосан, адабий ва тарихий асарлар мисолида танишамиз.

Ўзбек тилида бу соҳа асосларига бағишланган махсус дарсликнинг йўқлиги ва ўқув қўлланмаларнинг камлиги<sup>1</sup> бу фанни ўқитиш ишларини бирмунча қийинлаштиради. Шунга қарамай, маълум жиҳатдан, етук ўзбек матншунос олимларимизнинг тадқиқотлари ва рус матншунослигига бағишланган манбалардан фойдаланиш мумкин. Бирок шунда ҳам, матнлар тузиш ва уларни тадқиқ этишда матншуносликнинг умумий тамойилларидан келиб чиқиб хулосалар чиқариш лозим. Биз етук матншуносларнинг амалий фаолиятини объект қилиб олиб, уларнинг тажрибаларидан назарий умумлашмалар чиқаришга ҳаракат қилдик. Бу йўлда қўйилган дастлабки қадамлардаги кам-қўстлар учун соҳа мутахассисларидан олдиндан узр сўраймиз. Бунда масалага мутлақо янгича ёндашиб, матншуносликнинг тушунча ва тамойилларини ажратиб, таъкидлаб кўрсатишга, баёнийликдан қочишга ҳаракат қилдик. Бу усул тушунча ва тамойилларини эслаб қолиш ва керак бўлса, уларга такрор мурожаат қилишни осонлаштиради деган умиддамиз.

<sup>1</sup> Бу соҳада ҳозирча иккитагина ўқув қўлланма бор. Улардан бири эски ўзбек адабий манбаларини (Эркинов А.С. Матншуносликка кириш. –Т.: Республика таълим маркази, 1997. –50-б.) иккинчиси Арабий, форсий, туркий манбаларни ўрганишга (Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик / Қисқача курс. –Т.: ТошДШИ, 2000. –172-б.) йўналтирилган.

Таъриф:

Матн – муаллиф фикрининг ёзма ифодасидир.

*Матншунослик* - филология фанининг адабий, тарихий, илмий асарлар ҳамда тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи соҳасидир.

*Матншунослик курсининг мақсади* –Арабий, форсий, туркий адабий меросни қўлёзмаларда ўқиш, улар устида ишлашга ўрганиш.

*Мақсадга этиш шартлари (вазифалари):*

- 1/ араб ёзуви ва унинг турларини яхши билиш;
- 2/ мумтоз адабиёт хусусиятларини билиш;
- 3/ ўрта асрлар тил хусусиятларини билиш;
- 4/ тегишли терминологияни ўзлаштириш.

Матншунослик ишлари нашр учун материал етказиб берувчи соҳа бўлгани учун у *археография* фани билан бевосита биргаликда иш олиб боради. Археография фанининг ўрганиш объекти – қўлёзма ҳужжат ва қўлёзма манба, *предмети* эса – қўлёзма манбани нашрга тайёрлаш методикасидир. Демак, археография қадим ва ўрта асрларда яратилган асарларни нашр этиш тартибини белгилаб беради. Бу тартибга ёзма ёдгорликларни матнини тузувчилар, нашриётларда уларни нашрга тайёрловчилар амал қилиши лозим бўлади. Аммо ўзбек манбашунослик фанида *археография* ҳозирча жуда заиф ривожланган. Унинг принцип ва категориялари тадқиқ этилмаган ва тартибга солинмаган. Балки бундай муаммолар рус тилидаги шу характердаги нашрларга қараб ҳал қилиб келинади.

Ҳозирги маънодаги ўзбек матншунослиги, асосан, ўрта асрлар муаллифлари, хусусан Алишер Навоий асарларини кирилл алифбосида нашр этиш билан боглиқ ҳолда ривожланди. Бу нашрларнинг юзага келиши жараёнида матншуносликнинг янги талаблар даражасидаги матн тайёрлаш методикаси, технологияси, фаннинг категория ва принциплари ўзбек матншунослари ишларига кириб келди ва мустахкамланиб қолди. Шунда ҳам, улар фан асослари устида эмас, муайян матнлар устида изланишлар олиб бориб, назарий масалаларга изланишлардаги эҳтиёжларига қараб йўл-йўлакай мурожаат этганлар. Аммо, тан олиш керакки, жуда катта миқёсдаги ишлар амалга оширилди ва жуда кўп назарий муаммолар ўз ечимини топди.

\*\*\*



**Таянч сўз ва иборалар:** матн, матншунослик, қадимги давр матншунослиги, янги давр матншунослиги, археография.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Матн, матншунослик ва археография ўртасидаги муносабатларни таърифлаб беринг.
2. Матншуносликнинг мақсад ва вазифаларини аниқ ифодалаб беринг.
3. Ўзбек матншунослиги соҳасида фаолият юритишнинг асосий шартлари нималардан иборат?

## 2. МАТНШУНОСЛИКДАН НАЗАРИЙ МАНБАЛАР

**Ўқув мақсади:**

- 1) матншунослик бўйича асосий назарий манбалар билан таништириш;
- 2) Интернет материалларига мурожаат этишининг амалий усуллари бўйича кўникмалар ҳосил қилиш.

\*\*\*

Ҳозирги пайтда Ўрта асрлар шарқ тиллари матншунослигини назарий жиҳатдан қўллаб турадиган махсус адабиёт жуда кам. Булардан илмий адабиётларда кўп тилга олинадиган бир нечтаси ҳақида маълумот бериб ўтишни лозим топдик.

Эйхенбаум В. Основы текстологии / Редактор и книга. Вып.3. — М.: Искусство, 1962. —С.41-86. — Муаллиф совет матншунослигининг асосчиларидан ҳисобланади.

Ушбу китобда у ўзининг 40 йиллик матн тузиш фаолияти тажрибаларини умумлаштиргани ҳақида ёзади. Китобда 1917 йилгача рус матншунослиги тарихи, Совет матншунослиги тараққиёти, матншунослик иши методикаси каби боблардан иборат бўлиб, рус адабий мероси асосида ёзилган бўлса-да, етук ўзбек матншунослари унинг изидан бориб, бу манбадан қўлгина назарий асослар топишимиз мумкин. Айниқса, унинг сўнги бобидаги асосий матн, бошқа ва-





Мазкур ўқув қўлланмалар библиографиясида матншуносликка онд анчагина адабиётлар берилган. Уларнинг ҳар бирида маълум мавзулар бўйича назарий умумлашма хулосалар мавжуд. Бу назарий фикрлар ўз навбатида матншунослик назариясини яратишда катта роль ўйнаши аниқ.

Матншунос олимларнинг адабий мерос матнларини оммалаштириш бўйича шу пайтгача қилган амалий ишлари, шарқ тилларидаги адабий мерос юзасидан олиб борган тадқиқотлари матншунослик соҳасида мустаҳкам назарий асоснинг мавжудлигини кўрсатади. Адабий манбашунослик ва матншунослик

ўқув предмети сифатида ўқитилиши муносабати билан уларни йиғиб, бир тизимга солувчи алоҳида бир тадқиқотга зарурат сезилади.

Интернет тормаги саҳифаларида матншунослик ва унинг ёндош соҳаларига бағишланган кўплаб маълумотларни топишимиз мумкин. Тормоқ махсус веб сайтлардан (Википедия, БРЭ, natlib.uz ҳ.к.) ташқари матншуносликнинг алоҳида териминлари орқали кириб бориб текстология, палеография, археография, литография... каби сўзларнинг изоҳи ва уларга алоқадор нашрлар ҳақида маълумот топишингиз мумкин.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** Рус матншунослиги, совет матншунослиги, шарқ матншунослиги, матншунослик методикаси, адабий мерос, назарий асос, нашр.

**Сапол ва топшириқлар:**

1. Ҳозирги замон матншунослиги бўйича қандай ўқув қўлланмаларни биласиз?
2. Ўрта асрлар матншунослиги учун қандай китобларнинг қайси жиҳатларидан фойдаланиш мумкин?

### 3. МАТНШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ ТАРИХИДАН

**Ўқув мақсади:**

- 1) матншунослик фаолиятининг амалий соҳадан назарий соҳага йилана бориш тарихи ҳақида тасаввур бериш.
- 2) турли давр ва минтақаларда матншунослик амалиётининг рижланиш босқичлари ҳақида маълумот бериш.

\*\*\*



Матншунослик фан сифатида ўтган асрнинг 20-йилларидангина тилга олиниб келинаётган бўлса-да, бу борада жуда қадим замонлардан бизнинг кунимизгача тинимсиз ишлар олиб борилган. Ёзма асарлар матнини тиклашга эҳтиёж жуда қадим замонларда пайдо бўлган.

*Антик адабиёт* намуналарини тиклашга, жумладан Аристарх, (э.ав. 3-а.) ўз тажриба ва хиссий илрокларига таяниб, Гомер ва бошқа муаллифлар асарларининг асл матнини тиклашга уринган. Геродот ва Полиэн асарларида биз фольклор матншунослигини қўрамиз. Кейинчалик «Инжил»ни танқидий ўрганиш, антик маданият, айниқса, кейинги Уйғониш даври ёдгорликларини тадқиқ этишда матншунослик яхшигина ривожланди. Шу даврлардан бошлаб матншуносликнинг дастлабки тамойиллари пайдо бўлди.

*Эронийларда* бундай ишлар юнон донишманд-ҳакимларининг асарларини паҳлавий (қадим форс) тилига таржима қилиш, уларга шарҳлар ёзиш шаклида сосонийлар давридаёқ (224–651 йиллар) расм бўлган эди.

*Арабларда* Расулуллоҳ котиблари Зайд бини Собит томонидан амалга оширилган Қуръони Карим сураларининг халифа Умар кўрсатмаси билан китоб ҳолига келтирилиши (VII аср), жоҳилия даври шеърятининг филолог Муфаддал ад-Доббий (VIII аср), шоир Абу Таммом, филолог Ибн Қутайба (828–889), Абул Фароҳ ал-Исфохоний (897–967) томонидан хатта туширилишига, Расулуллоҳ ҳадислари устида олиб борилган ишлар га кенг йўл очиб берди<sup>2</sup>.

*Туркий ёзма адабиётда* КоптҒарийнинг «Девону лугатит-турк», Берунийнинг «Осори боқия» асарлари ҳам ёзма ва ҳам фольклор матншунослиги изланишларини тақозо этган.

*Шарқда* адабий-маданий, илмий, тарихий асарларнинг асрлар оша нусха кўчирилиб, кўпайтирилиб келингани, кейинги асрларда эса дунё микёсида матншунослик ишлари анчагина кўпайгани ҳам матншунослик ишларининг қадимийлигидан далолат беради. Айниқса, адабиётимизнинг мумтоз намуналарига эътибор – уларнинг матнларини сақлаб қолиш, ўтмишдагиларини тиклаш, келажак авлодларга етказиш ишлари ислом шарқи маданиятида жуда қадимдан амалда бўлиб келган.

*Европада* XVII–XVIII асрларда Антик матншунослик ва Ўрта асрлар матншунослиги асосида «янги адабиёт» матншунослигининг асосий тушунчалари юзага келди. Олимлар (Р.Бентли, Р.Порсон, И.Рейске, Ф.А.Вольф, Г.Герман ва бошқалар) матнга илмий-танқидий муносабатни йўлга қўйишди. Шиллер ва Гёте асарларининг тан-

<sup>2</sup> Қаранг: И б н Қ у т а й ба Книга поэзии и поэтов. Биографический словарь; А б у л Ф а р а ж. Книга песен. Антология / пер.с араб. А.Б.Халидова. Б.Я.Шидфар. – М.: Наука, 1980.

кидий матни нашрлари пайдо бўлди. Фарбда бу соҳани *матн танқиди* деб атаб келишган.

*Россияда* матншунослик ишлари XVIII аср ўрталарида пайдо бўлди. Рус йилномалари, А.Д.Кантемир асарлари, «Игорь жангномаси», Пушкин асарлари, фольклор асарлари матнлари шулар жумладан.

*Собиқ Иттифоқ ҳудудида* «Текстология» атамаси филологиянинг бир бўлими сифатида XX асрда пайдо бўлган. Бу даврга келиб матншунослик алоҳида бир соҳа сифатида ривожлана бошлади. Бу соҳада рус тадқиқотчиларидан В.Эйхенбаум Г.О.Винокур, В.В.Томашевский, Д.С.Лихачевлар махсус тадқиқотлар олиб боришди. Матншуносликнинг назарий масалаларида маълум бир умумлашмаларга келинди.

*Юртимизда* ўтган аср 20-йиллардан бошлаб ўзбек матншунослиги, айниқса, бу соҳанинг *амалий* йўналиши тез ривож топди. Матнларни тайёрлаш ва нашр қилиш билан боғлиқ салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу ишларда С. Айний («Хамса»нинг қисқартирилган наشري), Фитрат (Эски ўзбек адабиёти намуналари), И. Султонов («Мезон ул-авзон»), П. Шамсиев («Хамса» — 1960), Ҳ. Сулаймонов («Хазойин ул-маъоний» — 1958–61), С. Ғаниева («Мажолис ун-нафоис» — 1961) каби олимларнинг роли катта бўлди. Айниқса, рус-кирилл ёзуви жорий қилиниши билан бу ишлар янги босқичга кўтарилди. Ўзбек адабиётшунос олимларидан С. Мирзаев, В. Зоҳидов, А. Қасимов, А. Ҳайитметов, Ғ. Каримов, С. Муталибов, С. Долимов, Р. Мажидийларнинг матншунослик амалиётига оид изланишлари бу соҳани юксалтиришга маълум ҳисса бўлиб қўшилди.

Ҳозирги кунда матншунослик фани кўпгина олий ўқув юр்தларининг ўқув режаларига киритилган. Мустақил Ўзбекистонда давлатчилигимиз тарихини яратиш, адабий-маданий, илмий, тарихий меросга эътиборнинг кучайиши муносабати билан матншунослик фанининг роли янада ортиди. Ёзма манбалардаги ҳар бир матн халқ мулки деб тан олинди. Бу эса матншуносларнинг халқ, Ватан, илм олдидаги масъулиятини янада оширади. Яъни, матншуносдан ёзма манба матнининг аниқ, аслига тўғри ва тушунарли тарзда халқ ва илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилиниши талаб этилади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** асл матн, тажриба ва ҳиссий идрок усули.

**Савол ва топшириқлар:** 1) Матншунослик соҳасида матнни тиклашда дастлабки пайдо бўлган метод қайси ва у қайси асарлар матнини тузишда қўлланилган? 2) Юртимизда матншунослик қандай шароитларда юзага келган.

#### 4. МАТНШУНОСЛИҚДА НАЗАРИЙ УМУМЛАШМАЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

**Ўқув мақсади:**

1) матншуносликда назарий фикрнинг ҳосил бўлиш жараёnlари ҳақида тасаввур бериш;

2) соҳанинг аввал амалий ва шундай кейингина назарий йўналиши пайдо бўлишининг илмий зарурат эканлигини тушунтириш.

\*\*\*

**Назария:**бу:

мутахассисни соҳа бўйича йўлга солувчи ғоялар тизими тадқиқотчилар тажрибасидан олинган умумлашмалар матн ҳақидаги билимлар йиғиндиси

Матншунослик фани, бошқа барча соҳалар каби *назарий* ва *амалий* йўналишларда ривожланиб келган. Шунга қараб унинг асосий *вазифалари* белгиланади.

Матншунослик *назарий* планда матнларни илмий тадқиқ этишнинг умумий қонуниятлари, турли тарихий босқичларда уларнинг ўзгариб бoриш хусусиятлари, барқарорлашган асосий тушунчалари ва ниҳоят, матнни қайта тиклаш принциплари каби масалаларни тартибга солади.

Унинг *дастхат*, *нусха*, *қоралама*, *оққа кўчирма*, *кўчирма нусха* (копия), *архетип*, *вариант* каби муаммоли масалалари ва *асосий тушунчалари*: *атрибуция*, *санасини белгилаш*, *шарҳлаш*, *конъектура* (бузилган, хиралашган эски ёзувни тахмин билан тузатиш, тиклаш), *котиб йўл қўйган хатоларни ўрганиш* каби умумий метод ва усуллар бўйича юзага келган умумий мезонлар ва меъёрларни тартибга солади.

*Амалий* матншунослик муайян асар матн тарихи ва унинг манбаларини ўрганиш, муаллифи, ёзилиш даври, жойи ва бошқа ўзига хос хусусиятларини аниклаш (атрибуция) йўли билан муаллиф *варианти* ёки унга яқин энг ишончли *варианти*ни танлаб, шу вариант асосида *матнни тиклайди*. Бу жараён матн тарихида *матн тузувчи* котиблар ёки ноширлар томонидан асар матнига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, асарнинг турли нусхаларини ўзаро таққослаш ва ишончли *илмий-танқидий матнни* тайёрлаш тарзида амалга оширилади. Матнга бундай ёндашув ёзма ёдгорликнинг танқидий таҳлилига ва кейинги илмий тадқиқотларга ишончли асос бўладиган матннинг нашр этиш учун керак. Матншунослик амалиётининг охирги натижаси бўлиб ана шу нашр хизмат қилади.



Ёзма адабий меросимиз устида олиб борилган ишларнинг кўпчилиги амалий матншуносликка оид фаолият бўлиб, бу соҳанинг асосларини, қонуниятларини очишга материал бўлиб хизмат қилади.

Демак, матншунослик назарияси манбаи бўлиб матншунослар фаолияти натижалари, умумлашма ҳулосалари майдонга келади.

Матншуносликда назарий маълумотлар доим амалиётда, тажрибада синаб кўрилади. Назария соҳа мутахассисларининг амалий ишларини йўлга қўйиш учун хизмат қилади. Керак ўринларда тузатишлар киритилади ва улар нашрнинг тадқиқот қисмида ёзиб қолдирилади. Амалиётдан узилган назария қуруқ гап бўлиб қолади. Назариядан ажралиб қолган амалиёт эса «ҳар мақомга йўрғалайди». Матншунослик назарияси матншунослик амалиёти билан боғланса муттасил кучайиб бораверади. Назарий умумлашмалар билан яхши таъминланганлик амалий фаолиятнинг, ҳар қандай шароитида ҳам, йўл топиб чиқиб кетиш имконини беради. Шу куннинг амалиётида назарияга асосланадиган, ўз навбатида, уни доимий равишда бойитиб борадиган матншунослик тадқиқотлари ва фаолият турларига асосан қуйидагилар киради:

- Арабий ва форсий матндаги асарларнинг илмий, изоҳли таржималарини тайёрлаш;
- Туркий тилдаги матнларнинг транслитерация нашрларини тайёрлаш;
- Ёзма ёдгорликларнинг илмий-танқидий матнини тузиш;
- Манбашунослик ва матншуносликнинг асослари ҳақида назарий мақолалар ёзиш;
- матн тузиш методикаси бўйича изланишлар олиб бориш;
- матнни чоп этилаётган асарлар учун тадқиқот қисми ёзиш;
- матншунослик ишлари рига тақризлар ёзиш;
- тарихий, адабий, илмий атамалар юзасидан изланишлар олиб бориш;
- адабиёт тарихининг алоҳида масалалари юзасидан йиғма материаллар тайёрлаш кабилар киради.

Бу каби ишларни амалга ошириш жараёнида фаннинг назарий жиҳатлари барқарорлашиб, мустаҳкамланиб бораверади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** матншунослик амалиёти, матншунослик назарияси, назария, изоҳли таржима, транслитерация, илмий танқидий матн, матн тузиш методикаси, тақриз.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Назарий умумлашмалар қандай юзага келади?

2. Қандай нашр матншунослик амалиётининг ҳозирги юксак маҳсулоти бўлиб ҳисобланади.

3. Ҳозирги куннинг матншунослик амалиётида назарияни бойитиб борадиган фаолият турларига нималар киради?

## 5. АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР

### Ўқув мақсади:

1) матншуносликдаги асосий тушунча ва энг муҳим тамойиллар билан таништириш;

2) матн тиклаш жараёнида қўлланиладиган метод ва усуллар ҳақида тушунча бериш.

\*\*\*

Адабиёт тарихи, тил тарихи каби фанлар ёзма ёдгорликлар матни асосида юзага келади. Ёзма ёдгорликларни муомалага, истифодага киритиш эса матншунослик зиммасидадир. Адабиёт тарихи, тил тарихининг тадқиқот объекти тўлалигича матншуносликнинг ҳам тадқиқот объектидир. Фақат матншунослик адабиёт тарихига материал етказиб беришда баъзан олдинда, баъзан орқада юради. Яъни, адабиёт тарихи матни ҳали чоп этилмаган ёки таржима қилинмаган асарлар юзасидан ҳам иш олиб боради.

Маълумки, фан “янги билимларни эгаллаш билан боғлиқ фаолиятни ҳам, бу фаолиятнинг маҳсули — оламнинг илмий манзараси асосини ташкил этувчи билимларни ҳам ўз ичига олади, инсон билимларининг айрим соҳаларини ифодалайди”<sup>3</sup>.

Фанларнинг ҳосил бўлиши юзасидан олимларнинг олиб борган кузатувларига кўра, соҳа бўйича етарли амалий база юзага келгандан кейингина илмда фан — предмет сифатида шакллана олади. Матншунослик амалиётида ҳозир шундай база бор.

Матншуносликнинг ўзи яқин пайтларгача аввалига адабиётшуносликнинг бир қисми, тўғрироғи адабиёт тарихининг таркибий бир қисми бўлиб келган эди. Мана энди, матншунослик таркибидан матншунослик амалиётига алоҳида эътибор бериш пайти келди. Чунки у ҳам энди ўзаро алоқадорликда амалда бўлган бир олам тушунчаларга қўлёзма китоблар даври; литографик босма китоблар даври; полиграфик нашрлар даври каби тарихий боскичларга; матн тузиш принциплари (илмий ва оммабоп нашрлар), тузилган матнларни оммалаштириш

<sup>3</sup> Фан // Энциклопедик луғат, 2 томлик, 2-т. —Тошкент, 1990. —329-б.

принциплари, ёзма ёдгорликларни илмий тадқиқ қилиш принциплари каби тамойилларга эга бўлган бир бутун фанни ташкил этади.

Матншунослик амалиётида, аввало, унинг умумий мезонлар ва меъёрларни ташкил этувчи асосий тушунчалар ва тамойилларни эътиборга олиш, улардан ўз ўрнида фойдаланиш, тўғри қўллаш лозим бўлади. Аммо бу умумий мезонлар ва меъёрлар, тушунча ва тамойиллар ўзбек матншунослигида, ўзаро алоқадорликда, назарий жиҳатдан ҳали ишлаб чиқилмаган ва тартибга солилмаган. Соҳа мутахассислари эса ўз илмий ишларини назарий тайёргарлиги етарлича бўлган ўқувчиларга мўлжаллагани учун назарий терминологияни ўрни билан ишлатиб кетаверадилар. Бу терминология маълумотнома, луғат ва энциклопедик нашрларда тарқоқ ҳолда мавжуд. Аммо ўргатиш чоғида уларни моҳиятига кўра туркумлаштириб, ўзаро алоқадорликда тушунтириш лозим бўлади. Чунончи, “илмий аппарат” билан “конъектура” сўзлари моҳиятига кўра бири-тушунча, иккинчиси эса усул ҳисобланади. Шунга кўра, матншунослик амалиётида қўлланиладиган атамаларни ўргатиш чоғида уларни туркумларга ажратиб тартибга солишга ҳаракат қилдик. Демак:

**Тушунчалар:** матн, асар, қўлёзма, нусха, дастхат, қоралама, оққа кўчирма, кўчирма нусха (копия), архетип (ёзма ёдгорликнинг энг қадимги, одатда номаълум бўлган, аммо бошқа нусхалар учун аслият вазифасини ўтаган нусха), вариант, матн таркиби, матн тарихи, матн танкиди, археографик кириш, илмий аппарат, матний тафовут, изохлар, кўрсаткичлар, нашр турлари каби тушунчаларнинг ҳар бири ўзига алоҳида эътибор талаб этадиган назарий тушунчалардир.

**Метод ва усуллар:** қўлёзманинг ёзилган санасини белгилаш, атрибуция (асарнинг муаллифи, яратилиш вақти ва ўрнини аниқлаштириш), интерполяция (хошия ёзувлари), конъектура, нусхалар таснифи, матн тузиш, уни шарҳлаш, котиб йўл қўйган хатоларни ва унинг билиб-билмай киритган ўзгартиришлари устида ҳукм чиқариш, қўлёзмани нашрга тайёрлаш методикаси кабилар матншуносдан амалий ёндашувни талаб этадиган ишлар — матншуносликнинг асосий метод ва усуллари жумласига киради.

4, 5 **Тамойиллар:** матншунос ҳозирги замон талаблари асосида иш олиб борар экан, асосан учта мақсаддан бирини назарда тутати. Матншунослик тамойиллари ҳам шу мақсадлардан келиб чиқади. Улар:

— матн тузиш принциплари. Матншуносликнинг ижтимоий моҳияти ўтмиш ёзма ёдгорликларини қайта ҳаётга қайтариш, асар тааллуқли бўлган соҳа тарихини хрестоматия материал билан ташминлашдан иборат.



Бу йўлда қилинган ишларнинг олий шакли ёзма ёдгорликнинг *илмий-танқидий матнини* тайёрлаб нашр эттиришдир. (Тилшунослар, адабиётшунослар, тарихчилар, фан тарихи соҳаси мутахассислари ўз илмий фаолиятида бундай материалга энг ишончли манба сифатида қарайдилар.) Шу боис, матншунослар муайян асарнинг *илмий-танқидий матнини тузиш принципларини* пухталаб олиб, ишнинг охиригача унга амал қиладилар. (Бундай материаллар алоҳида мақола шаклида ҳам чоп этилади.)

Матн тузиш соҳасида шарқшунос – матншунослар энг кўп дуч келадиган ҳолат асар матнининг араб ёки форс тилида эканлигидир. Бундай асарларнинг *илмий изоҳли таржимасини* тайёрлаш ҳам матншунослик ишлари жумласига киради. Классикларимиз Форобий, Беруний, Ибн Сино кабиларнинг мероси шу тахлит ҳаётга қайтган. Етук манбашунос олим И.Абдуллаев қўлёзма манбалар матнини тайёрлашнинг қуйидаги шаклларда бўлишини қайд этган: «Араб, форс ёки араб имлосида ёзилган манбанинг бир қўлёзма асосидаги матнини, бир қанча қўлёзмалар асосидаги йиғма матнини ёки дунёда сақланаётган ҳамма нусхалари асосида танқидий матнини тайёрлаш. Бунда матн тарихи, муаллифи, уни ўрганиш тарихи ва тўла тавсифидан иборат сўзбоши ёзилади, сўнгра изоҳлари билан асар матни чоп этилади»<sup>4</sup>.

– ёзма ёдгорликни оммалаштириш *принциплари*. Оммалаштириш асар матнини чоп этишдангина иборат бўлмай, ундан фойдаланиш *йўриқномасини* яратишни ҳам ўз ичига олади. Бу ишни асар матнини тузган, нашрга тайёрлаган матншунос мукаммал тарзда амалга оширишини тақозо этади (нашрга асар матни билан бирга археографик кириш, матн танқиди, изоҳ ва кўрсаткичлар каби қўшимча-танитма материаллар илова этилади). Рус матншунослигида бундай материалларни Д.С.Лихачев образли қилиб, “конвой” деб атаган. Қадимда бу мақсадлар учун машҳур асрларга катта-катта шарҳлар ёзилган, асар матни ҳошия ёзувларидан фойдаланишган. Ҳозирги пайтда асар матни нашрдан чиққач, тузувчи-матншунос бошлаган ишини бошқа тадқиқотчилар давом эттиради. Нашрга такризлар ёзилади. Матндаги ҳамон учраб турадиган хатолар, нотўғри тушунишлар юзага чиқади. Асар нашрга билдирилган муносабатлар китобнинг ўзидаги йўриқномани тўлдириб боради. Манбашунос мутахассис асар нашрига соҳа мутахассислари томонидан эълон қилинган фикрларнинг барчасидан хабардор бўлиши, кейинги нашрлар учун уларни назарда тутиши лозим.

<sup>4</sup> Абдуллаев И. Мерос ва талқин. –Т.: Фан, 2008. – Б. 349.

– ёзма ёдгорликларни илмий тадқиқ этиш *принциплари*. Бу принципларга кўра тадқиқот объекти юзасидан маълумот манбалари доирасини белгилаб олиш лозим бўлади:

Асарнинг юртимизда ва хорижда сақланаётган қўлёзма нусхалари,

Асарнинг юртимизда ва хорижда чоп этилган нусхалари,

Муаллиф ҳақидаги босма нашрлар,

Муаллиф ҳақида қўлёзма манбалар, тазкиралар,

Асар ва муаллиф ҳақидаги илмий тадқиқотлар.

Ёзма ёдгорликлар юзасидан илмий тадқиқот олиб бориш учун мазкур асар матн тарихини яхши билиш керак.

Муайян асар матн ҳақидаги барча маълумотлар йиғиндиси матн тарихи дейилади. Бирор асар матнини қўлёзма ва босма нашрлари асосида, энг ишончли тарзда, тиклаш, аввало матншунослик таҳлилини тақозо этади. Бу таҳлил натижасида матншунослик тадқиқоти юзага келади. Матншунослик таҳлилини эса, матн тарихи маълумотларисиз амалга ошириб бўлмайди. Чунки бу маълумотлар асарнинг шакли ва мазмуни ҳақида аниқ тасаввур олиш учун материал беради.

Мисол тариқасида шуни айтишимиз мумкинки, Проф. Имомназаровнинг докторлик диссертацияси<sup>5</sup> ҳимоясида Амир Хусрав Деҳлавийнинг Покистонда сақланаётган қўлёзмаларини тадқиқотга жалб қилмагани хусусида гап бўлган эди. Диссертант ўз жавобида матншунослик соҳаси бу асарлар матнлари ҳали чоп этилмаганини таъкидлаганида мутлақо ҳақ эди. Диссертация адабиётшунослик тадқиқоти бўлгани учун бу узур қабул қилиниши мумкин. Аммо матншунослик тадқиқотлари учун бу ҳолат тадқиқотдаги кемтик ер бўлиб қолган бўлур эди.

Демак, соҳа мутахассисларининг фикрича, маълумот манбалари доирасини бу туркум маълумотлар билан имкон борича кенгрок таъминлаш тадқиқотнинг тўлақонли бўлишини таъминлайди. Шундагина манбанинг ҳар томонлама мукамал таҳлилини амалга ошириш мумкин бўлади.

Умумий хулоса тарзида шуни айтишимиз мумкинки, матншунослик амалиёти соҳаси пухта ишлаб чиқилган назарий асосга жуда муҳтож.

\*\*\*

<sup>5</sup> Имамназаров М. Вопросы художественного метода и поэтики в эпическом творчестве Хосрова Деҳлеви: филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Душунбе, 1989.

**Таянч сўз ва иборалар:** матн, асар, кўлёзма, нусха, дастхат, коралама, окқа кўчирма, кўчирма нусха (копия), архетип, вариант, матн таркиби, матн тарихи, матн танқиди, археографик кириш, матний тафавут, изох ва кўрсаткичлар, нашр турлари, тамойил.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Матншуносликнинг асосий тушунчаларига нималар кирази?
2. Матншунослик амалиётидаги тамойиллар қандай принципларни назарда тутати?
3. Ёзма ёдгорликларни илмий тадқиқ этиш принциплари қандай маълумот манбаларига асосланади?

## 6. ИСТИЛОҲЛАРДАГИ МУАММОЛАР

**Ўқув мақсади:**

- 1) матншунослик истилоҳларининг ўзгариб бориши, уларнинг манбалари ҳақида тасаввур бериш;
- 2) ўрта аср кўлёзма китоблари билан боғлиқ бўлган ҳозирги кун истилоҳлари юзасидан малака ҳосил қилиш.

\*\*\*

Ҳар бир фан назарияси шу соҳа **терминлари (истилоҳлари)**га асосланиб иш кўради. Матншунослик тўлалигича филология илми—*тилшунослик* ва *адабиётшуносликнинг* ютуқлари асосида иш олиб боришини эътиборга олсак, адабий манбашунослик ва матншунослик терминларини, ҳозирча, тилшунослик ва адабиётшунослик соҳаси терминлари орасидан териб, ўзлаштириш керак бўлади. Улар жумласида қуйидаги нашрларни келтиришимиз мумкин:

**Лингвистик** терминлар луғати (Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. —М.: Советская энциклопедия, 1966). —607 с.

**Адабиётшунослик** терминлари луғати (Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимов С.).—Т.: Ўқитувчи, 1970.—300 б.

**Адабиётшунослик** терминлари луғати (Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча—ўзбекча изохли луғати. —Т.: Ўқитувчи, 1983. — 376 б.)

**Энциклопедиялар.** Ўз СЭ; ЎзМЭ; Краткая литературная энциклопедия. Том 7. — М. 1972; Литературный энциклопедический словарь. — М., 1987.

**Адабиётшунослик луғати** / Дилмурод Курунов, Зокиржон Мамажонов, Машхура Шералиева. ф.ф.д. Д.Куруновнинг умумий таҳрири остида. - Тошкент: Академнашр, 2010.— 400 б.



Мазкур нашрлар ҳозирги кунда соҳада фаол қўлланиладиган атамаларнинг ҳаммасини қамраб олган деб бўлмайди. Айниқса, қадимдан ишлатиб келган истилоҳларнинг кўпини ҳозирги луғатлардан топиб бўлмайди. Улардан айримларининг изоҳи манбашунослик ва матншунослик тадқиқотларида, баъзи ҳолларда йўл-йўлакай учраб қолади.

Матншунослик Ўрта асрларда хаттотлик ва китобат санъати бағрида юзага келган ва ўзининг барқарорлашган анъаналарига эга бўлган. Бу анъаналар кўплаб терминларни юзага келтирган. Ҳозирги замон матншунослигида уларнинг кўпчилиги ҳамон муомалада. Улардан қогоз ишлаб чиқариш ва китобатга оид атамалар ҳозир бирмунча кам ишлатилади. Бевосита матн билан алоқадор (муқова, унвон, жадвал, ҳошия, пойгир, басмала, ҳамд, наът, аммо баъд..., таммат каби) атамалар эса ҳозир ҳам муомалада бўлган фаол қатламни ташкил этади. Ҳали улар бир жойга йиғилиб, терминологик луғат ярагилмаган. Аммо бу ишга уринишлар бўлган (Ҳакимов М. Шарқ қўлёзмаларига доир терминларнинг қисқача изоҳли луғати. Адабий мерос. 1985, № 2 (33). Бироқ олимнинг вафоти муносабати билан бу иш ниҳоясига етмай тўхтаб қолган.

Ўзбек матншунослиги жаҳон фанига интеграциялаша бошлаган ўтган асрнинг 20 йилларида атамалар соҳасида, асосан, рус матншунослигига суяниб иш қўрила бошланди. Соҳа русча-интернационал атамалар билан бойитилди (фонд, архив, текст, текстология, аннотация, атрибуция, илмий аппарат, интерполяция, каталог, картотека, карточка, пагинация, колофон, киноварь, инвентарь номери, транскрипция, транслитерация каби).

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан айрим атамалар тилимизда мавжуд сўзлар билан алмаштирилди (текст-матн, инвентарь рақам – ашё рақами // сақланиш рақами, титул varaғи – сарварақ каби).

Атамаларнинг ўз ўрнида ишлатилишида соҳанинг назарий масалаларини ёритиб берувчи тадқиқотларнинг бўлиши жуда муҳим. Афсуски, бизда бу йўналишда махсус шуғулланувчилар кам топилади. Натижада етук матншунос олимларнинг тадқиқотларида ҳам ҳар хилликларга дуч келамиз. Жумладан, И. Абдуллаевнинг «Мерос ва галкин» асарида (349-б.) манбашунослик шундай таърифланади:

«Ана шу араб, форс ва қадимги араб ёзувидаги қўлёзмалар ва кейинчалик нашр этилган босма маъбаларни ўрганиш, асарни таржима қилиш, тадқиқ қилиш, изоҳлар тузиш, *терма* ва танқидий матнларини тайёрлаш, уларни нашр этиш *манбашунослик* деб, бу фан билан шуғулланувчи олимни манбашунос олим деб аталади». Ҳол-

буки, бу ерда гап *матншунослик* хакида боради; «терма матн» атамаси ҳам ҳозир «йиғма матн» тарзида баркарорлашган.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, адабий манбашунослик ва матншунослик терминларининг изоҳли луғатини тузиш ҳозирда соҳа олдида турган долзарб масалалардан биридир. Бу луғат лексикография талабларига жавоб берадиган изоҳли терминологик луғат шаклида бўлиши керак. Соҳа атамалари луғатларини тузиш бўйича ўзбек лексикографияси бой тажрибага эга – пахтачилик терминлари, боғдорчилик терминлари, ботаника терминлари, риёзиёт терминлари, физика терминлари, «Географик атамалар» ва х.к. (Ўзбек тили лексикологияси. –Т.: Фан, 1981. – Б.: 293–311.). Ишни амалга ошириш учун, ҳозирги пайтда компьютер технологияларидан фойдаланиш имкони бор. Луғат учун унинг мазмунини ташкил қилувчи сўзлик (танланган сўзлар рўйхати), компьютерда тузилади. Бу ишга соҳа бўйича эълон қилинган тадқиқотлар имкон борича кўпроқ жалб этиш лозим бўлади. Бу иш жараёнида сўзлар изоҳидаги фарқларни таҳлил қилиш осонлашади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** матншунослик атамалари, ҳозирги кун атамалари, ўрта асрлар атамалари, русча-интернационал атамалар.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Матншунослик амалиётида атамаларнинг шаклланишида қандай омиллар таъсир кўрсатади?
2. Матншунослик атамаларини баркарорлаштириш учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз?
3. Матншунослик амалиётидаги қайси ишлар соҳа атамаларига кўпроқ эҳтиёж сезади?

## **7. НУСХАЛАРНИ ЙИҒИШ. УЛАРНИНГ АЛОҚАДОРЛИК ДАРАЖАСИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ХИЛЛАШ ТАРТИБИ**

**Ўқув мақсади:**

- 1) муайян қўлёзма асар матни устида ишлаш ва унинг шаклини юзага келтириш учун қилинадиган ишлар доирасини белгилаб олишга ўргатиш;
- 2) эришилган дастлабки натижалар ва йиғилган маълумотларни қайд этиб бориш техникасидан хабардор қилиш.

\*\*\*

Нашр учун асар матнини тиклаш (тузиш) иши шу асарнинг сакланиб қолган нусхаларини аниқлаб уларнинг рўйхатини тузиб олишдан бошланади. Бу ишни турли фондларнинг тавсиф каталогларидан бошлаган маъқул:

- Собрание восточных рукописей АН УзССР (11 томлик),
- Каталог фонда Института рукописей ИР АН УзССР (2 томлик),
- Каталог восточных рукописей АН ТаджССР каталогларидан;
- Мазкур фондларнинг картотека карточкаларидан;
- Музейларнинг қўлёзма фондлари Каталог ва картотека карточкаларидан;
- Хорижий (Москва, Санкт-Петербург, Лондон, Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон) қўлёзма фондлари монографик (китоб) каталогларидан; (имкон бўлса – картотека карточкаларидан)
- Шахсий архивлардан;
- Ўрта аср манбалари устида иш олиб борилган йирик монографик тадқиқот библиография ва кўрсаткичларидан;
- Интернет сайтлари маълумотларидан қидирилади.

#### **Бу ишларнинг натижасида:**

1/ мазкур манбаларда учраган асарларнинг номи, сакланиш ўрни, аше раками кабилардан иборат рўйхат юзага келади;

2/ айти пайтда шу ўринлардаги маълумот матнлари қўчириб олинади ва улардан маълумотлар базаси ҳосил қилинади.

3/ ҳосил бўлган рўйхатдан уларни қўлга киритиш имкониятлари қўриб чиқилади. Яъни, қўлёзмалардан микрофильм, фотокопия олиш, сканер қилиш йўли билан нусха олинади. Бу иш Ўзбекистон қўлёзма фондларида масъул ходимлар билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Хорижий фондлардан қўлёзмаларидан нусхаларини қўлга киритишнинг расмий канали йўқ. Бундай нусхаларни элчи-хоналарнинг маданий марказлари, халқаро илмий анжуманларнинг ўша мамлакатдан келган қатнашчилари орқали шахсий илтимос қилиш йўли билан қўлга киритилади. Тадқиқотчи ўша мамлакатларда ташкил қилинадиган илмий конференцияларда шахсан қатнашиш чоғида бу ишни қилиши мумкин. Баъзан мумтоз адабиёт олимлари архивида ҳам шундай нусхалар учраб қолади.

Асар қўп нусхаларда сакланиб қолган бўлса, матншунос улардан фойдаланиб, энг **ишончли** матнни юзага келтириши керак бўлади.

1. Бунинг учун мавжуд нусхаларнинг барчасини **йиғиб олиш** керак (қўлёзма, фотонусха, ксеронусха, микрофильм, нашр нусха ва ҳ.к.).

2. Нусхаларни **дастлабки қўриб чиқиш**:

– даврини, ўрнини аниқлаш (йил, шахар);



– Ўзаро алоқадорлик даражасини аниқлаш (муаллиф нусхаси, асл нусха, кўчирилган нусхалар);

**3. Нусхаларни хиллаш тартиби:**

– бенуксон // нуқсонли;

– тўла // тўла бўлмаган;

– ўзгартириб кўчирилган // ўзгартирмай кўчирилган ва ҳ.к.

**4. Таянч нусха** белгилаб олинади (энг қадимий, бенуксон ва тўла сақланган). Кейинги барча **ишлар** шу нусха атрофида олиб борилади.

**Нусхаларнинг алоқадорлик даражасини белгилаш:**

– Мусаввада (қоралама) – муаллиф томонидан ёзилган;

– Оққа кўчириш– котиб ёки муаллиф томонидан кўчирилган;

– Китобат 1 – котиб томонидан муаллиф нусхасидан кўчирилган;

– Китобат 2–бошқа котиб томонидан ўзидан олдинги котиб нусхасидан кўчирилган;

–Китобат 3 – яна бошқа котиб томонидан ўзидан олдинги котиб нусхасидан кўчирилган ва ҳ.к.

Хиллаш жараёни бир таянч нусха ва бир неча ёрдамчи нусхаларни тайин қилиб олингач ниҳоясига етади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** маълумотлар базаси, микрофильм, фото-нусха, ксеренусха, юртимиздаги каталоглар, хорижий каталоглар, босма нусха, таянч нусха.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Юртимизда ва хорижда чоп этилган қандай фихрист китоблардан хабардорсиз? Улар ҳақида маълумот беринг.

2. Матн тузувчининг нусхаларни йиғиш жараёнини қандай тасаввур қиласиз?

3. Нусхаларни хиллаш жараёни қандай ниҳоясига етказилади?

**8. МУАЛЛИФ ДАСТХАТИ, ҚАДИМИЙ НУСХА,  
МУЎТАБАР НУСХА, ОДДИЙ НУСХА**

**Ўқув мақсади:**

1) матн тузувчи дуч келиши мумкин бўлган қўлёзма нусхаларнинг турлари юзасидан маълумот бериш, уларни ажрата олиш малакасини ҳосил қилиш;

2) бир асарли ва кўп асарли қўлёзма китобларнинг ўзига хосликларини кўрсатиб бериш.

\*\*\*

Ёзма ёдгорликлар билан ишлаганда, нусхаларнинг турларини бир-биридан ажрати билан жуда муҳим. Чунки қўлёзма китоб тузилишига кўра турлича бўлади:

– бир асардан иборат ёки бир неча асардан иборат қўлёзма китоблар;

– бир муаллиф асари ёки асарларидан иборат; бир неча муаллифлар асарларидан иборат қўлёзма китоблар.

Яратилишига кўра ҳам уларни хилларга ажратамиз:

– *Муаллиф дастхати* – муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган аслият. Бу нусха эмас. Чунки, нусхалар аслиятдан ёки бирор нусхадан кўчирилиш натижасида юзага келади. Бироқ манбашунослик тадқиқотларида, кўпинча, «муаллиф нусхаси» тарзида ҳам ишлатилаверади. Матншуносликда бундай нусхалар жуда қадрланади. Чунки улар кейинги давр ўзгаришларини ўзига жо этган нусхаларга мурожаат этиш уларни ўзаро таққослаб муаллиф нусхасига яқинлаштиришдек машаққатли меҳнатга ҳожат қолдирмайди.

– *Қадимий нусха* – муаллиф дастхати ёки унинг ҳаётлик чоғида, ё вафотидан кўп ўтмай кўчирилган нусхалар. Шарқшунослик институти фондида бир қанча қўлёзмалар *муаллиф дастхати* ёки муаллиф ҳаётлик чоғида кўчирилган нусхалардир <қ.: СВР, 1952—75 йиллар, 11 томлик>. Бундай нусхалар матншуносликда жуда қадрланади ва матн тайёрлашда, кўпинча, таянч нусха вазифасини бажаради.

– *Мўътабар нусха* – бу тушунча бирор асар қўлёзмалари орасида энг қадимий, яхши сақланган тўла ва китобат санъатининг намунаси бўла оладиган қўлёзма китоб нусхасига нисбатан қўлланилади. Амалиётда, баъзан, дуч келган қўлёзма китобга нисбатан ҳам «мўътабар нусха» атамасини ишлатиш ҳоллари ҳам кузатилади. Бу нотўғри, албатта.

Бундай қўлёзма китоблар билан бир қаторда, оддий эҳтиёж учун, кимнингдир шахсий маънавий эҳтиёжини қондириш учун юзага келган, *оддий ёзувда* (хаттотлик ёзувида эмас) битилган китоблар ҳам кўп тарқалган (*оддий нусха*). Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, уларнинг матнидан фойдаланишда турли тасодифий ҳолларга тайёр туриш керак бўлади.

Котиб, аслида, асарни кўчириб ёзишда асар яратилган даврни, кўчирилган давр тилини, грамматик қоидаларини ҳисобга олиши керак бўлган. Бироқ кўп ҳолларда ўз замонасининг талабларини келиб чиқиб, ўз замондошларига тушунарли бўлсин учун матнга маълум даражада ўзгаришлар киритиб юбориш ҳоллари кўп учрайди. Шу билан бирга, аслиятдаги айрим сўзларни нотўғри тушуниш, ўзича «тўғрилаш»лар натижасида ҳам кейинги нусхаларда матн ўзгаришларга юз тутаяди. Айрим ҳолларда ҳатто котибнинг матнга бевосита

дахл қилиши оқибатида ўзидан қўшишлар, онгли равишда ўзгартиришлар ҳам бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси эътиборга олиниши лозим бўлади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** муаллиф, дастхати, қадимий нусха, мўтабар нусха, оддий нусха, аслият.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Китобат турларидан ҳар бирини санаб, таъриф беринг.
2. Нусхаларнинг қайси бири таянч нусха тарзида олиниши мумкин?
3. Қўлёзма нусхаларининг қадрланиши лозим бўлган сифатлари нималардан иборат?

## 9. ТАЯНЧ НУСХА, УНГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА УЛАР ЮЗАСИДАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИШЛАР

**Ўқув мақсади:**

- 1) таянч нусха деб танлаб олинган асосий матн устида олиб бориладиган, таққослаш (ёрдамчи нусхалар билан) ишларини ташкил этиш юзасидан малака ҳосил қилиш;
- 2) матний тафовутларни туркумлаб, уларни амалиётга татбиқ этиш йўллариини ўргатиш.

\*\*\*

Етук манбашунос олим **И.Абдуллаев** қўлёзма манбалар матнини тайёрлашнинг қуйидаги шаклларда бўлишини қайд этган:

«Араб, форс ёки араб имлосида ёзилган манбанинг бир қўлёзма асосидаги матнини, бир қанча қўлёзмалар асосидаги терма матнини ёки дунёда сақланаётган ҳамма нусхалари асосида танқидий матнини тайёрлаш. Бунда матн тарихи, муаллифи, уни ўрганиш тарихи ва тўла тавсифидан иборат сўзбоши ёзилади, сўнгра изоҳлари билан асар матни чоп этилади»<sup>6</sup>.

Бир қўлёзма асосида матн тайёрлашни истисно қилганда, матн тиклаш ишлари таянч нусха билан ёрдамчи нусхаларни таққослашга асосланган қиёсий-тарихий методга асосланиб амалга оширилади.

**Таянч нусха** сифатида энг қадимий, бенуқсон ва тўла сақланган қўлёзма олинади. Кейинги барча **ишлар** шу нусха атрофида олиб борилади.

<sup>6</sup> Абдуллаев И. Мерос ва талкин. –Т.: Фан, 2008. – Б. 349.



**Эслатма:** Аммо ҳаётда ҳамма вақт мавжуд қўлёзмаларнинг орасида қадимийси яхши сақланган ва бенуқсон бўлавермайди. Шунинг учун бу танловда бирмунча кейинроқ юзага келган қўлёзмага келиб тўхташимиз ҳам мумкин. (Нашир учун, барча қўлёзмалар қиёсий ўрганиб чиқилиб, тадқиқот натижаларига қараб, бошқа таянч нусха танланиши ҳам мумкин.) Аммо бошқа нусхалар билан умумий жиҳатлари кўпроқ нусхани таянч нусха сифатида танлаган маъқул. Шунда ўқилишдаги фарқлар сони кўпайиб кетмайди.

#### **Матн устида ишлаш.**

– нусхаларни таққослаш, ўқилишдаги фарқлар (разнотчение) ни аниқлаш ва уларни таянч нусхага йиғиш;

– ўқилишдаги фарқларни таҳлил қилиш (тўғри, хато, онгли янгиланган);

– қўшимча қистирилган ва тушиб қолган ўринларини аниқлаш.

Бу саҳв ва матний тафовутлар таҳлили нашрнинг тадқиқот қисмида бағафсил ёритилади ва бу илмда *матн танқиди* деб юритилади.

#### **Мисоллар:**

а/ Матншунос олимлардан проф. **М.Ҳамидова** матн тузиши жараёнида аниқланган бундай текстологик характердаги барча саҳв ва матний тафовутларни уч гуруҳга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб билади:

1. Композицион ўзгаришга олиб келган фарқлар.

2. Имловий хатолар.

3. Матнни маъновий бузилишга олиб келган тафовутлар.

«Шарқ машъали» (1999, №1-2, 35-б.)

б/ **Д.С.Лихачев** таянч нусха матнига матний тафовутларни йиғишнинг қуйидаги усулини тавсия қилади.

Нусхалар сонига қараб устунларга ажратилган жадвал тузилади:

<b>А қўлёзма</b>	<b>Б қўлёзма</b>	<b>В қўлёзма</b>	<b>Г қўлёзма</b>
<b>таянч нусха</b>	<b>ёрдамчи нусха</b>	<b>ёрдамчи нусха</b>	<b>ёрдамчи нусха</b>
<b>матнида</b>	<b>матнида</b>	<b>матнида</b>	<b>матнида</b>

(Шартли белгилар ишнинг тадқиқот қисмида кўрсатиб ўтилади.)

Барча матний тафовутлар ўрганилиб, таҳлилдан ўтказилгач, устунлар ўзининг таянч нусхага яқинлиги даражасига қараб, қайта қўйиб чиқилади ва нашр учун таянч нусха танланади. Бу ишни ҳозирги пайтда компьютер ёрдамида анчагина осон амалга ошириш мумкин.

### Эслатма:

Ёрдамчи манбалар бўлиб хизмат қилувчи нусхалар сон-саноксиз бўлса, улардан энг муътабарларигина танлаб олинади. Чунончи, Е.Э. Бертельс «Шоҳнома» илмий-танқидий матнини тузишда энг қадимий деган тасаввурни берувчи қўлёзмаларнигига жалб этган<sup>7</sup>.

Нашр илмий-танқидий матн бўлмаса, матнда бериш учун, қўп ҳолларда, тафовутли сўз ёки ибораларнинг матн мазмунидан келиб чиқиб, лозим топилган шакли танланади. Қўпинча транслитерация наشريда шундай ҳолат кузатилади. Таниқли матншунос устозлар ҳатто илмий-танқидий матн тузишда ҳам баъзан шундай йўлдан борганликлари кузатилади (қ.: Порсо Шамсиев. Матншуносликка оид тадқиқотлар. —Т., 1986, 19-б.).

### Мулоҳазалар:

Лихачев ёзади: «Матний фарқларнинг таҳлилидан мақсад матн тарихини яратиш, сақланиб қолган нусхаларнинг алоқадорлик даражасини, генеологик муносабатини аниқлаш.

XVIII—XIX асрлар рус матншунослиги матний тафовутларнинг келиб чиқишига бирма-бир аниқлик киритар экан, бир чеккадан ўқилишдаги янги фарқларни эскироғи билан алмаштириб бораверган, шу йўл билан гўё энг қадимги матнни «тиклаган». Ҳозирги пайтда «тиклаш»нинг бу усулини тўғри деб ҳисобланмайди. Бу йўл билан яратилган лахтак (курама) матн ҳеч қачон бўлмагани аниқ.

Ҳозирги пайтда матншунос **матн тарихини** яратишга, унинг турли хиллари, кўринишлари ва алоҳида нусхалари орасидаги тарихий алоқадорликни аниқлашга ҳаракат қилади. Шу боис, ҳозирги пайтда, матншунос учун муҳими матннинг тур ва вариантларини аниқлаб олиш, ундан кейин уларнинг келиб чиқишини аниқлаши керак. Шунинг учун матний тафовутлар таҳлили бошқа мақсад сари йўналтирилиши керак: яъни, Д.С.Лихачев ёзганидек, «дастлабки матн»ни тиклаш эмас, балки ёдгорлик матнининг тарҳини яратиш учун матннинг барча босқичлардаги ўзгариб бориши ҳақида маълумот бериши керак. Кейинги босқичларга ойдинлик киритиб олгандан кейингина, энг қадимийсини тиклаш мумкин» (Лихачев Д.С. Текстология. —Л., 1983.—С.182-183).

Матн тарихи учун энг муҳим маълумотлар матний тафовутлар таҳлили натижасида қўлга киритилади. Бундай фарқларнинг ҳар бири ўзининг келиб чиқиши нуктаи назаридан тарихий планда ўрганилади. Уларнинг қай бири қайсинисидан келиб чиққанини аниқлашга ҳаракат қилинади.

<sup>7</sup> Фирдавсий. Шахнаме. Критический текст. Т.І. — М., 1960, —С.9.

Алоҳида фарқларнинг умумлашма таҳлили нусхаларнинг шажарасини белгилаш имконини беради.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** йиғма-қиёсий матн, матн, илмий танқидий матн, қиёсий-тарихий метод, матний тафовут (ўқилишдаги фарқлар), матн танқиди, матн тарихи.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Илмий-танқидий матн тузиш учун қўлёзмаларни йиғишга қўйилган талаблар нималардан иборат?
2. Таянч нусха матнида саҳифа остига матний тафовутларни йиғиш усулларини сўзлаб беринг.
3. Матн тарихи тушунчасини изоҳланг.

## 10. МАТННИ ТИКЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

**Ўқув мақсади:**

- 1) танланган матнни тузиб чиқиш бўйича тартиб-қоидаларни илмий асос эттириш усулларида хабардор қилиш;
- 2) етук матншунослардан П.Шамсиевнинг матн устида ишлаш тажрибасини атрофлича таҳлил этиш.

\*\*\*

Ёзма ёдгорликларни илмий муомалага киритиш, оммалаштириш ишлари манбашунослик ва матншунослик соҳасида доимо долзарб бўлиб келган. Юртимизда кирилл ёзуви амалда бўлган давр ичида бу борада жуда улкан ишлар амалга оширилгани маълум. Ҳозирги пайтда адабий ёки тарихий мерос намуналарини нашрга тайёрлаш янада кўпроқ оммалашиб бормоқда.

Аммо ҳар қандай матнни тайёрлашда, устоз матншунослар таълим берганидек, ҳатто у оммабоп ёки табдил бўладими, унга ёндашув илмий бўлиши шарт (Текстология. —М., 1983. 490-б.). Матншунослик амалиёти бу фикрнинг нечоғли тўғри эканини кўрсатиб турибди. Асар матнини сифатли қилиб тайёрлаш бўйича матншунослигимизда ибрат оларли тажрибалар тўпланган. Аммо улар тарқок ҳолатда ва вақти келса, амалиётда бу ютуқлардан етарли фойдаланилмагани ҳам кузатилади. Шунинг эътиборига олиб, асар матнининг тўлақонли чиқиши учун матншунослик амалиётидан тўпланган матн тайёрлашнинг умумий принципларига диққатингизни жалб қилмоқчимиз. Чунки матншуносликда ёзма ёдгорликлар матнини тузиш принциплари уларнинг наشريда, ёки алоҳида мақола, маъруза ҳолида эълон қилинади.



Зотан, совет матншунослик мактаби асосчиларидан бири Борис Михайлович Эйхенбаум таъкидлаганидек:

Матншунослик – ... классикларни нашр этиш билан бевосита боғлиқ бўлган амалий соҳа.

Матншунослик иши – муаллиф матнини бирламчи манбалар асосида турли ўзгариш ва нуксонлардан тозалаб нашрга тайёрлашдир. Унинг таъкидлашича:

«Матншунослик ишининг тўғри бориши учун қатъий назария ва тегишли соҳа фанлари юзасидан билимга таянадиган методика керак. Бу таянч қанчалар мустаҳкам ва аниқ бўлса, матншунослик иши шунчалар самарали, тез битувчи, бенуқсон ва фойдали бўлади».

«Тегишли соҳа фанлари» – бу адабиёт тарихи, тил тарихи, ёзув тарихи, шеър тузилиши ва ҳ.к.

Назарияга келсак, рус матншунослиги ўзига бундай назарияни анчагина юксалтиришга муваффақ бўлганлар. Винокур Г., Томашевский Б.В., Лихачев Д.С., Рейсер С. А. ва ҳ.к. ларнинг фундаментал тадқиқотлари рус матншунослигининг асосини ташкил этади. Аммо уларни шарқ қўлёзмаларига ҳамма вақт ҳам татбиқ қилиб бўлмаслигини устоз матншуносларимиз қўп таъкидлашган. Шу боис улар орасидан шарқ қўлёзмалари билан шуғулланган Крачковский И.Ю., Кононов А.Н., Бертельс Е.Э., Акимовский О.Ф. кабиларнинг амалий ишларидаги назарий умумлашмалар биз учун матншунослик мактабини юзага келтирди лейишимиз мумкин. Улар илмий-танкидий ва илмий-оммабоп нашрларни яратиш жараёнини шу манбаларни тайёрлаш принципларини ишлаб чиқишдан иборат тадқиқот ишлари билан қўшиб олиб боришган. Шу билан бирга, ўзбек матншунослари уларнинг илмий тажрибасидан ижодий фойдаланиб, тобора мақсадга яқинлашиб келганлар.

Матн тиклаш жараёни ҳар бир матншунос учун ўзига хос тарзда кечади. Лекин, шунга қарамасдан, бу жараённинг умумий жиҳатлари бор:

**П. Шамсиев** «Хамса» илмий-танкидий матнини тузиш принципларини ишлаб чиқишини шундай ёзган эди: «Алишер Навоий «Хамса»сининг илмий-танкидий матнига асос бўлган қўлёзмалар **тавсифига ўтишдан** аввал, шунинг алоҳида қайд этиш жоизки, бизга озарбайжон олимлари коллективининг Низомий Ганжавий «Хамса»си устида олиб борган иш тажрибаси, шунингдек, Москва шарқшунослари томонидан Фирдавсий «Шоҳнома»сининг илмий-танкидий текстини яратилишидаги бой тажрибаси катта ёрдам берди» (27-б.).

Бу парчадан кўринадики, етук матншуносларимиз матн тиклаш ишини, аввало, мазкур матнга асос бўлган қўлёзмаларнинг **тавсифи**ни беришни, улардан қайси бирини ва нима учун **таянч** нусха қилиб олганларини асослашдан бошлаганлар.

«Шохнома»нинг I томида келтирилган сўзбошида Е. Э.Бертельс шундай ёзган эди: «Текст тайёрлашда, биз салафларимизга нисбатан бошқачароқ ёндашдик. Мавжуд босма нашрлар мақсадга мувофиқ кўринмади. Аниқ сана ва кўлёзма материалнинг жиддий фиксацияси-текстологик ишнинг биринчи шартларидан. Текстга жаҳон кутубхоналаридаги мавжуд бўлган ҳисобсиз кўлёмаларни жалб этиш ортиқча ўзгаришга олиб келган ва оригинал текстга яқинлашишга йўл қўймаган бўлар эди. Шунинг учун бизнинг нашримиз асосига матннинг энг қадимий тасаввурини берувчи кўлёмалар асос қилинди»<sup>8</sup>.

П. Шамсиев «проф. Е. Э. Бертельснинг «Шохнома» матни учун кўлёзма танлашдаги принципларини тўла ҳолда Навоий «Хамса»сига ҳам қўллаш мумкин»лигини ёзади:

«Навоий «Хамса»сининг илмий-танқидий текстини тузиш учун 6 кўлёмадан [фойдаландик], **таянч нусха сифатида** ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида сақланувчи (инв. 5018) кўлёмани танладик...»

«Навоий «Хамса»сининг илмий-танқидий текстини тузишда бизга Абдулжамил кўчирган нусха асосий таянч бўлди. Текстимизда биз бу кўлёманинг ҳамма хусусиятини сақладик. Текстдаги ҳар байт бошқа беш кўлёзма билан солиштирилди, маънога оид фарқлар текстимизнинг илмий аппаратида қайд этилади.

Текстимизнинг шартли белгилари:

1. Кўлёзма — 5018, Абдулжамил кўчирган — А
2. Кўлёзма — 560, Султон-Али кўчирган — Б
3. Кўлёзма — 7554, Тошкент нусха — В
4. Кўлёзма — 55 ЛГПБ — Г
5. Кўлёзма — 559 ЛГПБ — Д
6. Кўлёзма — 15334 Қозон унив — Е.

Ҳар бир боб рим рақами билан ажратилган, дostonнинг ҳар бир ўн байти арабча ракамда изчил тартибда номерланган, биринчи қатор — «а» ҳарфи билан, иккинчи қатор — «б» билан белгиланади».

*Порсо Шамсиев* "Хамса" дostonлари илмий-танқидий матнни тузишда, таянч нусха билан ёрдамчи нусхаларни киёслашда, ўзи дуч келган матний тафовутларни қуйидагича туркумлаштириб олади:

«Ҳар бир нусха текстларини солиштиришда қуйидаги фарқлар кўрсатилди:

1. Маънавий характердаги асосий фарқлар.
2. Орфографик фарқлар.

<sup>8</sup> Фирдоуси. Шахнаме. Критический текст. — Т. I, под редакцией Е.Э.Бертельса. — М., 1960. —С.9.

3. Қотибнинг хатоси.

4. Қолдирилган айрим сўз, қатор ва байтлар<sup>9</sup>.

Асосий фарқларни шунингдек, текстнинг энг яхши вариантини аниқлаш бизнинг асосий вазифамиз бўлди. Бунда биз қуйидаги белгиларга қараб фарқларни **фиксация қилиш принципини** қўладик: а) автор тексти деб фараз қилинган текстдан шубҳасиз фарқ қилувчи; б) редакцион характердаги ўзгариш.

А нухани юқорида айтганимиздек, автор вариантдан кейинги биринчи қўлёзма деб қарар эканмиз, унда алоҳида текстологик чалкаш ҳоллар кўринмади»(34-б.).

Бу парчани бирмунча кенг ҳолда келтиришимиздан мақсад, ўзбек матншунослигида илмий-танкидий мати тузувчилар учун бу устознинг методикаси ибрат манбаи бўлиб келди. У илмий-танкидий матн яратишнинг типик шаклининг ифодаси бўлиб хизмат қилди.

Кейинги матншунослар ҳам шу методологиядан фойдаланганлари кузатилади. Чунончи:

*Матншунос олимлардан проф. М.Ҳамидови* матн тузиши жараёнида аниқланган бундай текстологик характердаги барча саҳв ва матний тафовутларни **уч гуруҳга** бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб билади:

1. Композицион ўзгаришга олиб келган фарқлар.

2. Имловий хатолар.

3. Матнни маъновий бузилишга олиб келган тафовутлар<sup>10</sup>.

Ҳар ҳолда, ҳар бир асар матни ўзининг палеографик ва матний хусусиятларидан келиб чиқиб, фарқлар ва хатоликлар туркумлаштирилади. Уларнинг барчаси матнни тиклаш чоғида эътиборга олиниши лозим бўлади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** таянч нусха, тавсиф, илмий аппарат, илмий танкидий матн, ёрдамчи нусха, босма нусха.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Матн тузиш ишларини тўғри амалга ошириш учун мутахассис олимнинг қандай сифатларга эга бўлиши тавсия этилади?

2. Матн тузишда матншунослик уни тузиш принциплари қаердан олиб, ўрганади?

3. П. Шамсиевнинг ўзбек матншунослигига қўшган ҳиссасини қандай баҳолайсиз?

<sup>9</sup> Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. –Т.: Фан, 1986. –Б.34.

<sup>10</sup> Ҳамидова М. Нодир манбалар // Шарк машъали. –Т., 1999. –№ 1-2. –Б.35.



## 11. АСАР МАТНИ ЮЗАСИДАН МАЪЛУМОТЛАР ТЎПЛАШ

### Ўқув мақсади:

1) асарнинг тузилиши унинг таркибий қисмлари ва мазмунини тиклаш, тўғри ифодалаш учун зарур бўлган маълумот тўплаш йўл-йўриқлари билан таништириш;

2) Алишер Навоий, Муҳаммад Жалолиддин ижодлари мисолида мавзу юзасидан малака ҳосил қилиш.

\*\*\*

Асар матнига доир маълумотлар, биринчи навбатда тўғридан-тўғри асарнинг ўзидан олинади. Асарнинг муқаддимасида, қўпинча, унинг тузилиши, боблар аро фасллар тўғрисида маълумотлар учрайди.

### Мисоллар:

#### I. Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" муқаддимасидан:

«То тарих тўккуз юз бирдаки, ул китоб(“Нафаҳот”)нинг таълифидин йигирма йил ўтуб эрди, тенгри таоло тавфики бирла бу улуг ишга илик урдум ва бу азим амрға қалам сурдум ва ҳазрати Шайх Фаридуддин Аттор битиган «Тазкиратул-авлиё»дин баъзи кибори машойихким, «Нафаҳотул-унс»ға дохил бўлмайдур эрди, ҳар қайсини муносиб маҳалда дохил қилдим. Ва Ҳинд машойихи шарҳи ҳам оз мазкур эрди, мумкин бор тилаб, топиб, ҳазрати қутбул-авлиё Шайх Фарид Шакарғанждин ва сўнгги машойихғача илҳок қилдим. Ва турк машойихи зикри ҳам озрок эрди, ани доғи ҳазрати шайхул-машойих Хожа Аҳмад Яссавийдин бу замонғача улча мумкин бўлиб, тилаб, топиб, ул мутубаррак китобда йўқ эрди, мунда қўштум. Ва ул китобда доғи авлиёуллоҳ зикридин баъзи сўз замон аҳлиға қўп муҳтожун илайх эрмас эрди итноб (ортиқча қўзиш) ваҳмидин таркин туттим ва бу таржимадин ўқсуттум. Ва чун бу валоят риёзи муҳаббат насимиға ва футувват шамимиға сабаб бўлди, анга «Насоимул-муҳаббат мин шамойимул-футувват» от қўйдум».

Бу парчадан асарнинг ёзилиш санаси, унга асос бўлган «Нафаҳот»нинг ёзилиш санаси, асар таркиби, манбаларга муносабат, фикрларига талаб ва ҳ.к. маълумотларни ҳосил қилиш мумкин.

#### II. Муҳаммад Жалолиддин “Мукошаф ул-асрор” асаридан (ЎзФА ШИ фонди, 2729 рақамли қўлёзма, 72-б.):

«Аммо баъд аз таҳмид («алҳамдулиллоҳ») сўзи) ва таслияти (та-салли) ин бандаи камтарин, масокин хокнешин, Муҳаммад Жалолиддин ба иқтисое ихлос манокими пўрманофе он моҳи сахари эҳсон ва он шоҳи кешвари ирфон, семургӣ коф қурбат ва анқое ошиёни

вилоят, қутбул-аткиё, ғавсул-авлиё, вокифи асрор, асқолин ва вориси ҳазрат Саид ал-Кавнайн саллолоҳи таоло алайҳи ва ала олиҳи муслими агно ҳазрат Шайх Муҳаммад Ҳусайн *Зодуллāҳи тайлā шарафту анфāсаҳу ва бақйя ва лāбӯд баракāтуҳ иршāда валиййати мин аҳлил (калвин)* тасвид дод (қоғоз қоралади) ва дар ин китоб ҳар жо ки, «Ҳазрати Эшон» барнигошта ояд – муроди он зубдепарастон ва қўдвае (етакчи) худопарастонанд маа дигар маҳдумзодагон маъорифи эҳсон ва хулафои зави ул-урфон. Бас, ин рисола ки, мусамми ба «Макошиф ул-асрор» аст, муштамел (иборат) аст ба ҳукми «*карима тас оёт банот бана макошифа*» ва ҳар макошифа муштамел аст бар чанд «инкишоф».

**Мукошафаи аввал** – мутазамман (иборат) аст бар се *муқаддима*.

**Муқаддимаи аввал.** «Дар изҳори маъзират ва вужуди зикри манқабати ишон». Ва ин бар се *важҳ* аст ...».

Бу парча асар мундарижаси, таркиби, ёзилиш сабаби, кимга бағишлангани, мавзуси, асар тузилиши ва ҳ.к.лар ҳақида хабар беради. Демак, асар 9 та мукошифадан, ҳар бир мукошифа бир неча инкишофдан иборат; 1-мукошифанинг ўзи уч муқаддимадан ва 1-муқаддима 3 та важҳдан иборат экан. Бундай мураккаб тузилган асар матнини тузишдан олдин унинг мундарижасини тузиб олиш керак бўлади. Масалан:

Басмала	71 б
Салавоти таййибот	72 а
<b>I. Мукошафаи аввал.</b> Мутазамман аст аз се муқаддима.	73 а
Муқаддимаи аввал. Дар изҳори маъзират ва вужуҳи зикри манқабати ишон	73 а
Важҳи аввал. Онке, ин фақир бо вужуди тақсир...	73 а
Важҳи дуввум. Онки ин фақир забони қаламро...	73 б
Важҳи сейум. Онки зикри ҳадис ва сифати нафиси...	74 а
Муқаддимаи дуйум Дар тақшифи асрори гояти истиғно ва бениёзий.	74 б
Назм (98 байтлик маснавий)	75 б
Муқаддимаи сейум. Баъд аз ёфтани аҳли ирфон, тарийқи шенохтани аҳволи ишон ва ҳ.к.	

Асар матнини ўрганишда уни, имкони бориҷа ҳар хил турларга мансуб матнлари тадқиқот учун жалб қилинади. Унинг вариантлари қатлам-бақатлам ўрганилиб борилиши керак. Қўлғезмадаги сана, имзо, қўлғезманинг ўзидаги муаллиф ёки котибнинг ўзи ёки ўз даври воқеа ва ҳодисалари ҳақидаги қайдлари ва ҳоказолар бевосита (*асосий*) маълумотлар ҳисобланади. Бундай маълумотларни кидириб топа

билиш керак. Матннинг ўзида бундай маълумотлар бўлмагани ҳолда қўшимча манбалардан маълумотлар қидирилади.

Асар матнига доир маълумотлар, *билвосита*, яъни бошқа турли манбаларда келтирилган бўлиши ҳам мумкин. Жумладан:

Ғиёсиддин Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асарида «Назм ул-жавоҳир» ҳақида ўқиймиз: «...Ва шу каби, «Наср ул-лаолий»нинг туркича таржимасида икки юз олтинчи рубоий назм қилгандирларки, унинг ҳар тўрт мисраси бир хил қофия ва бир хил радифлидир. Қўринишича, ул ҳазратдан илгари ҳеч ким туркий тилда рубоий айтмаган, ҳар тўрт мисраси қофиядош ва радифдош бўлганига нима етсин» (Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. –50-б.).

Бу парча Хондамир замонида «Назм ул-жавоҳир»нинг нусхаларида 260 та рубоий берилганини билдириб турибди. «Наср ул-лаолий» қўлёзмалари билан «Назм ул-жавоҳир» қўлёзма ва босма нусхаларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, «Назм ул-жавоҳир», Хондамир ёзганидек, 260 та рубоий - ҳикматдан иборат бўлса, Алишер Навоий асарларининг 15 томлигида улардан 254 ва «Мукаммал асарлар тўплами» 20 томлигида (15- том) 255 та рубоий киритилган. «Мукаммал асарлар тўплами» 20 томлигидаги рубоийлар 15 томликдагидан «Хотиннинг яхшиси – сеvimли ва кўп тугадиганидир», - деган 65-ҳикмат- рубоийнинг қўшилгани билангина фарк қилади.

Рубоийлар матни ҳар иккала нашрда ҳам деярли ўзгаришларсиз такрорланади. Одатда, асарнинг қўлёзмалари ва унинг бугунги нашрлари ўртасидаги тафовут илмий-танқидий матнини амалга ошириш билан бар-тараф этилади. М.Рашидованинг «Алишер Навоий «Назм ул-жавоҳир» асарининг матний тадқиқоти» (Рашидова М. «Назм ул-жавоҳир»нинг матний тадқиқоти ва илмий танқидий матни / ф.ф.н. диссертация –Тошкент: 1990.) мавзусидаги номзодлик диссертациясидан асарнинг 268 рубоийдан иборат эканлиги маълум бўлади. Демак, улуғ шоирнинг 20 томлик Мукаммал асарлар тўплами нашридан ўн уч рубоий тушиб қолган.

Асар матнини тиклаётганда бу хилдаги маълумотларни қўшлаб жалб қилиш керак.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** муқаддима, дебоча, китобнинг ёзилиш сабаби, боблар, хотима, колофон.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Асар муқаддимасида матн тузувчини қизиқтирадиган қандай маълумотлар учрайди? Сиза берилган асар бўйича матн тузишда асқотадиган маълумотларни дафтарингизга кўчириб ёзинг.

## 12. МАТНИИ ТИКЛАШ ЖАРАЁНИ ЮЗАСИДАН МАТНШУНОСНИНГ НАЗАРИЙ ТЎХТАМЛАРИ

### Ўқув мақсади:

- 1) матн наشريда у билан бирга чоп этиладиган илмий маълумот-нома ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;
- 2) нашрнинг матн танкиди қисмидаги назарияга мурожаат қилинган ўринларни таҳлил қилиш малакасини ҳосил қилиш.

\*\*\*

Ҳар бир асар матни устида тадқиқот олиб бориш билан бир вақтда, уни илмий жамоатчилик ва кенг ўқувчилар оммасига етказиш (нашрини тайёрлаш) ҳам эътиборга олинади. Асар матнини ундан фойдаланувчига етказиш воситаларига матнни тайёрлаш жараёни баёнидан тортиб, изоҳ ва қўрсаткичлардан иборат иловаларгача киради.

Булар ичида нашрга **археографик кириш** эъиш энг масъулиятли иш ҳисобланади. Унда муаллиф ҳақида қисқача маълумот берилади; асар атрофидаги муаммолар, асарнинг ёзилиш тарихи ёки сабаби, асарнинг тузилиши ҳақида маълумот, боблар мундарижаси келтирилади, турдош асарлар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ёритилади, тадқиқотларда мазкур асарга мурожаатларга бирма-бир тўхтаб ўтилади, асарнинг таржималарига бирма-бир тўхтаб ўтилади, матнни тиклаш учун қайси (нечта) нусхаларни ажратиб олинганлиги ҳақида маълумот берилади, жалб этилган нусхаларни қайси принципда номланганлиги (алифбо тартиби, жой номи бош ҳарфи, ёки тартиб рақам), тадқиқот учун жалб этилган нусхалар тавсифи берилади, қайси нусхани ва нима учун **таянч нусха** қилиб олингани, китобдаги шартли белгилар тушунтирилади.

Нихоят ёзма ёдгорликнинг характерига қараб, нашрнинг илмий аппаратиға нималарни жалб этиш масаласи ҳал этилади.

Иш жараёнида матншунос бу масалаларнинг ҳар бириға бирма-бир тўхталиб ўтар экан, уларни ҳал этишда эркин ҳисобланади. Иш албатта биз қайд этган тахлитда боради деган гап эмас. Ҳар бир ҳолатта ижодий ёндашув керак бўлади.

### Мисоллар:

**П.Шамсиев.** «Ҳайрат ул-аброр» илмий-танқидий матни ҳақида:

«Гарчи А қўлёмаси, мўътабар ва ишончли манба сифатида асосий **таянч нусха** бўлиб қолса-да, асосан шу нусхани қўчириб, шу нусханинг ҳамма хусусиятларини сақлашға ҳаракат қилинган бўлса-да, кези келганда шу қўлёзмаға ҳам танқидий қаралиб, нусхада қўрин-



ган хато ва нуқсон бошқа нусхалар ёрдамида танкидий текст доира-сидан бартараф қилинди.

Зотан, текст тузиш танкидий йўл билан бўлганлигидан, ҳамма ва ҳар қандай котиб қўлёзмасига танкид кўзи билан қараш керак бўлади. Бор нарсаларни бир бошдан кўчира бериш ва кўзга илғаган ҳамма майда-чуйдаларни бет остида қайд эта бериш текстология вазифаларига алоқасиз ҳаракатлар, деб ҳисоблаймиз...» (Шамсиев П. Матншуносликка оид тадқиқотлар. —Т.: Фан, 1986. —Б.20.)

**Суйима Ғаниева.** «Мажолис ун-нафоис» илмий-танкидий матни ҳақида:

«Булардан ташқари, «ЎзФА Шарқшунослик институти фондидаги № 8389 (XIX аср охири), № 5289 (1253/1837-1838), № 9394 (XVI аср I ярми), № 7745 (1335/1916-1917), СССР Фанлар академияси Ленинград бўлими қўлёзмалари фондида 810-инвентарь номери билан сақланаётган қўлёзма нусха, Тожикистон ССР Рўдакий номидаги Тил ва адабиёт институти фондидаги 450-инвентарь номерли (1142 /1729-1730) қўлёзмалар ўрганиб чиқилди. Лекин бу қўлёзмалар тўла бўлмаганлиги, саводсиз ва чалкаш кўчирилгани ва уларда шунга ўхшаш камчиликлар мавжудлиги туфайли текст тузишда фойдаланилмади» Текст тузиш жараёнида 1945 йилда Техронда Али Асқар Ҳикмат томонидан нашр этилган Фаҳрий ва Қазвиний томонидан бажарилган «Мажолис ун-нафоис»нинг иккита форсча таржимаси, шунингдек Абдулваҳобнинг 1908-1909 йилги тошбосма нусхаси ва 1948 йил босилган Ойбек ва П. Шамсиев нашрга тайёрлаган текстга ҳаммаша мурожаат қилиб турдиқ» (Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис / илмий-танкидий матн тузувчи, археографик кириш, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Суйима Ғаниева. —Тошкент: Фан, 1961. —Б. 2648; матн.—256 б.).

Асар матнини устида ишлаганда, етук мутахассисларнинг манбашунослик ва матншуносликда соҳасида амалга оширилган нашрлари тадқиқот қисмида берилган назарий умумлашмаларга эътибор қилиш керак. Уларнинг ҳар бирида биз танлаган асар матни учун қўл келадиган назарий фикрлар албатта учрайди. Уларга риоя қилсак ва уларни тарғиб этсак, соҳанинг назарий ривожланишига ҳисса қўшган бўламиз.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** асарнинг тузилиши, мундарижа, археографик кириш, асарнинг ёзилиш сабаби.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Асар матни нашрининг археографик кириш қисмида информатив характердаги қандай маълумотлар берилиши керак?

2. Таҳлил учун бирор ёзма ёдгорликлар нашрини олиб ундаги археографик кириш қисмига ихчам тақриз тайёрланг.

### 13. ИСТИСНОЛИ ҲОЛАТЛАР

#### Ўқув мақсади:

1) асарнинг ягона нусхада сақланиб қолган матнини тузишдаги муаммоларни ҳал қилиш усуллари ўрганиш;

2) асар муаллифи ҳақида маълумот излаш методикасидан малака ҳосил қилиш.

\*\*\*

Асар матнини тиклаш, тузиш ва уни оммалаштириш учун тайёрлаш иши, одатда унинг сақланиб қолган нусхаларини қиёсий тадқиқ этиш (тарихий-қиёсий метод) йўли билан амалга оширилади. Аммо шундай ҳолатлар ҳам бўладики, матн ягона нусхада сақланиб қолган. Бундай истисноли ҳолатларда матншуносликдаги кўпгина талаб ва меъёрлар ўз-ўзидан тушиб қолади. Ёзма ёдгорликларимизнинг ягона нусхада сақланиб қолганлари талайгина бор. Жумладан:

Мухаммад ибн Закариё ар-Розийнинг «Китоб сир ил-асдор» асари:  
**ягона нусхаси** Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда сақланмоқда.

Сайид Аҳмаднинг «Таашшукнома» асари:  
**ягона нусхада** Лондондаги Британия музейида сақланмоқда;  
(ЎзФА ҚИ фонди, фотонусха, инв.18).

Қўтбнинг «Хусрав ва Ширин» достони:  
**ягона нусхаси** Париждаги миллий кутубхонада 312 қайд рақами остида сақланмоқда;

Сайфи Саройи «Сўхайл ва Гўлдурсун» достони:

**ягона нусхаси** Ўз ФА Адабиёт музейи фондида сақланмоқда;

Дўрбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» достони:

**ягона нусхаси** Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда сақланмоқда;

Тўрди Фарогийнинг шеърлар девони:

**ягона нусхаси** Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда (Ўзбек адабиёти, 1959).

Баъзан, кейинги изланишлар натижасида бундай асарларнинг бошқа нусхалари ҳам топилиб қолади. Чунончи, Хўжандийнинг «Латофатнома» асарининг **ягона нусхаси** – Британия музейида сақланади деб ҳисобланар эди (Ўзбек адабиёти, 1959); 1980 йилда унинг 4 та нусхаси борлиги маълум бўлди (Э.Фозилов): 1) 2 та Кобул нусхаси<sup>11</sup> (уйғур ёзувида), 2) Истанбул нусхаси 3) Лондон нусхалари бор.

Бундай асарлар ҳам одатдагидек асл ҳолида ёки таржима қилиб нашрга тайёрланади.

<sup>11</sup> Проф.А.Абдуазизовнинг хабар беришича, бу нусхалар ҳозир ёниб кетган.

Ягона нусхада сакланиб қолган арабий, форсий ва туркий қўлёзма манбаларни ўрганиш, таржима қилиш, тадқиқ қилиш, изоҳлар тузиш, танкидий матнларини тайёрлаш, уларни нашр этиш ишлари қуйидагича амалга оширилади.

Дастлабки ҳаракат асар муаллифи ҳақида маълумот излашдан бошланади. Муаллиф яшаган даври, таржимаи ҳоли, ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар топиш учун таъриқлар, тарихий манбаларни қўздан кечириш, дунёнинг турли кутубхоналаридаги фихрист (каталог)ларини ўрганиш керак бўлади. Шундан кейин. Асар матни қўлёзмасининг топилиш тарихи, унинг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши, тил ва баъдий хусусиятлари, илм-фан учун аҳамияти ва бошқаларни ёритиб берувчи сўз боши ёзилади. Асар таржимаси (таржима нашр учун) ёки матнини тайёрлаш (аслият нашри учун) билан бир пайтда унда учраган тарихий шахслар, ҷуғрофий номлар, тарихий воқеалар, китоб номлари, таржимасиз қолдирилган айрим сўз ва ибораларга зарур ўринларда изоҳлар тузиб борилади. Бу тарзда сўз боши, изоҳ, қўрсаткичлар билан таъминланган ҳолда илмий муомалага киритилган манбалар устида тадқиқотлар олиб бориш анча осонлашади.

Қўлёзма муаллиф нусхаси ёки оддий нусха (хаттотлик ёзувида эмас) бўлса, уни ўқиш қийин бўлиши шубҳасиз. Чунки баъзи ўринларда ўчирилган, ўчиб кетган ўринлар бўлиши мумкин. Араб имлосида бош ҳарф, кичик ҳарф, сатр боши, тиниш белгиларининг йўқлиги ҳам қийинчиликлар келтириб чиқаради. Матншунос ўрганаётган матнidan нусха қўчириб олиб, унга тиниш белгиларни қўйиб боради. Барча тузатиш ва ўзгартиришлар шу нусха устида бўлади.

Бундай нусхалар ҳақида И.Абдуллаев ёзади: «Баъзи нусхалар ягона нусхада сакланиб қолган, уларнинг боши ва охири йўқолган, орасида чиқиб, йиртилиб кетган, сичқон еган, ўчиб кетган, йиртиб олинган ёки йўқолган саҳифалар учрайди. Бундай манбалар номаълум муаллифга тегишли (аноним) ёдгорлик сифатида ўрганилиб, имкон борича, матни тикланади, тадқиқ ва таржима қилинади. Фавқуллодда қувончли ҳоллар ҳам учраб, ўша асар муаллифи ҳақида бошқа бир манбада маълумот учраб қолади ёки асарнинг дунёнинг қасридадир бошқа нусхаси борлиги аниқланади. Бунда матндаги нуқсонлар тузатилади ва тўла матн тикланади» (Мерос ва талқин, 350-б.).

Бундай матннинг муваффақиятли чиқиши матншуноснинг малакаси, ҳаётий тажрибаси ва ҳиссий идрок усулини нақадар ўзлаштирганига боғлиқ бўлиб қолади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** ягона нусха, ижодий мухит, ижодий мерос, илмий-танқидий матн, изоҳ, кўрсаткич, таржима.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Ягона нусхада сақланиб қолган асар матни қандай кўринишларда чоп этилиши мумкин?

2. Асар муаллифи, ижодий мухит ҳақидаги маълумотлар қандай йиғилади?

3. Боши ва охири йўқ ягона нусхадаги асар матни қандай ўрганилади?

## 14. МАТН ТУЗИШ ЖАРАЁНИ

**Ўқув мақсади:**

1) қўлёзма асар матнини тузиш жараёнида тузувчи риоя этиши зарур бўлган умумий ва хусусий принциплар ҳақида маълумот бериш;

2) матн устида ишлашнинг палеографик ўқиш ва текстологик ўқиш босқичлари юзасидан малака ҳосил қилиш.

\*\*\*

*Дастлабки босқич ишлар:*

Матн устида ишлаш, аввало, у билан танишувдан бошланади. Бунда уни шунчаки, одатдаги китобхон сифатида ўқиб чиқилади. Асар матнини тиклаш ва нашр этиш ишлари матншунослар фаолиятида барқарорлашган умумий принциплар асосида олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунга кўра матншунос асосга олган қўлёзма матнини (таянч нусхани) икки босқичда ўқиб чиқади ва уларнинг ҳар бирида тегишли ишларни амалга оширади. Булар палеографик ўқиш ва текстологик ўқишлардир. Палеографик ўқиш чоғида матннинг шакли тиклана боради, текстологик ўқишда эса, матннинг мазмунини тикланади. Ўз матншунослик тажрибасига ишониб, бу икки ўқишни бирлаштириб бир чеккадан ёзиб кетаверадиган энг тажрибали матншунос ҳам иш нашрга бориб тақалганда, хато ўтиб кетганини пайқамай қолади.

А. Чунончи, матнни палеографик ўқиш чоғида матнда ўзининг мавжудлигини билдириб турадиган асосий ташки белгилар га эътибор берилади. Яъни:

– ёзув характериға қараб (насх, настаълиқ, шикаста, аралаш, хат-тотлиқ ёзуви, оддий ёзув ва ҳ.к.) ҳарфлар хусусияти аниқланади;

– сарлавҳалар чегараси (тўқ сиёҳ, қизил сиёҳ, йирик ҳарфлар) белгилаб олинади;



– шотрий парчалар чегараси (назм, жазал, қитъа, тахаллус) белгилаб олинади;

– мисрилар чегараси аломатлари (ғуж нукта, тўнкарилган нукта-вергул, тўқ сисҳ, қизил сисҳ харфлар)га қараб белгилаб чиқилади;

– бошқа тилдаги иқтибослар, оятлар, ҳадислар чегараси (устидан чизишлар, асосий матндан бошқача хат туридаги ёки диакретик белгили жумлалар);

– умуман, сўзлар чегараси пухта белгилаб олинади.

– ёзуви ўчган, ўчирилган, ноаниқ ерларини эътиборга олиб (қайд этиб) ўқиб чиқилади.

– асар мундарижаси шакллантирилади, композицияси эътиборга олинади.

Матнни *палеографик ўқиш* чоғида унинг *ёдда тутиш* лозим бўлган *қўшимча ташқи белгилари*: Яъни:

– матннинг турини аниқлаш (қўлёзма, тошбосма, ягона нусха, кўп нусхали, ҳадя, сотувга, шахсий фойдаланишга мўлжалланган, буюртма ва ҳ.к.);

– асарнинг юзага келиш даврини аниқлаш (муаллиф қачон ёзган);

– матннинг ёзилиш даврини аниқлаш (котиб қачон кўчирган);

– келиб чиқиш ўрнини аниқлаш (қаерда ёзилган, қаерда кўчирилган).

Амалиётда бу ерда санаб ўтилгандан бошқа турдаги ташқи белгиларга ҳам дуч келиш мумкин. Қўлёзма матнидаги ташқи белгиларнинг палеографияга оид унсурлар эканини унутмаслик ва уларни ҳам палеографик ўқиш чоғида ҳисобга олиниши лозим.

**Б. Текстологик ўқишда** матн синтаксисига кириб борилади, яъни унинг мазмуни тикланади:

– матн зарур ўринларда *тиниш белгилари қўйилган, персонаж нутқи, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар* ва ҳ.к.ларнинг ҳозирги замон меъёрларига амал қилган ҳолда кўчириб ёзиб олинади (транслитерация). (Илмий-танкидий матн ва йиғма-қиёсий матн нашрлари бундан мустасно.)

– матн хатолари, такрорлар, атайин ёки беихтиёр киритилган ўзгаришлар, уларнинг юзага келиши сабаблари аниқланади, мўлжалдаги нашр турига қараб ё илмий аппаратда акс эттирилади ёки матнга тузатиш киритилади;

– матннинг ўқилиши қийин, бузилган тушунарсиз жойларини матншунос кўп жиҳатдан контекстга суянган ҳолда асарнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб, *ҳиссий идрокни* ишга солиб тузатишига тўғри келади (*конъектура*).

Нихоят, матн тарихи учун йигилган барча маълумотларга асосланиб, матнни бир бошдан тиклашга киришилади. Тайёр бўлган матн илмий ёки оммабоп тарзда чоп этилади. Матн тарихи ҳақидаги маълумотлардан эса археографик кириш, матн танқиди (матний тафовутлар юзасидан тадқиқот, матншунослик таҳлили) юзага келади. Бу ишларни амалга оширишда бирор банд, имкони бўлатуриб, четлаб ўтилмаслиги керак. Акс ҳолда матн «кемтик» бўлиб қолади.

Матнни тўғри ўқий олишнинг асосий шарти—давр тилини яхши билишдир. Бунинг учун даврнинг фонетик, морфологик ва синтактик мезонларидан хабардор бўлишимиз керак бўлади. Ўқиш жараёнида давр адабий услуби, тарихий атамалари ва ҳ.к.ларга эҳтиёж сезилади. Адабиёт тарихи ва унинг тарихий масалаларига оид билимлар мажмуасининг кенг ва чуқурлиги тайёрланаётган матннинг илмий савиясига тасир қиладиган асосий омиллардан ҳисобланади.

Матншунослик амалиёти бу принципларнинг қотиб қолган қоидалар йиғиндиси эмаслигини, уларга ёпишиб олмаслик кераклигини кўрсатади. Иш чоғида бу принципларга нисбатан истисноли ўринлар чиқа бошлайди. Бу ҳолда, одатда, ўз қоидаларимизни киритамиз. Чунончи таянч нусха учун энг қадимий ва энг тўлиқ нусха танланиши керак бўлса, сиздаги бундай нусха ўта нуқсонли. Бундай ҳолларда уни ёрдамчи нусхалар қаторига ўтказиб, таянч нусха учун кейинги асрларда кўчирилган бошқа ишончлироқ нусхани танлайсиз. Ёки: Нашрда матндаги араб тилида берилган парчаларни арабий имлода қолдириш, транслитерацияда бериш ёки уни таржима қилиб юбориш иши ҳам нашр имкониятларига, матн тузувчига боғлиқ. Арабий имлода берилган бўлса уларнинг маъносини саҳифа остида ёки матн сўнгидами берилишини ҳам матншунос ҳал қилади. Бу қоидаларнинг ҳаммаси нашрнинг археографик кириш (матн танқиди, ёки сўз боши) қисмида зикр этилиши керак.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** палеографик ўқиш, текстологик ўқиш, матннинг ташқи белгилари, шаклий тиклаш, мазмунан тиклаш.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Матнни палеографик ўқишда нималарга эътибор берилади?
2. Палеографик ўқиш якунида асар қайси жиҳатдан тикланади?
3. Текстологик ўқишда асар матни қайси жиҳатдан тикланади?

## 15. АРАБ-ФОРС ТИЛЛАРИДАГИ МАНБАЛАРНИНГ ЎЗБЕК ИМЛОСИДА БЕРИЛИШИ

*(Ушбу мавзу «Абдуллаев И. Мерос ва талқин. –Т.: Фан, 2008». 343–347-бетдан олинган)*

### Ўқув мақсади:

1) адабий мерос нашрларида учрайдиган араб ва форс тилларидан ўзлашма сўзлар қатламини ўзбек имлосида тўғри акс эттириш малакасини ҳосил қилиш;

2) «ал» араб артиклининг ўзбек ёзувида берилиши қоидаларини тушунтириш.

\*\*\*

Дунёнинг катта қисми VII – VIII асрларда исломлаштирилиши туфайли шу динни қабул қилган халқларда араб тили давлат тилига айланди. Илмий, тарихий, адабий асарлар араб тилида ёзилди ва шу тилда минглаб нодир қўлёзмалар пайдо бўлиб, улар жаҳон кутубхоналарини безатиб турибди. Энг фахрли ва қувончли томони шуки, араб тилида илмий, тарихий, адабий ва диний соҳаларда ижод этилган жаҳоншумул асарларнинг кўпчилиги биз – ўзбекларнинг буюк алломалари Аҳмад Фарғоний (ваф. 865), Имом Бухорий (810-870), Имом Мухаммад Термизий (824-892), Мусо Хоразмий (783-850), Абу Райхон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037), Ҳаким Термизий (ваф. 1126), Замахшарий (1075-1144), Бурҳонуддин Марғиноний (1123-1197) кабилар қаламига мансубдир.

X асрлардан бошлаб кўплаб марказийосиёлик, шу жумладан ўзбек олимлари форс тилида ўз асарларини ёза бошладилар. Бу соҳада айниқса адабий, тарихий ва диний асарлар яратилди. Амир Темур сулоласи даври тарихчилари асарлари асосан форс тилида ижод этилди. Ҳатто XX асрга қадар шу тилда тарихий, адабий ва диний китоблар ёзиш давом этди.

1929 йили лотин, 10 йилдан кейин рус кирилл алифбосига ўтиб кетиш араб-форс тиллари ва қадимги ўзбек-араб ёзувидаги манбаларни бу ёзувларни, айниқса кирилл хатида ифода этишда анча муаммолар, чалкашлиklar, турли-туманликларни келтириб чиқаради. Мустақиллик туфайли Ислom динини ўрганиш, диний асарларни кўплаб чоп этиш имкониятига эга бўлди.

Баъзи бир диний илмдан хабарсиз кишилар пала-партиш, кўр-кўрона исломга оид манбаларни нашр қила бошладилар. Натижада Қуръон оятлари, ҳадислар, буюк алломалар ва улар ёзган асарлар

номлари, диний иборалар талкини ва ҳозирги имлода ифода этишда кўпол хатоларга йўл қўйилмоқда.

Бу ерда факат араб, форс ва қадимги ўзбек тилидаги манбалар, Қуръон оятлари, ҳадислар ва бошқа асарлар, уларнинг муаллифлари номларини илмий асосда тўғри ёзиш ҳақида қисқа тўхтаб ўтамиз.

Араб тилидаги «ал» қўшимчаси (артикли) олим, шоир ва машҳур кишилар исмлари олдида қўшилиб, ўша шахснинг нисбаси (қайси шаҳар ёки диёрга мансублиги касбу кор)ни англатади ва қўшилган исмнинг олдида келиб, чизиқча билан ажратилади, факат гап бошида келгандагина бош ҳарфда ёзилиб, бошқа вақтларда кичик ҳарф билан ёзилади. Агар «ал» қўшилган сўзнинг биринчи ҳарфи «қамарий» («Ойга тегишли») бўлса, тўлиқ ёзилади: ва ал-Фарғоний, ал-Бухорий, ал-Беруний, ал-Қўқондий, ал-Хоразмий каби.

Агар «шамсий» («Қуёшга тегишли») бўлса, ўша сўзнинг биринчи ҳарфи билан бирикиб (ассимиляция бўлиб) кетади: ас-Самарқандий, ат-Термизий, ад-Дамашкий, ан-Нишопурий, ан-Намангоний каби. «Ал»дан олдин «абу» (отаси) сўзи келса, Абулҳасан, Абулқосим, Абулмаоний шаклида қўшиб ёзилади. «Абу»дан кейин «ал»сиз отлар келса айри ёзилади Абу Умар, Абу Муҳаммад, Абу Исҳоқ, Абу Бақр каби.

«Ибн» (ота) сўзи фақат сўз бошида ёки нуктадан кейин келса, ёки исм айтилмай, киши номи «ибн» билан бошланса, бош ҳарф билан ёзилади: Абу Али ибн Сино, Али ибн Абу Толиб, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ каби. «Ал» қўшилган отлардан олдин келса, Ибн ал-Арабий, Ибн ал-Кифтий, Муҳаммад ибн ал-Аббос. Ибнул Арабий, Ибнул Кифтий ёзиш мутлоқо нотўғри. Имом Бухорийнинг тўла исми: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғйра.

Жуда кўп хатолар китоблар номини ёзишда бўлмоқда. «Ал» кейинги сўзга, яъни аникловчига тегишли бўлгани учун, уни олдинги сўз аникланмишга қўшиб юбориш мутлақо хато: «Девони луғатит турк» эмас, «Девони луғат ат-турк», «Мажолисун нафоис» эмас, «Мажолис ан-нафоис», «Девони луғат ат-турк», «Мажолис ун нафоис» ёзса ҳам бўлади.

Ибн Синонинг машҳур асари «ал-Қонун фи-т-тиб» шаклида ёзилиши керак, «ал-Қонун фи тиб» ёзилиши, хато.

Мустақилликдан кейин дин ва виждон эркинлиги берилди. Жуда кўп диний асарлар, Қуръони карим таржима-тафсирлари, ҳадислар мажмуалари чоп этилди.

Ҳар ким ўз билганича олимлар ва асарлар номларини ёзиб келмоқда, оз бўлса ҳам дунё шарқшунослигида қабул қилинган қоидаларга риоя қилиш керак эди. Баъзи имло қоидаларидан бехабар дин



уламолари чикарган китобларда ҳеч қандай имло қоидаларига риоя қилинмаган. Асосий диний исмлар ва иборалар ёзилиши қуйидагича: Аллоҳ (Оллоҳ ёки олло эмас), Аллоҳ таоло, акбар, карим, раҳим кабиларни кичик ҳарф билан, Парвардигор, Раб сўзлари бош ҳарф билан бошланади. «Раб» ни «Роб», «Раҳмон»ни «Роҳмон», «Раҳим»ни «Роҳим» ёзиш хато.

«Бисм-ил-лоҳ-ир-роҳ-ман-ир-роҳим» – хато. (Пайғамбаримиз с. а. в.) нинг сифатлари: расул, пайғамбар, набий, мустафо, расулуллоҳ, набиюллоҳ кабилар кичик ҳарф билан бошлаб ёзилади. Қуръонга мансуб алфавитлар: кирилча ҳарфлар кичик ҳарф билан, Каломуллоҳ каломи шариф ал Мусхафлар бош ҳарф билан бошланади, чунки булар *сифат* эмас, муқаддас китобга берилган ном.

Ўзбек тилида жуда кўп исмларга худо номи қўшилган, булар араб тилидан форс ва ўзбек тилларига ҳам ўтган бирикмалар бўлиб, *мослашмаган аниқловчи* дейилади. Бу бирикмалардаги аниқланмиш бош келишиқда кейинги сўз, яъни аниқловчи қараткич келишигида келади ва қуйидагича ёзилади: Абдуллоҳ, Убайдуллоҳ, Раҳматуллоҳ, Абдураҳмон, Абдулкарим, Шамсуддин, Фазлуддин, Насруддин, Сайфуддин, Салоҳиддин каби. Пайғамбарларимиз исмлари қўшилган отлар: Муҳаммад Карим, Муҳаммад Содик, Муҳаммад Ёқуб, Муҳаммад Али, Муҳаммад Юсуф ёзилади. Афсуски, бу исмлар Мадкарим (Маткарим), Мадёқуб, Мамасодук, Мадюсуф, Мадамин шаклларида ёзилиб кетган.

Энг кўп хатолар шўро даврида туғилиш гувоҳномалари ва паспортлар беришда, ота-оналар бепарволиги туфайли юз берди: Фаттоҳов ўрнига Пойтаев ёзилган. Яна бир ҳал бўлмаган муаммо ҳозиргача бизда араб, форс ва қадимги ўзбек ёзувидаги манбаларни илмий адабиётда бериш учун транскрипция қоидаларини ишланмаганлиги, Овропа, шу жумладан рус манбашунослигида бу қоида аллақачон ишлаб чиқилган, тегишли белгилар босмаҳоналарда ҳам мавжуд. Биз эса араб алифбосидаги «зал», «за», «зод» ва «изғи» ҳарфларини битта «з» билан, «со», «си», «син», «сод»ни эса битта «с» билан «то» ва «итки»ни битта «т», «ҳойи хутти» ва «ҳойи ҳавваз»ни битта «ҳ» билан ифодалаб келмоқдамиз, чўзиқ унлилар қисқа унлилар билан ифода этилади. Булар мумтоз илмий асарларни ва бадий адабиётни ҳозирги имлода тўғри ёришиш, таржима ва тадқиқ қилиш имконини тўла бермайди.

Матншунос олим Исматулла Абдуллаевнинг “Мерос ва талқин” китобидаги бу ўғитларнинг амалиётга татбиқи кўп жиҳатдан адабий меросни нашр йўли билан оммалаштиришда фаол иштирок этаётган матншунос олимлар ва ноширларимизга боғлиқ. Улар қийин сўзларни ёзилишида “янгилик” киритавермай, устоз матншуносларнинг изидан боришса яхши бўлар эди.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** асар номлари, лотин алифбоси, кирилл алифбоси, араб-ўзбек ёзуви, транслитерация.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Китоб номлари арабча бўлса, уларнинг транслитерацияси қандай амалга оширилади?

2. Ўзбекча матнда қандай турдаги арабий сўз, ибора ва жумлалар учрайди, уларнинг орфографик қоидалари қандай бўлади?

## **16. МАТН ТИКЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ БАЪЗИ ҚИЙИН ҲОЛАТЛАР ВА НУҚСОНЛАР ЭҲТИМОЛЛИГИ САБАБЛАРИ**

**Ўқув мақсади:**

1) матнни нотўғри ўқиш ҳолларида юзага келиши мумкин бўлган хатоликларга йўл қўймаслик чораларини сингдириш;

2) илмий тадқиқот ва тақризларда учрайдиган хатоларни кузатиб бориш малакаларини ҳосил қилиш.

\*\*\*

Ёзма ёдгорликлар матнининг тузувчиси, матн қўлёзмалардаги хато ва камчиликларни бартараф этиш йўлида қилган ҳаракатлари билан бир қаторда ўзи ҳам хато ва камчиликлар ўтказиб юбориши ҳеч гап эмас. Улар ўртасида энг кўп учрайдигани матнни нотўғри ўқиш хатоликлари ҳисобланади.

а/ Сайқалий. «Баҳром ва Гуландом», Тошкент, ЎзССР Фан нашриёти. — 1960, 11—12-бетлар. // Нашр уч қўлёзма асосида амалга оширилган.

«Биз Р. Алиевнинг нашрини бошқа қўлёзмалар билан солиштирганимизда,—деб ёзади танқидчи, — айрим эпизодларнинг туширилиб қолдирилганлигини аниқладик ва уларни қайта тиклашга ҳаракат қилдик. Кўпинча, нашрда ўкилиши қийин бўлган айрим сўзларни бошқа сўзлар билан алмаштириш ҳоллари ҳам содир бўлган. Масалан, нашрнинг 145-саҳифасида:

*Деди: — Шабранг бобом Баҳромни кўрган  
Узотиб шаҳр чинларга юборгон.—*

байти мавжуд. Нашрга тайёрловчи «сари» сўзини ўқишга қийналиб, «чинларга» деб юборган, ўқиёлмаган сўзнинг ўрнига кўплик қўшим-часи «лар»ни қўшган. Аслида:

*Деди: — Шабранг Бобонг Баҳромни кўрган  
Узотиб шаҳр Чин сари юборгон,—*

бўлиши керак эди. Бу типдаги хатолар нашрнинг 145, 146, 147, 168, 169, 170, 171, 172, 173, 174 180, 181, 182 183, 184 саҳифаларида ҳам қўплаб учрайди». (Муътабар Абдувоҳидова. Собир Сайқалий ижодининг ом-малашуви ва баҳоланиши тарихидан // Адабий мерос 1986/4, 30-6.

б/ Яна бир мисол тариқасида «Ўзбек тили ва адабиёти», 3/1973 – журналида босилган «Луқма»ни олайлик:

“Бизни ушбу мақолани ёзишга ундаган нарсa юқорида келтирилган жузъий нуқсонлар эмас, балки «Кутадғу билиг»нинг Вена (Хирот) нусхасининг хотима қисмида мавжуд бўлган форсий бир рубойнинг ғалат ўқилиши ҳамда хато тушуниш асосида нотўғри хулоса чиқарилиши бўлди. Ўша рубой куйидагича:

جانيسات وجودم كه جهانش بدست  
شمعيت رخم كه افتابيش لکنست  
من بنده خاص و مظهر لطف حق  
قصه چه کنم من اويم او جمله منست

И. Мухлисов мазкур рубойни куйидагича ўқийди (тушунарли бўлсин учун биз рубойни газетада қандай ёзилган бўлса, ўшандай ҳолда келтирдик):

*Жанисат вужудум ки жаҳанаш бад нест,  
Шамъийат рэхим ки афтабаш леканест,  
Мэн бэндәи хас вә музһир лутф һаққим,  
Қиссәчә кунәм мән оюм о жумлә мунист.*

Муаллифнинг бу тарзда ўқиши натижасида, биринчидан, классик форсий тил бузилган, иккинчидан, сўфиёна руҳда ёзилган ва ваҳдати вужуд ҳақидаги сўфиёна фалсафий мазмун ифодаланган рубойнинг мантики йўққа чиққан.

Ушбу рубойнинг тўғри ўқилиши куйидагича:

*Жониист вўжудам ке жаҳонаш баданаст,  
Шамъиист рўхам ке офтобаш лаганаст,  
Ман бандае хоссу мазҳаре лўтфе ҳаққам,  
Қисса че кўнам, ман ўям, ў жўмле манаст.*

Мазмуни:

*Вужудим бир жондирки, унинг жаҳони бадандир,  
Юзим бир шамдирки, офтоб унинг (тағидаги) лагандир,  
Мен хос банда ва ҳаққ лутфининг зуҳр этган ериман,  
Таърифлаб нима қиламан, мен у (худо) дирман, у (худо)  
борлигича мандир.*

Рубойининг учинчи мисрасидаги «хос» сўзига асосланиб, мақола муаллифи бу рубойини Юсуф Хос Ҳожиб ёзган бўлиши мумкин, «ман бандаи хос»ни «мен Хос Ҳожиб», деб англаш мумкин бўлади, дейди.

Мисоллардан кўриниб турибдики, матншунос, кўпинча, асл матнни нотўғри ўқиб таънага қолар экан. Тилни яхши билмасдан туриб бундай ишларга қўл уриш кишини шундай ноқулай аҳволга солиб қўяди. Бундай мисолларни тадқиқот ва тақризларда кўплаб учратишимиз мумкин. Бизнинг вазифамиз шундай «дакки»ларни кўпроқ топиб ўқиб, тегишли хулосалар чиқариб олишдир.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** нотўғри ўқиш, нашр, асарни оммалаштириш, сўзларни алмаштириш.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Матнни ўқиганда тушунарсиз сўзларни қандай аниқлаш мумкин?

2. Матнда нотўғри ўқишнинг олдини олиш учун нималар қилиш керак?

## 17. ЎЗБЕК АРХЕОГРАФИЯ ФАНИ МУАММОЛАРИ

**Ўқув мақсади:**

1) археография фани тарихи, ривожланиш босқичлари ва ҳозирги аҳволи тўғрисида маълумот бериш;

2) матншунослик ва археография фанларининг умумий томонлари ҳақида тушунча бериш.

\*\*\*

Матншунос олимларнинг адабий мерос матнларини муомалага киритиш бўйича шу пайтгача қилган амалий ишлари, шарқ тилларидаги адабий мерос юзасидан олиб борган тадқиқотлари **матншунослик** соҳасида мустаҳкам назарий асоснинг мавжудлигини кўрсатади.

Адабий манбашунослик ва матншунослик ўқув предмети сифатида ўқитилиши муносабати билан бу соҳада, бир тизимга солинган фундаментал тадқиқотларнинг йўқлиги маълум бўлиб қолди.

Қўлёзма китоб босма китобга айлантинича анчайин узоқ йўлни босиб ўтишига тўғри келади. *Бу жараёнда соҳа мутахассиси, аввал, манбашунослик, палеография, текстология, шундан кейингина, археографияга иши тушади.* Муаммо шундаки, улар аллақачон ёрдамчи фанлар бўлиб шаклланган бўлса-да, соҳа мутахассислари бу фанларнинг қамров доираси борасида доимо тортишиб келадилар ёки



баъзида аралаштириб ишлатаверадилар. Сабаби, мазкур фанлар ўртасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Бу фанларнинг айримлари, ҳатто икки гуруҳ ўртасида бўлади:

**Манбашунослик** – тарих фанининг манбаларни йиғиш, тартибга солиш ва кейинги илмий истифода учун тайёрлаш билан шуғулланувчи соҳасидир. У икки фанга алоқадор. Яъни, тарихий манбашунослик ва адабий манбашуносликларга бўлинади. Тарихий манбашуносликнинг объектига тарихий ёзма ёдгорликлар билан бир қаторда ашёвий манбалар – буюмлар, асбоб-анжомлар, зеб-зийнатлар, тангалар ва ҳ.к. лар киради. Адабий манбашунослик эса адабий, адабий-тарихий ёзма ёдгорликларни объект қилиб олади. Ана шу ўринда манбашунослик *тарих билан филология* учун умумий ёрдамчи фан бўлиб қолади.

**Палеография** – Қадимги қўлёзмаларнинг ёзуви ва ташқи белгиларини замон ва макон жиҳатдан ўрганувчи тарихий-филологик фан. Аноним қўлёзмаларнинг муаллифини белгилаш ҳам шу фан зиммасига юклатилган. Муайян ёзувнинг пайдо бўлиши тарихи, тарихий тараққиёт босқичлари, ҳарф, ёзув белгиларининг ўзгариб боришини палеография ўрганади. Бу фан яна қўшимча равишда китоб ва қўлёзмаларни безаш ва ясаш – китобат санъатини ҳам, қадимги ёзма ёдгорликларининг материаллари, қуроллари, ёзув билан алоқадор безаклар ва ҳ.к. ларни ҳам тадқиқ этади.

Матншуносликда матнни тўғри ўқиш ишларида ҳам палеография катнашади. Бунинг учун ёдгорликнинг яратилиш вақтидаги ёзувнинг хили, имло, қоғоз, сиёҳ тури, хаттотлик, рассомлик, саҳхофлик усуллари каби ташқи белгилар эътиборга олинади. Демак, палеография айрим ўринларда манбашунослик ва матншунослик соҳаларига ўтиб-кайтиб туради.

**Текстология** – ҳозирги пайтда *филология фанининг адабий, тарихий, илмий асарлар ҳамда тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи соҳаси* деб ҳисобланади.

Бир вақтлар хаттотларнинг механик қўчириб ёзишидан бошланган бу соҳа Европада китоб босиш пайдо бўлиши билан матнларни босиб чиқариш йўриқномасига айлана борди.

«Из практической дисциплины («инструкции по изданию») текстология на наших глазах перешла в иной разряд и развивается по пути теоретических обобщений. Споры о сущности и принципах этой науки – лучшее тому подтверждение» (қ.: Берков П. Н. Проблемы современной текстологии. – «Вопр. лит.», 1963, № 12, с. 78–95. См., кроме того, материалы дискуссии о сущности текстологии в статьях

Б. Я. Бухштаба, А. Л. Гришунина, Д. С. Лихачева и Е. И. Прохорова. — «Рус. лит.», 1965, № 1 и № 3.)

Бу, матншунослик ўтган асрнинг 60-йилларигача амалий соҳа бўлиб келганини кўрсатади. Шу пайтдан ёзма ёдгорликларнинг матни-ни тузиб нашр қилувчи амалиётчилар билан бир қаторда унинг назарий масалаларини тадқиқот қилувчи назариётчилар ҳам майдонга чиқди. Д.С. Лихачев, Б.М. Эйхенбаумларнинг текстология ҳақидаги китоблари факат шу пайтга келиб пайдо бўлгани ҳам шу билан изоҳланади.

В. Эйхенбаум, *матншуносликка «адабиётшуносликнинг классик-ларни нашр қилиш билан боғлиқ бўлган амалий соҳаси»* деб таъриф берган.

Рейсерда бу фикрни тасдиқловчи шундай сатрларни ўқиймиз: «Но ссли термин «текстология» нов, то само понятие очень старое. Фило-логическая критика, критика текста, археография, герменевтика, экзеге-тика — слова, покрывающие примерно одно понятие, но в применении к разным областям знаний: истории, древней литературе, источникове-дению, библии» (Основы текстологии. —Л.: Просвещение, 1978. —С. 3.).

Матншунослик — «адабиётшуносликнинг классикларни нашр қи-лиш билан боғлиқ бўлган амалий соҳаси» эканини рус олимларининг текстология бўйича эълон қилган ўқув қўлланмаларидан ҳам кўриниб турибди. Бу ўқув қўлланмаларнинг каттагина қисмини қўлёмаларни нашрга тайёрлаш ишлари ташкил этади. Аммо бу қисм бошқа бир ёрдамчи фан соҳаси — *археография* нинг асосий объекти ҳисобланади.

Шу билан бирга, *археография* рус манбашунослигида баҳсларга энг кўп дучор бўлиб келаётган соҳа эканини соҳага бағишланган адабиётлардан кўришимиз мумкин.

**Археографияга тилшуносларда:** описание и издание древних письменных памятников деб изоҳ берилган. (О.С. Ахманова. Словарь лингв.терминов. — М. 1966). [Бу ерда: тавсифлаш, ҳозирги пайтда, манбашуносликнинг вазифаси];

**Адабиётшуносларда** — (ЛЭС—1987) вспомогательная историчес-кая дисциплина, изучающая теорию и разрабатывающая методику публикации памятников письменности к печати, деб изоҳ берилган. [Бу ерда ҳатто ёдгорликнинг санасини белгилаш, ўқиш, атрибуция каби палеографик вазифаларни ҳам *археография* га юклаб қўйилган].

**Хорижий сўзлар лугатида** (1966) — «Изучение и издание пись-менных документов».

**Советский энциклопедический словарь** — вспомогательная ис-торическая дисциплина, разрабатывающая теорию и методику изда-ния письменных исторических источников, деб изоҳ берилган.

Русча-ўзбекча лугатда – тарих фанининг қадимий ёзма ёдгорликларни нашрга тайёрлаш ва чоп қилиш методлари ҳақидаги ёрдамчи тармоғи, деб изоҳ берилган.

Бу билан гўё матн устида ишлаш ва ноширлик амалиётини тарих фани зиммасига юклатилаётгандек кўринади. Юқорида айтилган шу ишлар текстология зиммасига юклатилган эди.

Ҳолбуки, ЎзФА ШИ ва Ўз ФА ҚИ да жуда кўп археографик экспедицияларга ҳам тарихчи ҳам филолог олимлар жалб қилингани – ҳар ким ўз соҳаси бўйича адабиётлар билан шуғуллангани маълум. Бу институтларда китобни баҳолаб аҳолидан сотиб олиш комиссияларини археографик комиссия деб аташган (Бундай хайъат Абдуфаттоҳ Расулов, А.Муродов, Шорасул Зуннун, Юнусхон домла, Лазиз Азиззода, Қ.Мунировлардан иборат бўлган). Бу ерда археографиянинг камрови кенгайиб бораётганига эътибор қилайлик.

Ҳозирги кундаги Интернетдаги электрон Википедия энциклопедиясида: археографияга шундай изоҳ берилган: «адабиёт илмига нисбатан ёрдамчи фан. У ўзи учун ҳужжат, ёзма манбани ўрганиш объекти қилиб олади. Ўз амалиётида археография ёзма ёдгорликларни тартибга солиш, тавсифлаш ва нашр этиш билан шуғулланади».

Фандаги бу ўзгаришларни ҳисобга олиб, русларнинг 62 томлик «Катта энциклопедия»сида: «Шу билан бирга, археографияни «кенг» маънода тушуниш нуктаи назаридан, соф нашрлар деб «тор» маънодаги археография кўпроқ машғул бўлган архив материаллари тўпламларини эмас, алоҳида нодир ёзма ёдгорликлар (йилномалар, юридик актлар, илмий, адабий, мемуар, публицистик мазмундаги қўлёзмалар)нинг илмий нашрларини аташ лозим бўлади», деб ёзилган (М.: Терра, 2006. – Т. 3. –С. 563–564).

Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: бу лугатларга мақолани қайси соҳа мутахассиси ёзиб берган бўлса (манбашунос, матншунос, тарихшунос), ўз соҳасидан келиб чиқиб ёзган. Ёрдамчи фан бўлгани учун бекарор бир манзара юзага келиб қолган ва илмда турли бахсларни келтириб чиқармокда. Кўриб турганимиздек, улар фақат бир жиҳатдангина яқдил фикр билдиришмокда: у ҳам бўлса, бу фаннинг «ёзма ёдгорликларни нашр қилиш методикаси»га бағишланганлиги. Демак, археография ҳақидаги тасаввуримизни шундай умумлаштиришимиз мумкин:

**Археография** – қадим ёзма ёдгорликларини излаб топиш ҳамда уларни нашр этишнинг назарияси, амалиёти ва методикасини ишлаб берувчи тарихий-филологик фан. Археография фанининг ўрганиш объекти – қўлёзма ҳужжат ва қўлёзма манба, предмети эса –

қўлёзма манбани нашрга тайёрлаш методикаси. Демак, археография қадим ва ўрта асрларда яратилган асарларни нашр этиш тартибини белгилаб беради. Бу тартибга ёзма ёдгорликлар матнини тузувчилар, нашриётларда уларни нашрга тайёрловчилар—яъни, одатда, филологлардан ташкил топган — матншунослар, ноширлар, нашриёт муҳаррирлари таркиби амал қилишлари лозим бўлади. Аммо ўзбек манбашунослик фанида **археография** ҳозирча жуда заиф ривожланган. Унинг принцип ва катгориялари тадқиқ этилмаган ва тартибга солинмаган. Шунинг учун ёзма ёдгорликларимиз нашрларини таҳлил назаридан ўтказадиган бўлсак, бири бирига ўхшамайдиган турлитуман нашрлар манзарасини кузатамиз. Археографик экспедициялар ва комиссиялар фаолияти эса доимий эмас.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги археография ўзининг кўпгина вазифаларини матншуносликка бериб қўйиши натижа-сида унинг таркибий қисмига айланиб қолган ва ўз муаммоларини охиригача ҳал қила олмаяпти. Бундай муаммолар қаторида илмий нашр турлари ва оммабоп нашр турларида нашрнинг таркибий қисмларидаги ҳар хилликни (матндан ташқари материаллар), имло ва пунктуация муаммоларини бартараф этиб бўлмаяпти.

Рус археографиясида ҳозир бу соҳада тарихчилар етакчилик қилаётган бўлса ҳам, филологиянинг — матншунослик соҳасига фаол суянишади. Буни улар тавсия этган адабиётлар жумласига Д.С.Лихачевнинг матншунослик соҳасидаги китоблари ҳам киритилиши шуни кўрсатади. Матн — мазмуннинг асоси эканини эътиборга олсак, археографиянинг филологик асосларини пухта ишлаб чиқилишидан ҳам тарих ва ҳам филология илмига манфаат етган бўларди.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** матншунослик, палеография, археография, архив, тарихий манбалар, тарихий ҳужжат, ёзма ёдгорликлар.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Қўлёзма китоб босма нашрга айлангунча босиб ўтадиган йўлни босқичма-босқич тушунтириб беринг.
2. Қўлёзма манбаларнинг фақат ташқи белгилари ва хусусиятлари билан шуғулланувчи фан нима деб аталади?
3. Қўлёзманинг ташқи белгилари деганда нимани тушунасиз?



## 18. ЁДГОРЛИКНИНГ ТИКЛАНГАН МАТНИНИ НАШРГА ТАЙЁРЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

### Ўқув мақсади:

1) қўлёзма манбанинг тикланган матнини белгиланган тартиб-қоидаларга асосан таркибий тўқислигини таъминлаш ҳақида тасаввур бериш;

2) қўлёзма манбаларда «одоби тасниф» қоидалари ҳақида маълумот бериш.

\*\*\*

Ҳар бир ёзма ёдгорликни жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш фақат унинг матнини босиб чиқаришдангина иборат эмас. Бунинг тартиб қоидалари, талаблари бор; унга кўра асар ёрдамчи аппарат билан қатъий тартибда таъминланиши керак. Демак, матншунослик ишлари нашр учун материал етказиб берувчи соҳа бўлгани учун у **археография** фани билан бевосита биргалашиб иш олиб боради. Археография эса қадим ва ўрта асрларда яратилган асарларни нашр этиш тартибини белгилаб беради.

Русларда археографиянинг объекти ва предмети қандай бўлиши кераклиги ҳақида баҳслар босқичи тиниб маълум тўхтамга келинган бир пайтда, ўзбек археография соҳасида изланишлар ҳамон давом этмоқда. Бу соҳадаги ишлар минтақа маданиятимизда алоҳида ном билан аталмагани ҳолда жуда қадимдан давом этиб келади. Китобат ишларида олоби тасниф бир жиҳатдан археография принципларини эслатади. (Басмала, ҳамд, наът, муқаддима (китобнинг ёзилиш сабаби, таркиби... ҳақидаги маълумотлар, китоб сўнгида эса хотима, колофон, таммат.

Бизда археография ҳали фан бўлиб шаклланмаган бўлса ҳам, амалиётда турли манбашунос олимларнинг бу борада ўз қарашлари бор. Археография талабларига кўра:

Китобда, албатта сўзбоши, археографик кириш (ёки муқаддима), матншунослик тадқиқоти берилади; тегишли ўринларда эса илмий аппарат деб номланадиган изоҳ ва кўрсаткичлар, иловалар (мавзу бўйича атамалар), библиография бўлмоғи керак. Улар ёзма мерос намунасини китобхонга тўғри ва осон етиб боришига хизмат қилади.

Асар матни қандай эҳтиёжга қаратилганига қараб, нашрга тайёрлаш принциплари танланади:

- Маънавий эҳтиёж,
- Илмий эҳтиёж,
- Таълимий эҳтиёж (хрестоматив материал)

### Маънавий эҳтиёж бўйича:

Транслитерация нашрлар

Таржима нашрлар  
Табдил нашрлар  
Насрий баён

Хусусиятлари:

Қискартиришга йўл қўйилади;  
Илмий танкидий матн, акад.нашр, муътабар қўлёзмаларга  
асосан амалга оширилади.

**Илмий эҳтиёж бўйича:**

Илмий танкидий матн,  
Йиғма матн,  
Факсимиле – нусха нашри,  
Академик нашр,  
Дипломатик нашр.

Хусусиятлари:

Мавжуд нусхалар жалб этилган ҳолда тайёрланади, нашр матн-  
шунослик тадқиқоти, барча ёрдамчи илмий аппарат билан таъминлан-  
ган бўлади.

**Таълимий эҳтиёж:**

Мактаб, лицей, олий таълим муассасалари учун хрестоматиялар.

Хусусиятлари:

Ижтимоий буюртма бўйича саралаб тузилади,  
Хронологик тартибда жойланади.

Ёзма ёдгорликлар матнини нашрга тайёрлаш шакли донимий ри-  
вожланиш ва такомил жараёнини бошидан кечирмоқда. Бу йўлда ҳали  
изланишлар давом этади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** одоби тасниф, маънавий эҳтиёж, илмий  
эҳтиёж, таълимий эҳтиёж, хрестоматия, илмий-танкидий матн.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Транслитерация қоидаларига мувофик нашр этилган қўлёзма  
мерос нашрлари тарихини сўзлаб беринг.
2. Насрий баён қандай асарларга нисбатан қўлланилади?
3. Илмий-танкидий матн принципларини мисолларда кўрсатинг.

## 19. АРХИОГРАФИК КИРИШ

### Ўқув мақсади:

- 1) илмий нашрларнинг археографик кириш қисмига қўйиладиган талаблар бўйича тасаввур ҳосил қилиш;
- 2) оммавий нашрларга ёрдамчи аппарат бериш қоидалари билан таништириш.

\*\*\*

Адабий мерос намуналари нашрида матндан аввал сўзбоши, кириш берилади. Ёзма ёдгорлик нашри характериға қараб унинг ёрдамчи аппаратига нималарни жалб этиш масаласи ҳал этилади.

Бу борада етук манбашунос олимларимизнинг муваффақиятли тарзда амалға оширган ишлари, матнини тайёрлаб нашр этган ёзма ёдгорликлардан намуналар мактаб вазифасини ўташи мумкин. Уларни кузатар эканмиз

**Оммавий** нашрларда кириш қисми умумий характерға эға бўлиб, муаллиф таржимаи ҳоли, публицистик кириш ва қисқартирилган ёрдамчи аппаратға эға бўлади. Бундай нашрда мукаммал илмий аппаратға эҳтиёж йўқ. Бундай «кириш»ларнинг мақсади муаллиф ҳаёти ва ижодишгу жумладан, нашрдан жой олган асари ҳақида умумий маълумот беришдан иборат бўлади. Бу ўринда айрим асарларнинг ўзида берилган муқаддима ёки дебочаларни ҳам эътибордан қочирмаслик керак.

**Илмий** нашрларда кириш қисми илмий характерға эға бўлиб, эълон қилинаётган асар матнидан атрофлича фойдалана олиш имконини яратишға қаратилган бўлади. Шунинг учун у *археографик кириш* деб аталиб, унда муаллиф ҳақида қисқача маълумот берилади; асар ва унинг қўлёзма нусхалари атрофидаги муаммолар (уларнинг қаерда сақланиши, инвентарь рақамлари, сақланганлик даражаси, санаси, ёзув тури ва хусусиятлари, қоғози ва ҳ.к.), нашрлари ҳақида маълумот, асарнинг ёзилиш тарихи ёки сабаби, асарнинг тузилиши ҳақида маълумот, боблар мундарижаси келтирилади, турдош асарлар билан ўхшаш ва фарқли жихатлари ёритилади, тазкираларда ва олимлар тадқиқотларида мазкур асарға мурожаатларға бирма-бир тўхтаб ўтилади, асарнинг таржималарига бирма-бир тўхтаб ўтилади, матнни тиклаш учун қайси (нечта) нусхаларни ажратиб олинганлиги ҳақида маълумот берилади, жалб этилган нусхаларни қайси принципда номланганлиги (алифбо тартиби, жой номи бош ҳарфи, ёки тартиб рақам), тадқиқот учун жалб этилган нусхалар тавсифи берилади, қайси нусхани ва нима учун **таянч нусха** қилиб олингани, китобдаги шартли белгилар тушунтирилади.

*Матншунослик тадқиқоти* алоҳида сарлавҳа билан ажратилган ҳолларда бу ерда текстологик таҳлилни киритмаслик керак (бу икки қисмни бирга бериш ҳоллари ҳам учраб туради, аммо бу ҳолда улар аралашиб кетмаслиги керак).

Д.С.Лихачев Мукамал асарлар тўпламида турли жилдларда турли жанрдаги асарлар берилишини ҳисобга олиб археографик киришни ҳар бир асарга алоҳида берилишини тавсия қилади (Текстология Краткий курс).

Нашрга **археографик кириш** ёзиш энг масъулиятли иш ҳисобланади. У ниҳоятда лўнда ва тушунарли, фойдаланишга осон бўлиши керак (у маълумот олиш учун эмас, илмий фойдаланиш учун мўлжалланганлигини унутманг). Муваффақиятли чиққан археографик кириш нашрнинг обрўсини ниҳоятда кўтариб юборади.

Баъзи нашрларда нашрга тайёрловчи матншунос "Кириш"и олди-дан бошқа бир етук мутахассис сўзбошиси берилиши мумкин. Бошқа шахслар томонидан ёзилган сўзбошилар, аввало, асарни тарғиб қилиш, унинг тушунилишига кўмаклашиш мақсадини кўзлайди.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** археографик кириш, сўзбоши, нашр маълумотномаси, илмий аппарат, матншунослик тадқиқотлари.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Ёзма ёдгорликлар матни нашрининг археографик кириш қисми қандай маълумотлардан таркиб топади?

2. Таянч нусха ҳақида маълумотлар илмий аппаратнинг қайси ерида қайд этилган бўлади?

3. Нашрнинг матншунослик тадқиқоти қисмидан қандай материаллар жой олади?

## **20. ИЛОВА, ИЗОҲ ВА КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ НАШРЛАРДА БЕРИЛИШ ТАРТИБИ**

**Ўқув мақсади:**

1) Ёзма ёдгорликлар нашрларда ёрдамчи материаллар беришнинг тартиб-қоидалари билан таништириш;

2) нашрнинг ёрдамчи материаллари таркиби ва тартибининг амалдаги шакллари ҳақида маълумот бериш.

\*\*\*

Ёзма ёдгорликлар нашрининг ҳар бири ўз характериға кўра турлича илмий маълумотномалар (илмий аппарат) берилишиға муҳтож



бўлади. Илмий нашрлар илм-фаннинг маълум бир соҳасининг кейинги ривожланиши учун ўзидан олдинги материаллар билан таъминлаш учун яратилади.

Жумладан, адабий мероснинг илмий наشري адабиётшуносликнинг назарий масалалари, тил ва адабиётнинг ривожланиш босқичларини унинг алоҳида намояндалари ҳаёти ва ижодини ёритишда бебаҳо манба ҳисобланади.

Бу маълумотномалар асар ёки китоб ҳақида имкони борича кўпроқ тасаввур олишга йўналтирилган бўлади. Асар ва унинг матнidan оладиган маълумотларимизни тўлдиради.

Маълумотномалар нашрга муаллиф, тадқиқотчилар ва ноширлар томонидан киритилади. Улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин.

- Сўз боши (нашрга тайёрловчидан)
- тадқиқот
- кириш
- саҳифа ости изоҳлари.
- *шловалар*:
  - асарлар кўрсаткичи
  - исмлар кўрсаткичи
  - географик номлар кўрсаткичи
  - қийин сўзлар луғати...

Сўз бошида асарнинг адабиёт тарихида тутган ўрни, муаллифнинг шахсияти, асар нусхаларининг сақланганлик даражаси, матнни қайта тиклаш ва чоп этишда уларнинг қай бири қай даражада эътибор топгани хусусида маълумот берилади. Табдил ёки оммабоп нашрларда сўз боши берилмаслиги ҳам мумкин. Аммо бу иш маъқул деб топилмайди.

*Матншунослик тадқиқоти* – илмий нашрнинг археографик киришidan кейин берилади. Унда бир сўз билан айтганда, *матн танқиди* берилган бўлади. Тадқиқот, кўпинча, факсимил, академик ва илмий-танқидий матн нашрларининг узвий қисмидир. Мисол тариқасида матншунос олима М. Ҳамидованинг матншунослик тадқиқотидан парча келтирамыз:

«Маълумки, илмий-танқидий матнда қўлёзмалар ҳарфий қиёси жараёнида аниқланган фарқлар таснифи ва уларнинг матний тадқиқи энг асосий роль ўйнайди. "Ҳар бир текстологик фарқни унга талқин бермасдан, ёрқинлик киритмасдан туриб истифода этиш мумкин эмас. Талқини берилмаган манбашунослик фактини яроқсиз деб ҳисобламоқ керак, тадқиқотчининг шундай ёндашувигина муаллиф матнини ишончли тарзда тиклашга имкон беради", – деб ёзган эди рус шарқ-

шуноси Д.С.Лихачев. Бу манбашунослик илмининг энг муҳим принципларидан биридир.

Матн тузиш жараёнида аниқланган текстологик характердаги барча саҳв ва матний тафовутларни уч гуруҳга таснифлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Композицион ўзгаришга олиб келган фарқлар.
2. Имловий хатолар.
3. Матнни маъновий бузилишга олиб келган тафовутлар.

Композицион ўзгаришлар дейилганда, матндаги воқеалар баёнининг изчиллигига путур етказадиган катта-кичик матний туширмалар, қисқартмалар ва киритмалар назарда тутилади. Таянч нусха сифатида истифода этиладиган қўлёзмада шундай камчилик мавжуд бўлганда, улар ёрдамчи нусхалар матни қиёси асосида тўлдира борилади.

Имловий хатолар борасида шуни айтиш керакки, агар улар матн мазмунига жиддий зарар етказадиган бўлса, албатта фарқ сифатида олинishi лозим. Чунки сўзларда биргина нуқтанинг тушириб қолдирилиши ёки орттирилиши ёхуд ҳарфнинг тушириб ёзилиши натижасида улар бутунлай акс маънони билдирувчи лафзларга айланиши матншунослик ишлари амалиётида жуда кўп кузатилган. Чунончи, Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" достонида:

Бижин топса ерто ичига сиғар,  
Не қолса овуртига борин йиғар,—

(6.1125)

байти мавжуд. Байтнинг иккинчи мисрасидаги "овурт" — "лунж" маъносини берувчи сўз дostonнинг Абдужамил котиб кўчирган нусхасида (ЎзР ФА ШИ №5018, 1484/85 й.) «ўрнига» шаклида хато ёзилган. Байт мазмунига эътибор қилинса, маймун табиатиға хос бўлган салбий сифат тасвирланаяпти. Яъни, маймун топганини тўйгунча еб, қолганини лунжига тўплар экан. Тасвирдан мақсад маймун эмас, балки бойликка хирс қўйган маймунсифат бахил инсонларни танқид қилишдир. Шу сабаб Навоий "овурт" сўзини табиат ходисаларини, ҳайвонот дунёси воқеаларини синчковлик билан кузатиши натижаси ўлароқ жуда ўринли қўллаган. Демак, ўз-ўзидан равшанки, "ўрниға" сўзи байт мазмунини ҳам, Навоий айтмоқчи бўлган муҳим фикр моҳиятини ҳам очиш учун хизмат қила олмайди. Матний хато "овурт" сўзидаги (اورت) "те" ҳарфининг бир нуқтаси кам қўйилиши натижасида содир этилган» (Нодир манбалар // Шарқ машъали, 1999, №1-2. —Б.36).

*Саҳифа ости изоҳлари*—Сўз бошида кам учрайди, тадқиқот қисмида кўпроқдир. У албатта, муайян тартибга бўйсунган ҳолда берила-

ди. Асосий матн ости изоҳларида уларнинг кимники экани аниқ ажралиб туриши керак — («изоҳ муаллифники» ёки (А.Ҳ.).

*Иловалар* — нашрда матндан кейин берилиб, асосан, изоҳ ва кўрсаткичлардан иборат бўлади. Изоҳланаётган материал имкон берса, улар алифбо тартибда жойлаштирилади (асарлар, исмлар, географик номлар... кўрсаткичлари — алифбо тартибда; муаллиф асарлари рўйхати — ёзилган йиллари тартибда ва ҳ.к.). Иловалар ҳам барча нашрларда берилмасмайди.

*Қийин сўзлар лугати* — икки хил усулда берилади: бири — саҳифа остида, иккинчиси нашр охирида. Бу усулларнинг мувофиқроғи нашрнинг характериға қараб танланади. Саҳифада луғатлар қўпайиб кетгудек бўлса, нашр охирида берган маъкул. Луғат ҳам барча нашрларда учрайвермайди.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** изоҳ, шарҳ, кўрсаткич, илова, илмий аппарат, матн танқиди.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Нашр маълумотномаларига нималар киради ва уларнинг қайси бири матндан олдин, қайсиниси матн остида, қай бири матн сўнгида берилади?

2. Ёзма ёдгорликлар нашрининг матн танқиди қисмида қандай масалалар ёритилади?

## 21. МАТНШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

**Биринчи масала.** ХХІ асрда барча фанлар тараққиёти шиддат билан илгарилаб бормоқда. Бу жараёнда матншунослик соҳасининг орқада қолмаслиги, кейинги равнақи учун унинг назарий асосларини мустаҳкамлаб олиш лозим бўлади. Ўтган асрнинг 50-йилларигача бу соҳа амалий тарзда ривожланиб келди. Кейин у назарий жиҳатдан илмий тадқиқ қилина бошланди. Бу табиий жараён, албатта. Гуё:

аввал, бадиий асарлар, кетидан адабиётшунослик;

аввал таржима асарлар, кетидан таржимашунослик;

аввал саҳна асарлари, кетидан театршунослик;

аввал ёзма ёдгорликлар матнини топиб нашр қилиш, кетидан матншуносликнинг юзага келиши илмий тафаккурнинг қонуниятларига тўла мос келади. Шу жиҳатдан олганда, бу жараёни илмий тадқиқ этиш, уни илмий ташкил этишни таъминлаш соҳа мутахассисларининг биринчи галдаги вазифасидир. Масалага илмий ёндашув

соҳа субъектларининг илмий мақоми ҳақида ҳам фикрлаб кўришни тақозо этади. Юқорида зикр этилган жараён қатнашчилари:

адиблар ва адабиётшунослар;

таржимонлар ва таржимашунослар;

артистлар ва театршунослар;

матн тузувчи олимлар ва матншунослар ҳисобланади.

Соҳа назарияси атрофлича ўйлаб ишланмаганлиги натижасида ёзма ёдгорликларни оммалаштириш бўйича фаолият олиб бораётган ҳар иккала субъектни бир ном билан «матншунос» деб атаб келмоқдамиз. Бундан ҳам чалкашроқ фикрни ҳатто энг номдор устозларимиз ишларида ҳам учратамиз. Чунончи, проф. И.Абдуллаев китобида матн тузувчи «манбашунос» деб аталган: «Ана шу араб, форс ва қадимги араб ёзувидаги қўлёзмалар ва кейинчалик нашр этилган босма манбаларни ўрганиш, асарни таржима қилиш, тадқиқ қилиш, изоҳлар тузиш, терма ва танқидий матнларини тайёрлаш, уларни нашр этиш манбашунослик деб бу фан билан шугулланувчи олимни манбашунос олим деб аталади» (Абдуллаев И. Мерос ва талқин. — Т.: Фан, 2008. — Б. 349.). Чиндан ҳам бир вақтлар ёзма манбалар устида қилинган ҳар қандай иш манбашунослик иши деб ҳисобланган. Аммо соҳанинг ҳозирги ривожланиши ҳамма нарсани ўз номи билан аташни тақозо этади.

**Иккинчи масала.** Соҳа бўйича назарий асосни мустаҳкамлаш амалиётда юзага келган барча материалларни кўриб, илмий ўрганиб чиқишни тақозо этади. Бунинг учун, юқорида кайд этганимиздек, амалиётда, ёзма ёдгорликларнинг шу пайтгача нашр қилиш чоғида юзага келган назарий умумлашмалар хрестоматив база бўлиб хизмат қилади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, соҳа бўйича долзарблик касб этган бу масала «Ўзбек матншунослиги тарихини» яратишдир. Чунки «тарих»нинг назарияни материал билан таъминлашини эътиборга олсак, тарихсиз назарий асосни мустаҳкамлаб бўлмайди. Бу ишнинг проспектидан ҳеч нарса тушиб қолмаслиги керак бўлади. Матншунослик амалиётининг ривожланиш босқичлари атрофлича ёритилиши учун уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- Хаттотлар томонидан асар матнини механик тарзда кўчириб олишдан бошланиб, бу матннинг тўғри ва тўлақонли чиқиши учун кўчиришда унга ижодий ёндашувнинг бошланиши;

- Матншунослик амалиётида хаттотликнинг матн тузувчи, матн тикловчи (русча: составитель, шарқда — эҳтимоми...) фаолияти билан алмашинуви;

- Матн тузиш амалиётчиларидан матншунослик назарийчиларнинг келиб чиқиши.



- Ёрдамчи тармок фанларнинг пайдо бўлиши (археография, палеография, текстология, герменевтика) ва улар орасида яқин ўтмишдаги вазифалар таксимотининг ўзгариб бориши.

**Учинчи масала.** Матнларни сифатида, ишончли, барқарор тарзда тузилишини таъминлаш учун матншунослик назариясини мустаҳкамлаб олишимиз керак бўлади. Дастлабки ва кейинги авлод матн тузувчи олимлар ўзлари суяниб келаётган назариянинг рус матншунослигига асосланганлигини ва унинг ҳамма вақт ҳам шарқ қўлёзмаларига татбиқ этиб бўлмаслигини қайд этиб келганлар ҳамда ўз ишларида уларга тузатишлар киритиб борганлар. Бу тузатишлар уларнинг амалий ишларида тарқоқ ҳолда ётибди. Уларни илмий таҳлил назаридан ўтказиб, монографик, академик нашр шаклида «Матн тузиш асослари» (ёки, «Матншунослик асослари») ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда археография, палеография, текстология, герменевтика каби ёндош тармок соҳалар ўз ўрнини топиши лозим бўлади.

**Тўртинчи масала.** Адабий мероснинг оммавий нашрлар учун мўлжалланган шаклини латин алифбосида бўлиши ҳозирги кунда давр талабидир. Бу ишни маҳаник тарзда амалга оширилишига йўл қўймаслик, кириллдаги нашр чиққанидан буён муайян асар матни бўйича эришилган ютуқлар (улар ёқланган диссертациялар, илмий танқидий матнлар, нашрга тақризлар ва бошқа илмий ишларда акс этган) жорий алифбодаги вариантда ўзининг амалиётга татбиқини топиши керак бўлади.

**Бешинчи масала.** Технологик жараёнларнинг юксалиб бориши натижаларидан фойдаланиб, яқин келажакда шарқ классикасида энг машхур саналган асарларнинг мавжуд қўлёзмалари асосида, уларнинг йиғма матнларини мультимедиа шаклида ишлаб чиқишга киришиш.

Мазкур ишлар жуда катта ҳажмдаги ишлар бўлиб, уларни амалга ошириш ҳам қўплаб йилларни талаб этиши шубҳасиз. Аммо бу йўлда йўналишни тўғри танлаб олиниши мақсад сари энг яқин йўлни таъминлайди.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### МАНБАШУНОСЛИКНИИГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИ ТАВСИФЛАШ ВА ФИҲРИСТЛАШ

#### АДАБИЙ МАНБАШУНОСЛИКНИИГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ ФАН СИФАТИДА

##### **Ўқув мақсади:**

- 1) манбашунослик фанини ўрганишдан кўзланган мақсад ҳақида тасаввур бериш;
- 2) манбашунослик фанининг предмети ва вазифалари билан таништириш;
- 3) манбашунослик фанининг мазмуни ва мундарижаси маълумот бериш.

\*\*\*

**Бу ўқув фани нима учун керак?** Қўлёзма фондларида сақланаётган минг-минглаб китоблардан соҳа мутахассислари орасида барқарорлашган, илмий йўлга қўйилган, махсус ишлаб чиқилган қатъий тартиб-қоидаларсиз фойдаланиш ниҳоятда оғир бўлган бўлур эди. Сон-саноксиз китоблар орасидан зарур бўлган бирор асарни топиш ёки бу хазиналарда нималар борлигидан вокиф бўлишни манбашуносларнинг машаққатли меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Билимнинг бу соҳаси **манбашунослик** деб аталади.

**Манбашунослик қандай фан?** Манбашунослик ёзма манбаларни *йиғиш, қидириб топиш, тартибга солиш ва улардан илмий фойдаланиш* йўллари *ни ўргатувчи фандир.*

**Манбашунослик вазифалари** (унинг таърифидан келиб чиқади):

- манбаларни йиғиш,
- янгиларини қидириб топиш,
- тартибга солиш
- намунали сақлаш
- улардан илмий фойдаланиш учун маълумотлар тайёрлаш
- уларни илмий жамоатчилик ва оммага етказиш\*

Бу ишларнинг дастлабки бештаси **манбашуносликнинг** вазифалари ҳисобланиб, уларнинг барчаси қўлёзмаларнинг **илмий тавсифи**ни яратишга қаратилган. Қўлёзмаларни тавсифлаш ишлари маълум барқарорлашган тартиб-қоидалар асосида олиб борилади ва бу ҳақида

Ўқув қўлланманинг «Қўлёзмаларни тавсифлаш ва феҳристлаш»га бағишланган ушбу қисмида батафсил тўхталамиз.

Манбашунослик назарияси алоҳида тадқиқот объекти сифатида атрофлича тадқиқ қилинмаган ва махсус ёзилган китоблар мавжуд эмас. Бу ҳақидаги маълумотларни биз ёзма ёдгорликлар нашри муқаддималарида, турли масалалар бўйича ёзилган бошқа тадқиқотларда учратамиз ва улардан ўрганамиз.

Манбашуносликнинг назарий масалалари ўқув фани сифатида юртимиз таълим тизимида эндиgina ўқитилиб келинмоқда. Шу пайтгача бу соҳада фаолият кўрсатиб келаётган мутахассислар ўзларининг мустақил ўрганишлари, изланишлари туфайлиgina муайян ютуқларни қўлга киритганлар ва соҳанинг ривожланишини таъминлаб келмоқдалар. Манбашунослик ва матншунослик бўйича таълим йўли билан кадрлар тайёрлаш бу соҳа предметларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ҳосил бўлган назарий асосни бир тизимга келтириш, унинг принцип ва категорияларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу йўналишдаги ишлар эндиgina бошланди ва яна узоқ давом этади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** манбашунослик, манба, тавсиф.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Манбашуносликни ўрганишдан мақсад нима?
2. Манбашуносликни ўрганишни нимадан бошламоқ керак?
3. Қўлёзмаларни тавсифлаш нима учун керак?
4. Манбашунослик соҳасидан фойдаланувчи субъектлар рўйхатини дафтарингизга ёзиб қўйинг.

## **БИРИНЧИ БОБ**

### **ҚЎЛЁЗМАЛАРГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ**

#### **1. ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ФОНДИ**

**Ўқув мақсади:**

- 1) Ўз ФАШИ қўлёзмалар фондининг пайдо бўлиш тарихи билан таништириш;
- 2) Ўз ФАШИ таркибий тузилмаси билан таништириш;
- 3) Қўлёзмалар фонди ҳақида тасаввур бериш.

\*\*\*

Ҳозирги мустақиллик даврида аجدодлардан қолган бой ёзма меросни ўрганиш ва уларни тадқиқ қилиш катта аҳамият касб этмоқда. Ватанимиз тарихи ва маданиятини ўрганишда қўлёзмаларга суянган ҳолдагина тўғри хулоса чиқариш мумкин. Президентимиз И.Каримов ўзининг кўплаб маърузаларида ота-боболаримиздан қолган улкан маънавий меросни сақлаш ва уларни ўрганиш ҳақида уқтириб ўтмоқдалар. 2007 йилда Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассаса (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинди. И.Каримов бу улкан воқеани баҳолаб, жумладан шундай деди: “Агарки, тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, хоки поклар И.Ўзбекистон тупроғида ётган улуғ аجدодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз. Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф, аввало, ана шундай аждодларимизнинг табарруқ номлари ва қолдирган меросига, Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”<sup>1</sup>.

И.Каримовнинг аждодларимиз қолдирган мерос ҳақидаги сўзлари ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг ноёб қўлёзмалар фондида сақланаётган улкан хазинага бевосита тааллуқлидир. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди ўзининг бойлиги билан дунёдаги энг машҳур фондлардан биридир. У ерда сақланаётган нодир қўлёзмалар ўтмишдаги Шарқ ислом оламининг қарийб минг йиллик тарихини ўз ичига олган. Нафақаг Ўзбекистон олимлари, балки бутун дунё олимлари ҳам мазкур қўлёзмалар фондидан фойдаланиб, ўтмиш тарихини ва маданиятини ёритадилар. Мазкур қўлёзмаларсиз Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихини ҳам тўлиқ ёритиш мумкин эмас. Демак, бу ноёб фонд илмий нуқтаи назардан муҳим ва ноёб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у 2002 йили ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. 2007 йилда Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишида ҳам мазкур қўлёзма фондининг аҳамияти бекиёс эканлиги ўз-ўзидан маълум. Шу маънода ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган ноёб қўлёзмалар шу соҳанинг тадқиқ этишда катта аҳамиятга эга.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Асарлар тўплами, т. 15. —Т.: Ўзбекистон, 2007. —Б. 214—215.



ўқув қўлланманинг «Қўлёзмаларни тавсифлаш ва феҳристлаш»га бағишланган ушбу қисмида батафсил тўхталамиз.

Манбашунослик назарияси алоҳида тадқиқот объекти сифатида атрофлича тадқиқ қилинмаган ва махсус ёзилган китоблар мавжуд эмас. Бу ҳақидаги маълумотларни биз ёзма ёдгорликлар нашри муқаддималарида, турли масалалар бўйича ёзилган бошқа тадқиқотларда учратамиз ва улардан ўрганамиз.

Манбашуносликнинг назарий масалалари ўқув фани сифатида юртимиз таълим тизимида эндиgina ўқитилиб келинмоқда. Шу пайтгача бу соҳада фаолият кўрсатиб келаётган мутахассислар ўзларининг мустақил ўрганишлари, изланишлари туфайлиgina муайян ютуқларни қўлга киритганлар ва соҳанинг ривожланишини таъминлаб келмоқдалар. Манбашунослик ва матншунослик бўйича таълим йўли билан кадрлар тайёрлаш бу соҳа предметларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ҳосил бўлган назарий асосни бир тизимга келтириш, унинг принцип ва категорияларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу йўналишдаги ишлар эндиgina бошланди ва яна узок давом этади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** манбашунослик, манба, тавсиф.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Манбашуносликни ўрганишдан мақсад нима?
2. Манбашуносликни ўрганишни нимадан бошламоқ керак?
3. Қўлёзмаларни тавсифлаш нима учун керак?
4. Манбашунослик соҳасидан фойдаланувчи субъектлар рўйхатини дафтарингизга ёзиб қўйинг.

## **БИРИНЧИ БОБ**

### **ҚЎЛЁЗМАЛАРГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ**

#### **1. ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ФОНДИ**

**Ўқув мақсади:**

- 1) Ўз ФАШИ қўлёзмалар фондининг пайдо бўлиш тарихи билан таништириш;
- 2) Ўз ФАШИ таркибий тузилмаси билан таништириш;
- 3) Қўлёзмалар фонди ҳақида тасаввур бериш.

\*\*\*

Ҳозирги мустақиллик даврида аجدодлардан қолган бой ёзма меросни ўрганиш ва уларни тадқиқ қилиш катта аҳамият касб этмоқда. Ватанимиз тарихи ва маданиятини ўрганишда қўлёзмаларга суянган ҳолдагина тўғри хулоса чиқариш мумкин. Президентимиз И.Каримов ўзининг кўплаб маърузаларида ота-боболаримиздан қолган улкан маънавий меросни сақлаш ва уларни ўрганиш ҳақида уқтириб ўтмоқдалар. 2007 йилда Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассаса (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинди. И.Каримов бу улкан воқеани баҳолаб, жумладан шундай деди: “Агарки, тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, хоки поклар И.Ўзбекистон гуфтоғида ётган улуг аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз. Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф, аввало, ана шундай аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз”<sup>1</sup>.

И.Каримовнинг аждодларимиз қолдирган мерос ҳақидаги сўзлари ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг ноёб қўлёзмалар фондида сақланаётган улкан хазинага бевосита тааллуқлидир. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди ўзининг бойлиги билан дунёдаги энг машҳур фондлардан биридир. У ерда сақланаётган нодир қўлёзмалар ўтмишдаги Шарқ ислом оламининг қарийб минг йиллик тарихини ўз ичига олган. Нафақат Ўзбекистон олимлари, балки бутун дунё олимлари ҳам мазкур қўлёзмалар фондидан фойдаланиб, ўтмиш тарихини ва маданиятини ёритадилар. Мазкур қўлёзмаларсиз Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихини ҳам тўлиқ ёритиш мумкин эмас. Демак, бу ноёб фонд илмий нуқтаи назардан муҳим ва ноёб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у 2002 йили ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. 2007 йилда Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишида ҳам мазкур қўлёзма фондининг аҳамияти бекиёс эканлиги ўз-ўзидан маълум. Шу маънода ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган ноёб қўлёзмалар шу соҳанинг тадқиқ этишда катта аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> Каримов И. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Асарлар тўплами, т. 15. —Т.: Ўзбекистон, 2007. —Б. 214—215.

Бу ноёб фондда 25.977 жилд қўлёзма асарлар мавжуд бўлиб, улар ўтмишдаги фанларнинг деярли ҳаммасини ўз ичига олади. Бундан ташқари, 39.107 жилд тошбосма (литография) ва босма асарлар ҳам сақланмоқда. Бундан ташқари, 5000 дан ортик турли хужжатлар ҳам бу ноёб фонддан ўрин олган. Мазкур қўлёзмалар институтнинг 5-чи ва 6-чи қаватларига жойлаштирилган.

Қўлёзма фондида Қуръони каримнинг халифа Али даврида тери-га кўчирилган ноёб саҳифаси сақланмоқда. Қуръони каримнинг IX асрга оид куфий хатида кўчирилган ноёб нусхаси фонднинг қадимий китобларидан бири ҳисобланади. Янгилари эса XX асрнинг биринчи чорагига мансуб. Фонддаги асарлар ўзбек, араб, форс, тожик, урду, пушту, озарбайжон, турк, татар, туркман, уйғур ва бошқа шарқ халқлари тилларида ёзилган. Улар ўрта аср ва ундан кейинги даврдаги фаннинг тарих, адабиёт, фалсафа, ҳуқуқ, фалакиёт, кимё, табобат, жуғрофия, доришунослик, тил, мусика, математика, маъданшунослик ва бошқа соҳаларига бағишланган. Қўлёзмалар мажмуасидаги бу асарлар Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларининг Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой ва Араб мамлакатлари тарихини ва улар орасидаги сиёсий-иқтисодий, маданий, дипломатик алоқалар тарихини ўрганишда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қўлёзмалар мажмуасида Шарқнинг буюк сиймолари ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Марғинович, Мотуридий ва бошқаларнинг асарлари ўрин олган. Бундан ташқари, Алишер Навоийнинг ўз қўлида турган девонлари, Абдурахмон Жомийнинг қўли билан кўчирилган асарлари, шунингдек, ўзбек ва форс шоирларининг қўллаб девонлари сақланмоқда.

Фонднинг умумий ҳолати ва ундаги бошқа тадбирлар ҳақида қуйидаги қисқача маълумотни тақдим этиш мумкин:

1. Шарқ қўлёзмалари фондида IX асрдан то XX аср бошларига тааллуқли бўлган араб, форс ва туркий тиллардаги 25.977 жилд қўлёзма, 39.107 жилд тошбосма ва босма асарлар, 5000 дан ортик қадимий хужжатлар сақланмоқда.

2. Қўлёзмалар фондидаги асарларнинг илмий-техник асосда сақланиши йўлга қўйилган. Фонд ҳавоси 18 даражадан ошмаган температурада ушлаб турилади. Қўлёзмалар фонди ҳавосини мўътадил сақлаш учун бешта замонавий – S-14 (3 дона), S-18 (2 дона, S-24 (1 дона) маркали совитувчи ва иситувчи кондиционер жиҳозлар билан таъминланган. Китоблар махсус стиллажларда тартиб билан сақланади. Ҳар жиҳатдан нодир ҳисобланган қўлёзмалар алоҳида жойда, ҳавони мўътадил тутадиган ва микроблардан асрайдиган, чет элда тайёрланган картон ғилофларда сақланади.

3. Фондда малакали ходимлар фаолият кўрсатади ва улар фонд ва унда сақланадиган китобларга жавобгар шахслар ҳисобланади. Олимларга китоб бериш ва уларни қайтариб жойига қўйиш шу ходимларнинг вазифасига киради. Фонд соат 9.00дан 18.00гача фаолият кўрсатади. Фондни очиш ва ёпиш махсус пароль орқали амалга оширилади ва сигнализация билан таъминланган. Китоб бериш учун махсус дафтарлар тутилган.

4. Фонд қошида махсус таъмирлаш устахонаси бўлиб, унда кадимий қўлёзмалар мунтазам таъмирдан ўтказилади. Қўлёзмаларни таъмирлаш уларнинг умрини узайтиришдаги энг муҳим ва долзарб вазифадир. Маълумки, қўлёзмалар доимо таъмирга муҳтож бўлади, варағи йиртилади, муковаси ажрайди. Халқ қўлидан сотиб олинган қўлёзмалар эса, албатта, таъмирга муҳтож бўлади. Ноёб объектнинг таъмирлаш шўъбасида мазкур иш амалга ошириб борилмоқда.

5. Ноёб объект қошида махсус микрофильм ва фотонусхалар фонди ташкил этилган бўлиб, бу фондда 5000 жилд қўлёзманинг микрофильмлари сақланмоқда. Микрофильмларни рўйхатга олиш ва уларга тавсиф карточкалари ёзиш долзарб вазифалардан бўлиб, ўқувчиларга улардан фойдаланишни қулайлаштиради. Бу йўналишдаги ишлар ҳам институтда давом эттирилмоқда.

6. Ноёб объект қошида махсус фотолаборатория фаолият кўрсатади. Бу лабораторияда қўлёзмалар микрофильмга олинади ва микрофильмлар фондига сақлаш учун топширилади. Бундан ташқари, институтга Германиянинг Герда Хенкел фонди томонидан тақдим этилган, қўлёзмаларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам микрофильмини ҳам электрон нусхасини тайёрлайдиган гибрид ускуна ҳам мунтазам ишламоқда.

7. Ўзбекистондан ва четдан келган олимларга қўлёзмалардан фойдаланиш учун қироатхона мавжуд. Қироатхонада керакли шароит яратилган. Иккита ходим фаолият кўрсатади.

8. Қўлёзмалар мунтазам равишда профилактик тадбирдан ўтказиб турилади, чангдан тозаланади ва озодалигига эътибор қаратилади.

Ноёб объект ходимлари 2009 йилда, асосан, қуйидаги 6 та пункт устида иш олиб бордилар:

а) қўлёзмаларни илмий-техник асосда сақлаш ва республикамизнинг турли илмий муассасаларидан ҳамда чет элдан келган олимларни қўлёзмалар билан таъминлаш;

б) институтнинг фотолабораторияси орқали қўлёзмаларни микрофильмга олиш ва ўқувчиларни микрофильм билан таъминлаш;

в) микрофильмлар фондида микрофильмларни илмий-техник асосда сақлаш.



- г) кироатхона оркали ўқувчиларни китоблар билан таъминлаш;
- д) қўлёзмаларни таъмирлаш ва профилактикадан ўтказиш;
- е) қўлёзмаларни қайтадан кўриб чиқиш ва асарларнинг умумий микдорини аниқлаб берадиган қисқа тавсифли кўп жилддан иборат бўлган каталоглар тузиш.

Ҳозирги пайтда, Институтда, грант (лойиҳа) системаси бўйича иш олиб борилмоқда. Ноёб объект юзасидан 2 та фундаментал, 1 та фундаментал тадқиқотни қўллаб-қувватлаш фонди ва 4 та амалий тадқиқот лойиҳалари фаолият кўрсатади. Улар қуйидагилардир:

#### **1. Фундаментал тадқиқотлар:**

а) ФА-Ф8-022. «Марказий Осиё халқлари тарихи, фани ва маданиятига оид манбалар тадқиқи (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалари асосида)» (лойиҳа раҳбари, т.ф.д. С.У.Каримова).

б) ФА-Ф8-023. «Хитой манбаларидаги Марказий Осиё тарихига оид маълумотлар» (таржималар ва шарҳлар)» (лойиҳа раҳбари, т.ф.д. А.Хўжаев).

в) 109-08. «Илк ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихида Чоч воҳасининг тутган ўрни». (Фундаментал тадқиқотни қўллаб-қувватлаш фонди, раҳбари т.ф.н. Ғ.Бобоёров).

#### **2. Амалий тадқиқотлар:**

а) ФА-А3-ГО 48. «ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасини сақлаш ва ривожлантириш бўйича тадқиқотлар (Дублет фондидаги қўлёзмаларни илмий тавсифлаш)» (лойиҳа раҳбари, т.ф.д. М.Ҳасанов).

б) ФА-А3-ГО 45. «Илк ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихи манбашунослиги масалалари» (лойиҳа раҳбари, т.ф.н. Ғ.Бобоёров).

в) ФА-А3-ГО 47. «Марказий Осиёнинг хорижий Шарқ мамлакатлари билан муносабатлари (XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар тарихи)» (лойиҳа раҳбари, т.ф.д. Р.Баҳодиров).

г) ФА-ЁФ8-003. «Марказий Осиё мутафаккирларининг асарларида одоб-ахлоқ мавзуси» (лойиҳа раҳбари, т.ф.н. М.Исмоилов).

д) Германиянинг Герда Хенкель фонди томонидан «Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондидаги қўлёзмаларнинг электрон каталогини тузиш» (лойиҳа раҳбари С.Ғуломов).

Институтда қўлёзмаларни тавсифлаш, дастлабки ишлов бериш, шарҳли фихрист (каталог)лар тузишга катта аҳамият берилмоқда. Бу соҳа билан институтнинг кўпгина малакали илмий ходимлари шуғулланадилар. Қўлёзмаларни тавсифлаш ва фихристларини тузиш ишла-

ри шу институтда ҳосил қилинган тажрибалар асосида ёритилишини ҳисобга олиб, институт фаолияти ва унинг қўлёзмалар фонди ҳақида қисқача маълумот бериб ўтдик.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** давлат кутубхонаси, шарқ қўлёзмалари, нусха, ягона нусха, тошбосма, миниатюра.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Навоий кутубхонаси тарихи ҳақида нималарни биласиз?
2. Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти қандай ташкил топган ва унинг фонди қўлёзмалари ҳозир қаерда?
3. ЎзФАШИ да соҳа мутахассислари қандай фаолият турлари билан шуғулланадилар?

## **2. ҚўЛЁЗМАЛАРГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ ВА УЛАРНИ ТАВСИФЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**Ўқув мақсади:**

- 1) қўлёзма китобга дастлабки ишлов бериш тушунчаси билан таништириш;
- 2) қисқача тавсиф варақалари вазифаси ҳақида тушунча бериш;
- 3) ЎзФАШИ таркибида қўлёзма китобларни илмий ўрганиш соҳаси мутахассислари ташкилий тузилмаси ҳақида маълумот бериш.

\*\*\*

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида Шарқ қўлёзмалари фонди мавжуд. Шарқ мамлакатларидан Эрон, Афғонистон, Миср, Туркия, Ироқ, Бирлашган Араб амирлиги, Саудия Арабистони, Ҳиндистонда бундай фондлар фаолият кўрсатмоқда. Оврупо давлатларидан Германия, Франция, Буюк Британия, Москва, Санкт-Петербургдаги қўлёзма фондларида нодир асарлар сақланмоқда. Биз бу фондларнинг қайси бирига қирмайлик, уларда махсус фихристхона (каталоглар хонаси) мавжудлигини кўрамиз ва махсус яшиқларда ҳар бир қўлёзмага ёзилган қисқача тавсиф варақаларига дуч келамиз. Улар орқали керакли китобларнинг инвентарь (ашё) рақамини аниқлаб, керакли китобни кўриш учун осонгина буюртма бера оламиз. Яшиқларга жойлаштирилган бундай картотекали карточка (варақа)ларни тузиш ва ёзиш учун биринчи галда нима қилинади? Бу жараён билан ЎзРФАШИда кўп йиллар давомида олиб борилган тажриба воситасида танишиб чиқамиз.

ЎзРФАШИда қўлёзмаларга дастлабки ишлов бериш ва уларни тавсифлаш билан иккита бўлим шуғулланиб келмоқда. Улардан биринчиси то 1999 йилгача «Қўлёзмаларни сақлаш ва рўйхатга олиш

бўлими» деб аталар эди. 1999 йилдан «Шарқ қўлёзмалари фонди бўлими» деб атала бошланди. Бу бўлимда тўртта шўъба бўлиб, биринчиси «Қўлёзмалар фонди», иккинчиси «Х.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар мажмуаси», учинчиси «Қўлёзмаларга дастлабки ишлов бериш», тўртинчиси «Қўлёзмаларни таъмирлаш» деб аталади. Бўлимда яна фотолаборатория, микрофильмлар фонди, қироатхона ҳам мавжуд. Бўлим қуйидаги илмий йўналиш бўйича иш олиб боради:

«Шарқ халқларининг араб, форс, туркий тилларидаги қадимий қўлёзма асарларини тўплаш, сақлаш, бошланғич ўрганиш (ёки дастлабки ишлов бериш), системалаш, илмий тадқиққа тайёрлаш ва тавсиф (каталог)ларини тузиш».

Бўлимда шу пайтгача қўлёзмаларининг тавсифини (картотекали каталоглари)ни тузиш натижасида 13374 жилддаги асарларнинг 5 хил номдаги (муаллиф ва китоб исми, тил, фан ва рақамли карточка) 200 мингта карточка тавсифлари вужудга келган. 21 мингдан ортиқ тошбосма ва литографик усулда босилган асарларга эса 22 мингдан ортиқ илмий карточка тавсифлари барпо қилинган. Уларнинг умумий сони 100 мингтага етади. Келажакда яна 130 мингта илмий тавсиф varaқлари ёзилиши керак.

Бундай илмий тавсифларнинг вужудга келишида самарали хизмат кўрсатган марҳум олимлардан А.Муродий, А.Носиров (Носихий), У. Каримов, И.Абдуллаев, У.Ҳамраев, Аида Вильданова ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бу ишда олимлардан Б.Ваҳобова, Д.Юсуповаларнинг ҳам катти ҳиссаси бор. Н. Йўлдошева, Ф.Абдурахмонова, Р.Умарова, Т.Зиёев каби ходимлар ҳам бу соҳада самарали меҳнат қилганлар. Мазкур бўлимни ҳамда тавсиф ишларини 1995 йилгача заҳматкаш олим Қ. Муниров бошқариб келган.

Қўлёзмаларни шарҳи билан тавсифловчи иккинчи бўлим «Манба-шунослик ва қўлёзмаларни тавсифлаш бўлими» деб аталади. Бу бўлимнинг илмий йўналиши қуйидагича:

«Ўзбекистон ва қўшни халқлар тарихига доир, араб, форс, туркий тиллардаги нодир ёзма манбаларни ўрганиш, уларнинг илмий-изоҳли таржималари ва илмий-қиёсий, танкидий матнларини тайёрлаш».

Бу бўлимда манбаларни ўрганишдан ташқари кўп йиллардан буён қўлёзма асарларнинг шарҳли фихристларини ва тавсиф каталогларини нашр этиш устида иш олиб борилади. Шунинг натижаси ўлароқ 1952–1987 йиллар ичида 11 жилддан иборат «Собрание восточных рукописей АН УзР» номи фихристлар (каталоглар) босилиб чиқди. Уларнинг ҳар бири 40–50 босма табоқни ташкил этади. Уларда 7547 та қўлёзма тавсифи берилган. Келажакда яна 30 мингдан ортиқ қўлёзмаларнинг шарҳли фихристи нашр этилиши керак.

Манбаларни ўрганиш ва уларга шарҳли тавсифлар ёзишда йирик олимлардан А.Расулев, Л.Азиззода, Ш.Зуннун, У.Ҳамроев, А.Казбердов,

Р.Жалилова, Д.Г. Вороновский каби олимлар фаолият кўрсатганлар. Ёўлимни тарих фанлари доктори, мархум А.Ўринбоев кўп йиллар давомида бошқариб келди ва бу соҳада ибратли хизматларни амалга оширди.

Ҳозирги вақтда фихристларни фанлар бўйича тайёрлаш ишлари бошлаб юборилган. Тарих, аниқ фанлар ва исломга оид ҳар бири 30-20 босма табоқдан иборат жилдлар тайёрлаб кўйилган. Қўлёзма ҳужжатлар фихристи ҳам тайёрланмоқда. 1999 «Фан» нашриёти орқали германиялик ҳомийлар ёрдамида Д. Юсупова ва А.Вильданова томонидан тайёрланган аниқ фанларга доир икки жилдли фихрист чоп этилди. 1995 йили Дубайда ал-Мажид илмий маркази билан ҳамкорликда институтда сақланаётган арабча қўлёзма асарлар фихристи (13.6.т.) нашр этилди. 1997 йилда эса ўзбек ва Эрон олимлари билан ҳамкорликда тузилган (10.6.т.) «Фихрист» дунё юзини кўрди. Немис олимлари билан биргаликда тасаввуфга оид қўлёзмалар фихристи тузилди ва босмадан чиқди. А.Ўринбоев томонидан тузилган Жомий асарларининг фихристи, Қ.Муниров томонидан тузилган Навоий асарлари фихристи, Б.Ваҳобова томонидан тузилган Ибн Сино асарлари фихристи ҳам институт олимлари меҳнатининг самараси ҳисобланади. Қўлёзмаларни тавсифлаш ва фихристларини тузиш ишлари давом этмоқда.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** тавсиф арақаси, фихристон, ашё рақами, фонд бўлимлари, Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар мажмуаси.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Қўлёзмаларга дастлабки ишлов бериш нима?
2. Ўз ФАШИ да тавсиф арақаси қайси бўлимда тайёрланади?
3. Қисқача тавсиф арақаларининг вазифаси нималардан иборат?

### **3. ҚўЛЁЗМАЛАРНИ ДАСТЛАБКИ ЎРГАНИШ ЁКИ ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ ТАРТИБИ**

**Ўқув мақсади:**

- 1) қўлёзмаларга дастлабки ишлов бериш технологияси билан таништириш;
- 2) тавсиф учун зарур илк маълумотлар мундарижаси билан таништириш;
- 3) номи ва муаллифи кўрсатилмаган китобларнинг номи ва муаллифини аниқлаш йўллари ўргатиш.

\*\*\*

Қўлёзмалар сақланадиган фондларда қўлёзма, аввало, бошланғич ўрганилади ёки, бошқача айтганда, дастлабки илмий ишловдан ўтқа-



зилади. Буни кенгрок тушунтирадиган бўлсак, халқ томонидан фонд учун ҳадя этилган ёки фонд томонидан халқ қўлидан сотиб олинган қўлёзмалар тавсифига олимлар томонидан биринчи марта ўрганишга киришилади ва у ҳақда ҳар томонлама маълумот йиғилади. Бунинг учун олим ўзи учун махсус дафтар тутати ва қўлёзма ҳақидаги қуйидаги маълумотларни йиғади:

1. Китоб исми
2. Муаллифи
3. Котиби
4. Жойи
5. Йили
6. Неча жилд
7. Кимдан олинган
8. Тили
9. Баҳоси
10. Изоҳ

Тавсифчи олим қўлёзма ҳақида мазкур маълумотларни йиғар экан, бунда у бир қанча муаммоларга дуч келади. Аввало, у араб ва форс тилини яхши билиши, бу соҳада малакага эга бўлиши шарт. Одатда муаллиф исми ва китоб номи қўлёзма асарнинг биринчи varaғидан то 5 ёки 10 varaқлари ичида жойлаштирилган бўлади. Бунинг учун мазкур varaқлар диққат билан ўқиб чиқилади. Борди-ю, китобнинг аввалги саҳифалари йўқолган бўлса, охириги varaққа назар солинади. Котиб охирида китобнинг номи ва муаллифининг исми келтирган бўлиши мумкин. Борди-ю, ушбу маълумотлар бу ердан ҳам топи́лмаса, асарнинг аввалги varaқлари йўқолган бўлса, тавсифчига катта қийинчилик туғилади. Тавсифчи олим катта малакага эга бўлиб, қўлидан қўплаб китоблар ўтган бўлса, асарнинг фани ва мавзусига қараб, муаллифини бемалол аниқлай олади. Бирок, тавсифчи тажрибасиз ёки янги иш бошловчилардан бўлса, асарнинг муаллифи ва номини аниқлай олмайди, охири китобга шартли ном қўйиб, ашё дафтарига тиркаб юборади ва қўпгина чалкашликларга сабаб бўлади. Виждонан ишлаган тавсифчи бирорта қўлёзмани охиригача аниқламай туриб, у ҳақида ҳукм чиқармайди, малакали тавсифчиларга ёки тажрибали олимларга кўрсатиб, маслаҳатлар олади. Афсуски, Шарқшунослик институтидаги фихристондан жой олган айрим картотека varaқларида китоб номи ёки муаллифи бўйича хатоларни тез-тез учратиш мумкин.

Тавсифчи қўлёзма билан танишар экан, юқорида биз санаб кўрсатган маълумотлардан айримларини тополмаса ва излаш иложи бўлмаса, у ҳолда ўша *графани* очиқ қолдиради. Масалан, қўлёзманинг

кўчирувчиси, ёзилган йили, кўчириш йили, ёзилган ёки кўчирилган жойи ноаниқ бўлиши мумкин. Қолган маълумотларни қайта-қайта текшириб, ишонч ҳосил қилгач, энди бу маълумотларни ашё (инвентарь) дафтарига қайд этишга киришади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** тавсифчи, дастлабки ишлов бериш, илмий ишлов бериш, бошланғич ўрганиш, графа, китоб номи, шартли ном, асар номи, инвентарь дафтар.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Қўлёзма китобларида китоб номи билан боғлиқ қандай муаммолар бор?
2. Китоб тавсифи учун қандай маълумотлар керак бўлади?
3. Тавсифдаги хатоликлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
4. Тавсиф учун зарур, аммо топилмаган маълумотларга тавсифчи қандай муносабатда бўлади?



#### 4. ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ РАҚАМЛАШ

**Ўқув мақсади:**

- 1) қўлёзмаларни рақамлаш технологияси билан таништириш;
- 2) рақамлаш принципи ҳақида маълумот бериш;
- 3) қўлёзма китоблардан намуналар ва улардаги муҳр ва ашё рақамлари билан таништириш ҳамда бу ишлар юзасидан кўникмалар ҳосил қилиш.

\*\*\*

Тавсифчи қўлёзмани тўлиқ ўрганиб бўлгач, энди унга инвентарь номери (ашё рақами)ни қўяди. Бунинг учун у фондда сақланаётган ашё дафтари олади ва охириги қўлёзма рақами неча эканини аниқлайди. Масалан, охириги қўлёзма рақами 13374 бўлса, демак, унинг қўлидаги дастлабки ишлов берилган қўлёзма рақами 13375 бўлади. Тавсифчи қўлёзма асарнинг биринчи саҳифасини очиб, қулай жойга рақам қўйиладиган махсус муҳрни босади ва навбатдаги рақамни чиройли ва катта сонлар билан ёзиб қўяди. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида, одатда, қуйидаги муҳр ва рақамни кўриш мумкин.



«Фавоид уд-адвия ва мавоид ул-ағзия» китоби мухрлари

Тавсифчи энди китобнинг сўнгги варағини очади ва бу ерда ҳам қулай ҳисобланган жойига муҳр уриб, ўша ашё рақамини ёзади. Тавсифчи лозим кўrsa, китобнинг бошидан бир неча варақ очиб, қулай жойга яна муҳр уриши ва рақамни ёзиб қўйиши мумкин. Агар қўлёзма бошдан - оёқ битта асардан иборат бўлса, шу билан тавсифчининг қўлёзмани рақамлаши тугайди.

Бизга маълумки, Шарқ қўлёзмалари кам ҳолларда яхлит битта асардан иборат бўлади. Кўпинча бир жилддан иборат қўлёзма китоб ичида 2тадан тортиб 100 тагача рисоалар бўлиши мумкин. Масалан, 2385 рақамли «Мажмуат ур-расойили ҳукамо» номли қўлёзмадан Арасту, Афлотун, Форобий, Розий, Ибн Сино, Беруний каби олимларнинг 120га яқин рисоалари ўрин олган. Қўлёзмада асарларнинг ҳаммасига алоҳида ашё рақами бериш керакми? Йўқ, бундай пайтда тавсифчи қўлёзмага ягона битта ашё рақами беради. Ундаги рисоалар эса то охиригача I, II, III, IV, V ва ҳоказо рим рақамлари билан белгилаб борилади. Агар қўлёзмадаги охириги асар бошига XXX рим рақами қўйилган бўлса, демак, унда 30та мустақил асар борлиги маълум бўлади.

Биз юқорида айтиб ўтган эдикки, тавсифчи аввало асар муаллифи, китоб номи ва қўлёзмага тааллуқли бошқа маълумотларни ўзининг ишчи дафтарига ёзиб олиши керак эди. Энди у қўлёзмадаги бошқа муаллифларнинг асарлари ҳақидаги маълумотларни жамлайди. Қўлёзма ҳақидаги маълумотлар тўла йиғилиб, унга ашё рақами бериб бўлингач, энди бу қўлёзма ашё дафтарига қайд этишга тайёр бўлади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** инвентарь номер, ашё рақами, ашё даф-тари, махсус муҳр.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Ашё рақами қўлёзма китобининг қаерига қўйилади?
2. Ашё рақами учун бериладиган сон қаердан олинади?
3. Қўлёзма китоб кўп асарли бўлса, уларга ашё рақами бериш тартиби қандай ҳал этилади?

## 5. АШЁ ДАФТАРИГА ҚАЙД ЭТИШ

**Ўқув мақсади:**

- 1) ашё дафтарига қайд этиладиган маълумотлар мундарижаси билан таништириш;
- 2) тавсифдаги нуксонлар оқибатини тушунтириш;
- 3) ашё дафтаридаги белгилар ҳақида маълумотлар бериш.

\*\*\*



Тавсифчининг юқоридаги барча ишлари қўлёзмани *илмий тавсифлаш* дейилади. Қўлёзма ҳақидаги маълумотларни мукамал йиғиш катта меҳнат, чуқур билим ва тажриба талаб этади. Бирорта қўлёзма асарга нотўғри ном бериб юбориш ёки муаллиф номини нотўғри ёзиш турли ноаниқликларга ва чалкашликларга сабаб бўлади. Тавсифчи ўз маълумотларига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, энди мазкур қўлёзмани ашё дафтарига қайд этишга киришади.

Дунёдаги Шарқ қўлёзмалари фондларининг барчасида қўлёзмаларни қайд этиб қўядиган ашё дафтар (инвентарь дафтар)лари бўлади. Бу дафтар расмий ҳужжат ҳисобланади. Улар бегона одамлар қўлига берилмайди ва асраб-авайлаб сақланади. Уларга қалам теккизилмайди ва ўзгартиришлар киритилмайди. Ашё дафтаридаги битта китоб номининг устидан чизиб қўйиш шу китобнинг йўқ дейилишига сабаб бўлади. Ашё дафтарининг қандай бўлишлиги ҳақида ҳозиргача ягона қоида мавжуд эмас. Фонд ходимлари ўз фикр - мулоҳазаларидан ва тажрибаларидан келиб чиқиб, буни ўзларича ҳал қилишлари мумкин. Чунончи, ЎЗР ФА ШИДаги ашё дафтарларида қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

1. Ашё рақами
2. Китоб номи
3. Муаллиф номи
4. Котиби (кўчирувчиси)
5. Ёзилган ёки кўчирилган жойи
6. Ёзилган ёки кўчирилган йили
7. Неча жилдлиги
8. Кимдан сотиб олингани
9. Асарнинг тили
10. Сотиб олинган баҳоси
11. Қўшимча изоҳлар

Агар бу маълумотлар ашё дафтаридаги графалар бўйича жойлаштирилса, қуйидаги шаклни олади. Маълумотлар албатта араб ҳарфларида ёзилади:

аутинт	китоб асми	муаллифи	котиби	жойи	йили
Инвентар	китоб исми	муаллифи	котиби	жойи	йили
1	2	3	4	5	6
1725	رساله انسيه	مولانا يعقوب چرخي	احمد بن محمد	هلعنو	۸۴۶

نیچہ جلد	کیمدن الینگن	تیلی	بھاسی	ایضاح
نеча жылд	кимдан олингн	тили	бахоси	ИЗОХ
7	8	9	10	11
1	کامل صابندن	فارسی	۵۰۰	لولی - اخری یوق

Агар графалардаги саволларга тўлиқ жавоб бўлса, ҳар бир графага жавоблар ёзилади. Борди-ю баъзилари қўлёзмада йўқ бўлса ва аниклашнинг иложи бўлмаса, жавобсиз қолган графага бир чизиқча (-) чизиб қўйилади. Қуйидаги шаклда жавобларнинг тўлиқ ёки нотўлиқ шаклига мисол келтирилмоқда.

ануинтер	کتاب اسمي	مولفی	کاتبی	جانى	یلى
1222	رساله قدسیه	خواجه محمد پارسا	علي بن محمد کریم	بخارا	--
1	2	3	4	5	6

نیچہ جلد	کیمدن الینگن	تیلی	بھاسی	ایضاح
7	8	9	10	11
1	-	فارسی	-	-

Қуйидаги расмда ЎЗР ФА ШИ да сақланаётган 13-ашё дафтари-дан бир саҳифа нумуна сифатида берилмоқда: Қаранг:

\*\*\*

Тавсифчининг юқоридаги барча ишлари қўлёзмани *илмий тавсифлаш* дейилади. Қўлёзма ҳақидаги маълумотларни мукаммал йиғиш катта меҳнат, чуқур билим ва тажриба талаб этади. Бирорта қўлёзма асарга нотўғри ном бериб юбориш ёки муаллиф номини нотўғри ёзиш турли ноаникликларга ва чалкашликларга сабаб бўлади. Тавсифчи ўз маълумотларига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, энди мазкур қўлёзмани ашё дафтарига қайд этишга киришади.

Дунёдаги Шарқ қўлёзмалари фондларининг барчасида қўлёзмаларни қайд этиб қўядиган ашё дафтар (инвентарь дафтар)лари бўлади. Бу дафтар расмий *ҳужжат* ҳисобланади. Улар бегона одамлар қўлига берилмайди ва асраб-авайлаб сақланади. Уларга қалам теккизилмайди ва ўзгартиришлар киритилмайди. Ашё дафтаридаги битта китоб номининг устидан чизиб қўйиш шу китобнинг йўқ дейилишига сабаб бўлади. Ашё дафтарининг қандай бўлишлиги ҳақида ҳозиргача ягона қоида мавжуд эмас. Фонд ходимлари ўз фикр - мулоҳазаларидан ва тажрибаларидан келиб чиқиб, бунини ўзларича ҳал қилишлари мумкин. Чунончи, ЎзР ФА ШИдаги ашё дафтарларида қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

1. Ашё рақами
2. Китоб номи
3. Муаллиф номи
4. Котиби (кўчирувчиси)
5. Ёзилган ёки кўчирилган жойи
6. Ёзилган ёки кўчирилган йили
7. Неча жилдлиги
8. Кимдан сотиб олингани
9. Асарнинг тили
10. Сотиб олинган баҳоси
11. Қўшимча изоҳлар

Агар бу маълумотлар ашё дафтаридаги графалар бўйича жойлаштирилса, қуйидаги шаклни олади. Маълумотлар албатта араб ҳарфларида ёзилади:

انوینتر	کتاب اسمی	مؤلفی	کاتبی	جائی	یلى
Инвентар	китоб исми	муаллифи	котиби	жойи	йили
1	2	3	4	5	6
1725	رساله أنسیه	مولانا یعقوب چرخى	احمد بن محمد	هغتو	۸۴۶

نیچہ جلد	کیمدن الینگن	تیلی	بہاسی	ایضاح
неча жилд	кимдан олинган	тили	бахоси	изоҳ
7	8	9	10	11
1	کامل صابفدن	فارسی	۵۰۰	لولى - اخرى یوق

Агар графалардаги саволларга тўлиқ жавоб бўлса, ҳар бир графага жавоблар ёзилади. Борди-ю баъзилари қўлёзмада йўқ бўлса ва аниқлашнинг иложи бўлмаса, жавобсиз қолган графага бир чизиқча (-) чизиб қўйилади. Қуйидаги шаклда жавобларнинг тўлиқ ёки нотўлиқ шаклига мисол келтирилмоқда.

анوينتر	کتاب اسمي	مولف	کاتبی	جائی	یلى
1222	رساله قدسيه	خواجه محمد پارسا	علي بن محمد کريم	بخارا	--
1	2	3	4	5	6

نیچہ جلد	کیمدن الینگن	تیلی	بہاسی	ایضاح
7	8	9	10	11
1	-	فارسی	-	-

Қуйидаги расмда ЎЗР ФА ШИ да сақланаётган 13-ашё дафтари-дан бир саҳифа нумуна сифатида берилмоқда: Қаранг:

\*\*\*



**Таянч сўз ва иборалар:** илмий тавсифлаш, ашё дафтарига қайд этиш, ашё рақами, китоб номи, муаллиф номи, китоб, ёзилган жойи (йили), асарнинг тили.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Илмий тавсифлаш деганда нимани тушунасиш?
2. Тавсифда қандай хатоликлар бўлиши мумкин?
3. Ашё дафтарига қандай маълумотлар қайд этилади.
4. Ашё дафтарида китоб номининг устидан қизиқ қўйилиши нимани англатади.

## 6. ҚЎЛЁЗМАНИ КАРТОЧКАГА ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАШ

**Ўқув мақсади:**

- 1) қўлёзма китоб ашё дафтарига қайд этиб бўлингандан кейинги ишлар ҳақида маълумот бериш;
- 2) тавсиф карточкаси тузиш учун риоя қилиниши лозим бўлган тартиблар ҳақида маълумот бериш;
- 3) ашё дафтаридан фойдаланувчи ходимлар таркиби ҳақида маълумот бериш.

\*\*\*

Тавсифчи қўлёзмани ўрганиб, етарли маълумотларни тўплаб, ашё (инвентарь) дафтарига қайд этиб бўлгач, бу қўлёзма энди шу фонднинг ҳақиқий ашёсига айланади. Бирок, бу фонддаги китоблар сони кўпайиб боргани сари керакли китобни ашё дафтаридан топиш тобора оғирлашиб боради, чунки ашё дафтарида китоблар исмига кўра алифбо тартибда берилмайди. Фонддаги керакли китобни осонлик билан топиш учун энди алоҳида фихристхона (каталоглар хонаси) ташкил этиш ва бу хонада қўлёзмалар ҳақида қисқача маълумот берувчи картотека карточкалари (варақалари)ни тузиб, махсус яшикчаларга жойлаб қўйиш лозим бўлади.

Қўлёзмани ашё (инвентарь) дафтарига қайд этган тавсифчи, аynи пайтда, уни карточкага олишни ҳам ўз бўйнига олса, бу бирмунча енгиллик туғдириши мумкин. Чунки бу тавсифчи қўлёзма билан яхши таниш бўлади ва ўз маълумотларига тўлиқ ишонади. Бироқ кўп ҳолларда тавсифчи қўлёзмани ашё дафтарига қайд этади ва шу билан унинг иши тугайди. Худди шу қўлёзмани *бошқа бир тавсифчи* карточкага олишга тайёрлайди ва тавсиф карточкасини тузади. Тавсиф карточкасини тузиш учун у нималарга амал қилиши керак?

Бу тавсифчи ходим ҳам ўзи учун махсус ишчи дафтари тутати. Қўлёзмалар фондидан тавсиф қилиш зарур бўлган қўлёзмани ҳамда

шу қўлёзма қайд этилган ашё (инвентарь) дафтарини олади. Унинг биринчи қиладиган иши китоб исмини топишдир. Бунинг учун у ашё дафтарида қўлида турган қўлёзманинг ашё рақамини аниқлайди, рақам ёнида китобнинг исми ёзилган бўлади. Тавсифчи китоб исмини ишчи дафтарига шундоққина қўчириб олавермайди, балки қўлёзmani ўқиб, ундан китоб исмини топади. Китоб исми ашё дафтаридаги исмга мос келишини текширади. Китоб исми ашё дафтарида нотўғри ёки чала ёзилган бўлса, уни ўз дафтарига тўғрилаб ёзади.

Унинг қиладиган иккинчи иши асар муаллифининг номини топишдир. Ашё дафтаридаги муаллиф номини китобдаги муаллиф номига солиштириб, тўғри келиш - келмаслигини аниқлайди. Бу ердаги асосий қийинчиликлардан бири боши ва охири йўқ қўлёзма асарнинг муаллифини ва китоб номини аниқлашдир. Ашё дафтарига қайд этувчи ходим қўлидаги боши ва охири йўқ асарни яхши ўрганмай, тажрибали олимлардан сўрамай, бошқа асарларга солиштирмай, *шартли ном* билан атаб юборган бўлиши мумкин ёки тахминий муаллиф номини қўйиб юборган бўлиши мумкин. Карточкага олувчи ходим ҳам бу ҳақда бош қотирмай, ашё дафтаридаги маълумотларни карточкага шундоқ қўчириб қўя қолса, ҳақиқий маълумот қоронғилигича қолиб кетаверади.

Ашё дафтаридаги қўлёзма ҳақида келтирилган маълумотлар камроқ бўлади, карточкада эса кўпроқдир. Масалан, ашё дафтарида қўлёзманинг ўлчови, неча варақлиги, лавҳа ва расмлари, қайси ёзувдалиги, саҳифада неча йўл хат борлиги ва бошқа аломатлар келтирилмайди, карточкада эса булар ҳақида аниқ маълумотлар берилади. Демак, карточкага олиш учун қўлёзmani илмий жиҳатдан ўрганаётган тавсифчи олим ҳар бир қўлёзма устида узоқ бош қотириши ва мукамал маълумотни йиғиб, ўз ишчи дафтарига ёзиб, уни қайта-қайта текшириши ва карточкага олиш учун тайёр қилиши лозим.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** фихристхона, картотека, карточка, тавсиф карточкаси, тавсифчи, ишчи дафтар, шартли ном, қўлёзма ўлчови, варақлар сони, картотека карточкаси.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Зарур қўлёзма китобини нега ашё дафтари орқали излаб топиб қўя қолинмаслигини тушунтиринг.
2. Ашё дафтарига янги қайд этилган қўлёзmani карточкага олишни ким амалга оширади?
3. Янги қўлёзмага дастлабки ишлов беришда тавсифчининг иши қасрда тугайди?

## 7. ҚЎЛЁЗМАНИ КАРТОЧКАГА ОЛИШ

### Ўқув мақсади:

- 1) каталоглар хонаси фаолияти билан таништириш;
- 2) қўлёзмани карточкага олиш тартибини ўргатиш;
- 3) картотека варақлари маълумотлари рўйхатини ўзлаштириш;
- 4) китоб исми картотекаси ва муаллиф исми картотекаси ҳақида

тушунча ҳосил қилиш.

\*\*\*

Тавсифчи томонидан қўлёзма тўлиқ ўрганиб бўлигач, энди ундаги маълумотлар картотека карточкаси (варақаси)га ёзиб чиқилади ёки, бошқача айтганда, қўлёзма учун карточка тузилади. Баъзан бу амални қўлёзмани карточкага олиш ҳам дейилади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, «картотека» ва «карточка» сўзлари ўзбек тилига четдан кириб келган бўлиб, бу сўзлар шу кунда ҳам амалда кенг қўлланиб келади. Картотека дейилганда, одатда, «Маълум бир нарсага, соҳага оид маълумотлар ёзилган ва системага солинган карточкалар мажмуи»<sup>12</sup> тушунилади. Демак, карточкаларда бирор нарса ҳақидаги маълумот ўз аксини топади. «Карточка» сўзи ҳатто форс тилига ҳам «*корт*» шаклида кирган. Биз бу ишда «карточка» билан бир қаторда «варақа» сўзини ҳам ишлатиб бордик. Бирор кутубхона ёки қўлёзмаларнинг картотекалари қўйилган хона «каталоглар хонаси» дейилади. Сўнгги пайтда «фихристхона» дейиш оммалашиб бормоқда. Фихрист бу – каталогни билдиради ва кўпроқ *каталог китоблари*га нисбатан ишлатилади.

Карточка варақаларини тузувчилар ёки қўлёзмани унга қайд этувчилар арабча имло қоидаларини аъло даражада билишлари, бунинг устига яхшигина ҳаттот ҳам бўлишлари керак. Бирорта китобнинг исмини ёки муаллиф номи имло хатоси билан ёзиб қўйилса, ўқувчини турли қийинчиликларга дучор қилиши мумкин. Ҳаттотлик санъти билан ёзилмаган варақа (карточка)ни эса ўқиш қийин бўлади ва янги бошловчиларга ундан фойдаланишда мушкулотлар пайдо бўлади. Айниқса, араб алифбосида ёзилган хунук хатни ўқиш, аввало, оғирлик қилса, иккинчидан, киши табиатини хира қилади. Агар сиз ЎЗР ФА ШИ «Фихристхона»сига кириб, варақалар билан танишсангиз, чиройли хат билан ёзилган варақаларни кўриб, ҳавасингиз келиши турган гап.

Демак, тавсифчи фақат тилни мукаммал билиб, ҳар хил қўлёзмаларни бемалол ўқий олишидан ташқари, ҳуснихат соҳиби бўлиши,

<sup>12</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – М.: Русский язык, 1981. –С.370.

сиёҳи тоза, асосан, қора тушъ бўлиши, пероли ручка ўрнига, қамишдан ясалган ручка ишлатилиши мақсадга мувофиқдир. Қамиш ручка бўлмаган тақдирда перога ишлов бериб, арабча ҳарфларни чиройли ёзадиган даражага олиб келиш керак. Буни эса устозлардан сураб ва кўриб ўрганиш мумкин. ЎЗР ФА Ҳ.Сулаймонов номидаги кўлёмалар институтида юқорида айтилганларга кўпда амал қилинмагани, варақалар оддий шарикли ручкаларда ёзилгани сабабли ёзув аксар ҳолда хунук чиққан бўлиб, ўқишга ҳам қийинчилик туғдиради. Бундан ташқари, варақалардан нусха олиб кўпайтирувчилардан хусниҳатда ёзиш талаб қилинмагани, ҳар ким ўз билганича ёзавергани ҳам бунга сабаб бўлган. Кўлёмалар институти ЎЗР ФА ШИҒа қўшилгач, у институтдан келган тавсифчи ходимларга хаттотлик санъати билан шуғулланиш тавсия этилди ва улар тез орада бу санъатни эгаллаб, чиройли ёзадиган бўладилар.

<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кўлёманинг ашё рақами</li> <li>2. Китоб исми</li> <li>3. Муаллифи</li> <li>4. Ёзилган ери</li> <li>5. Ёзилган йили</li> <li>6. Кўчирувчиси</li> <li>7. Кўчириш йили.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>8. Ўлчови</li> <li>9. Неча Ҳаракатлиги</li> <li>10. Лавҳа ёки расм борлиги</li> <li>11. Сатрлар сони (неча йўллиги)</li> <li>12. Қайси ёзувда эканлиги</li> <li>13. Тили</li> <li>14. Бошқа аломатлари</li> </ol>
---	--

کتاب اسمی \_\_\_\_\_ رساله انسیه \_\_\_\_\_  
 یازوچیسی \_\_\_\_\_ مولانا یعقوب چرخى \_\_\_\_\_  
 یازیلغان بیرى \_\_\_\_\_ هفتو \_\_\_\_\_ یازیلغان یلی \_\_\_\_\_  
 ۸۴۶ \_\_\_\_\_  
 کوچروچیسی \_\_\_\_\_ احمد ابن مهمد \_\_\_\_\_ کوچریش \_\_\_\_\_ یلی \_\_\_\_\_  
 اولچاوى \_\_\_\_\_ 15 x 25 \_\_\_\_\_ ورق \_\_\_\_\_ 25 \_\_\_\_\_  
 لوهه رسم \_\_\_\_\_ لوهه لی \_\_\_\_\_ یول \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_  
 قایسی \_\_\_\_\_ یازو \_\_\_\_\_ نستعلیق \_\_\_\_\_ تیلی \_\_\_\_\_  
 فارسی \_\_\_\_\_



باشقه علامتلىرى \_\_\_\_\_ آخرى يوق \_\_\_\_\_

Агар варақа муаллифга тузилган бўлса, варақанинг аввалида «муаллифи» сўзи туради. Намуна:

_____ مولانا بدرالدين اسحاق _____	مؤلفى	№ P
_____ اسرار الاوليا _____	کتاب اسمى	76731/1
_____ يازيلغان يىلى _____	يازيلغان يىرى	
_____ 1099 _____	کوچروچىسى	
_____ 14x22,5 _____	ورق	
_____ 8 _____	اولچاوى	
_____ يول _____	لوھه رسم	
_____ فارسى _____	قايسى يازو	
_____ تىلى _____	نستعلیق	
_____ باشقه علامتلىرى _____		

Қолган маълумотлар ўзгармайди, ўз ҳолича қолади.

Варақа тузувчилар варақага маълумотларни қайд этаётганларида, асосан, араб алифбосида ўзбекча жавоб ёзсалар-да, баъзан айрим маълумотларни кирилл ҳарфида ҳам ёзиб юборадилар. Масалан, ўлчовини, неча йўллигини, неча варақ эканини ёки муаллифининг тузилган йилини ва ҳоказо. Бизнингча, варақадаги саволлар араб алифбосида бўлгани учун жавобларнинг ҳаммаси ҳам араб алифбосида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Варақадаги саволларга жавоблар тўлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, асарнинг ёзилган ери ёки йили номаълум бўлса, савол очик қолади. Кўчириш йили ёки кўчирувчининг номи номаълум бўлганда ҳам шундай ҳолни кўрамиз. Варақа *китоб исмига* қуйидагича бўлиши мумкин:

_____ رساله قدسيه _____	کتاب اسمى	№ P
_____ خواجه مهدي پارسا _____	يازوچىسى	1212
_____ يازيلغان يىلى _____	بخارا	
_____ 15 _____	کوچروچىسى	
_____ 28 _____	اهمدي ابن مهدي	
_____ 23x28 _____	ورق	
_____ 15 _____	اولچاوى	
_____ يول _____	لوھه رسم	
_____ فارسى _____	قايسى يازو	
_____ تىلى _____	نستعلیق	
_____ باشقه علامتلىرى _____		

Варақада асарнинг қўлёзма эканини билдириш учун унинг ўнг томонига «Р» ҳарфи ёзиб қўйилади. «Р» ҳарфи русча «рукопись» (қўлёзма) сўзининг бош ҳарфи бўлиб, собиқ Иттифок даврида ҳаммага тушунарли бўлиши учун қабул қилинган. ЎзР ФА ШИнинг «Фихристхона»сидаги барча варақаларга шу ҳарф ёзиб қўйилган. Ўзбек тилининг давлат тили мақомидан келиб чиқиб, ҳозирги пайтда

\*\*\*

3. Картотекага киритиладиган маълумотлар рўхатини тартиби билан ёддан айтиб беринг.

2) кўп асарли қўлёзма китобларни варақага олишнинг ўзига хосликлари ҳақида билим бериш.

\*\*\*

Қуйида дробли варақалардан намуна келтирамиз:

مؤلفى \_\_\_\_\_ مولانا بدرالدين اسحاق \_\_\_\_\_  
 كتاب اسمى \_\_\_\_\_ اسرار الاوليا \_\_\_\_\_  
 يازيلغان يېرى \_\_\_\_\_ يازيلغان يلى \_\_\_\_\_  
 كۈچرۈچىسى \_\_\_\_\_ كرىمداد قارى لاهورى كۈچرىش \_\_\_\_\_  
 يلى 1099 \_\_\_\_\_  
 اولچاۋى 14x22,5 \_\_\_\_\_ ورق 87 \_\_\_\_\_  
 نۆۋە رسم يول 17 \_\_\_\_\_

Агар қўлёзмада 30 ёки ундан ортик рисолалар бўлса худди шу тартибда рақамлаб кетилаверади ва натижада битта қўлёзма жилд учун 30 та ёки ундан ортик дробли варақалар ҳосил бўлади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** қўлёзма жилд, рисола, рақамлаш, дробли рақам, рим рақами.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Қўлёзма ичида бир қанча рисолалар бўлса, уларни варақага олиш тартиби қандай бўлади?
2. Р №178/І нимани англатади?
3. 232/ІІ «Ғазалиёти Хусрав Дехлавий» қўлёзмада нечанчи варақдан бошланган бўлиши мумкин.

## 9.ВАРАҚАЛАРНИ МАВЗУЛАРГА АЖРАТИШ

**Ўқув мақсади:**

- 1) картотекаларнинг турлари ҳақида тасаввур бериш;
- 2) варақадан олинган нусхаларнинг матншуносликдаги ўрни ҳақида маълумот бериш.

\*\*\*

Тавсифчи ходим қўлёзмани варақага (карточка)га олиб бўлгач, энди шу варақадан нусха кўчиришга бошлайди. Биз юқорида китоб исми ва муаллифга тузилган варақа ҳақида гапириб, варақа намуналарини келтирган эдик. Тавсифчи олдида энди варақадан фан, тил ва рақамли варақалар учун нусха тайёрлаш вазифаси туради. Нусхалашда варақалардаги маълумотлар ўзгармайди, муаллиф ёки китоб исмига ёзилган варақалардан нусха олишда фойдаланилаверади. Нусхаланган варақалар, аввало, мазмунига қараб фанларга бўлинади. Масалан, тарих, табобат, тафсир, Қуръон, кимё, математика, зироатчилик, ҳайвотот ва ҳоказоларга бағишланган варақалар ўз фани ва мавзуси бўйича ажратилади ва алоҳида яшиқларга китоб исми бўйича жойлаштирилади. Фанларга ажратишда тавсифчи-варақашунос чуқур билимга эга бўлиши, китобнинг номига қараб, қайси фанга оидлигини адашмай аниқлай олиши зарур. Китоб номидан аниқлай олмаса, унда фонддан китобни олиб, ўқиб кўриши ва қатъий хулосага келиши зарур.

Варақаларни тилга ажратиш фанга ажратишга нисбатан осонроқ. Тавсифчи-варақашунос араб, форс, ўзбек, турк, қозок, татар, озарбайжон тилларидаги асарлар варақасини тилга қараб ажратади ва махсус яшиқларга жойлайди.

Рақамли варақа деганимизда, ҳар бир қўлёзма асарнинг варақасини тартиб рақами бўйича жойлаштириш тушунилади. Бундан қўзланган мақсад бирорта қўлёзма жилдда, масалан, 20та асар бўлса, бу асарларнинг ҳаммаси дроб остида бир ерга жамланган бўлади ва улардан фойдаланиш ғоятда осонлашади. Китоб исмига ёзилган варақаларда эса бу 20 та асар алифбо тартиби бўйича ҳар хил яшиқларга бўлиниб ва тарқалиб кетган бўлади.

Варақадан фан, тил ва рақамга нусха олишни қўлёзмани биринчи тавсиф қилиб, уни китоб ёки муаллиф исми билан варақага олган ходимнинг ўзи амалга ошириши мумкин. Бундай қилиш ишнинг ишончли тарзда ниҳоясига етказилишини таъминлайди. Аммо бу ишни бошқа ходимга топширилиши мумкин. Масалан, араб ёки форс тилини билмайдиган, бироқ хати чиройли ходим варақадан хаттотлик услуги бўйича нусха олавериши мумкин. Араб ва форс тилларини биладиган малакали ходим эса қўлёзмани ўрганиб, тавсиф қилиб, муаллиф ёки китоб исми бўйича варақа тузиш билан шуғулланаверади. Бу усул фондда олиб борилаётган ишларни унумли ташкил қилиш учун жуда муҳим.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** Карточка нусхалари, китоб исми варақаси, муаллиф варақаси, фан варақаси, тил бўйича варақа; рақамли варақа.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Тавсиф карточкасида биринчи бўлиб қайси маълумот туради?
2. Тавсиф карточкаси нусхалари нима учун керак?
3. Карточкадан қайси кўрсаткичлар бўйича нусха олинади?
4. Рақамли варақа ҳақида маълумот беринг.

## **10. ТОШБОСМА (ЛИТОГРАФИК) ВА БОСМА АСАРЛАРНИ ТАВСИФЛАШ**

**Ўқув мақсади:**

- 1) фонддаги тавсифлаш ишлари миқёси билан таништириш;
- 2) фонддаги тошбосма ва босма асарларни тавсифлашнинг хусусиятлари;



3) тошбосма асарлар ҳақида ашё дафтарига қайд этилиши лозим бўлган маълумотлар билан таништириш.

\*\*\*

Тошбосма ва босма асарларга дастлабки ишлов бериш ҳамда уларни ашё дафтарига қайд этиш. Одатда қўлёзмалар фондида битта эмас, бир неча ходимлар қўлёзмаларни тавсифлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш билан машғул бўладилар. ЎЗР ФА ШИда «Шарқ қўлёзмалари фонди» бўлими қошида бу соҳада махсус шўъба иш олиб боради ва бу шўъбада 6 – 7 киши фаолият кўрсатади. Улардан бир нечаси қўлёзмаларга дастлабки ишлов бериш, ашё (инвентарь) дафтарига қайд этиш, қўлёзмани варақа (карточка) учун тавсифлаш, карточкага олиш ҳамда варақаларни фан, тил, китоб номи, муаллиф исми, рақамли варақа учун нусхалаш билан шуғулланади. Бир қисми эса тошбосма ёки босма асарларни худди юқоридаги тартибда тавсифлаш билан машғул бўладилар.

Тавсифчи тошбосма ёки босма асарни ўрганиб чиқиб, тавсифини дафтарига кўчиради. Тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, босма асарларнинг ашё (инвентарь) дафтарига қайд эта бошлайди. Бунинг учун аввало босма асарга ашё рақами (номери)ни беради, сўнг қайд этишга киришади. Тошбосма ва босма асарларнинг ашё дафтарида қуйидаги маълумотлар берилиши керак:

- |               |                   |
|---------------|-------------------|
| 1. Китоб исми | 7. Неча жилд      |
| 2. Ашё рақами | 8. Кимдан олинган |
| 3. Муаллифи   | 9. Тили           |
| 4. Ношири     | 10. Баҳоси        |
| 5. Шаҳри      | 11. Изоҳ.         |
| 6 Йили        |                   |

Агар буларни ашё дафтари тартибида ёзадиган бўлсак, қуйидаги шакл ҳосил бўлади:

نمبر	کتاب اسمی	مؤلفی	نائری	شهری	یلی
1	2	3	4	5	6
جلدی	تیلی	کیمدن الینگن	صوم	ایضاح	
7	8	9	10	11	

Ўз ФА ШИ қўлёзмалар фондидаги 14-рақамли тошбосма ва босма китоблар учун тузилган ашё (инв.) дафтарида намуна:

Босма китобларнинг ашё дафтаридаги талаблар қўлёзма китобларнинг ашё дафтаридаги талаблар каби бўлиб, тошбосма ва босма асарларнинг ашё дафтарида фақат «ношири» деган сўз янги холос, қолганлари эса ўхшашдир.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** варақадан нусха олиш, тошбосма, литография, босма асарлар, ношир, босмахона.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Фондда тавсиф билан шуғулланувчи ходимлар жамоаси ўртасидаги меҳнат тақсимоти ҳақида маълумот беринг;
2. Тошбосма нусхалар ҳақида ашё дафтарида қандай маълумот бўлади ва қандай маълумот бўлмайди?

## 11. ТОШБОСМА АСАРЛАРНИ ВАРАҚАГА ОЛИШ

**Ўқув мақсади:**

- 1) тошбосма нашрларни варақага олиш технологияси бўйича кўникма ҳосил қилиш;
- 2) варақада бериладиган тошбосма китоб ҳақидаги маълумот моддаларини ўзлаштириш.

\*\*\*

Тошбосма ва босма асарларни варақага олиш ҳам қўлёзмаларни варақага олиш кабидир. Фақат босма асарларни варақага олишда тўлдирилиши талаб килинган графалар камрок бўлади ва варақанинг ўнг томонида «Л», яъни «литографик асар» деган белги бўлади. Чунончи, бу варақада қуйидагиларни ўқиймиз:

1. Ашё рақами
2. Китоб исми
3. Шаҳри
4. Йили
5. Ношири
6. Тили
7. Муаллифи
8. Саҳифаси
9. Жилди
10. Ўлчови

Тошбосма ва босма асарлар варақасида қўлёзмадаги каби кўчирилган йили, кўчирилган жойи ва котиби бўлмайди. Варақа китоб исмига тузилса варақада «китоб исми» жумласи биринчи ўринда, муаллифга тузилса «муаллифи» сўзи биринчи ўринда туради. Китоб исмига тузилган варақа ҳамда унинг тўлдирилишига намуна:

کتاب اسمی	سراج القلوب	№ Л
شهری	تهران	3022
ییلی	1882	
ناشری	محمد عبدالله	
تیلی	فارسی	
مؤلفی	کوچریش یلی	
جلدی	اولچاوی	
	21 x 17	

Муаллифга тузилган варақа ҳамда унинг тўлдирилишига намуна:

مؤلفی	بخارزاده	№ Л
کتاب اسمی	کتاب بخارزاده	3896
شهری	قران	
ییلی	1903	
ناشری	کریمغлар	
تیلی	تатарچه گه ترجمه مع عربی	
	صحیفه	
	40	
جلدی	اولچاوی	
	15x22	

Тошбосма ва босма асарлар варақаси ҳам худди қўлёзма асарларнинг варақаси каби фан, тил ва рақамларга ажратилади ва махсус яшиқчаларга алифбо тартиби билан жойлаштирилади.

Тошбосма ёки босма жилдда бир неча асарлар мавжуд бўлса, худди қўлёзма жилдларга ўхшаб дроб билан ифодаланади. Масалан: №Л 15855 / I; № Л 15855/II; № Л 15855/III ва ҳоказо. Ҳар бир дробли асарга алоҳида варақа тўлдирилади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** литографик нашр, графа, варақа, белги, ношир, босма асар, қўлёзма жилди, дроб.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Варақада қўлёзма эмас, литографик нашр эканини аломатини каердан билса бўлади?

2. Берилган литографик нашрлардан китоб исми, муаллифи, тили варақасини тўлдилинг.



## ИККИНЧИ БОБ

### ТЎЛИҚ ЁКИ ҚИСҚАЧА ТАВСИФЛИ ФИХРИСТ КИТОБЛАРИНИ ТУЗИШ

#### 1. ФИХРИСТ КИТОБЛАРИ ТУЗИШ ТАРИХИДАН

##### Ўқув мақсади:

- 1) фихрист китоблари тузиш принциплари билан таништириш;
- 2) тавсифнинг тўлиқ чиқишига таъсир қилувчи омиллар ҳақида тасаввур бериш;
- 3) «Собрание восточных рукописей» I томи нашри методологияси билан таништириш.

\*\*\*

Шарқ қўлёзмаларини тўлиқ ёки қисқача тавсиф қилишнинг мукамал ва барқарор қонун-қоидалари мавжуд эмас. Ғарбдаги ва ўзимиздаги баъзи шарқшунос олимларнинг бу соҳадаги айрим рисоалари ва мақоалари эълон қилинган бўлса-да, бироқ кейинги нaitларда тавсифнинг ҳар хил турлари ишлатилган фихрист китоблари юзага келмоқда. Ўз ФА ШИ нинг тавсиф билан шуғулланувчи олимлари бу борада ўзаро маслаҳатлар ва тажрибаларга суяниб, маълум тартиб ва муваффақиятларга эришдилар. Албатта бу борада Овруподаги шарқшунос олимлар томонидан тузилган тавсифлар ва фихристлар қўлланма ролини ўйнагани турган гап. Бироқ буларнинг барчасига қарамай, бу соҳада ўзгармас қилиб тузилган ягона қолип мавжуд эмас. Баъзи қўлёзмаларнинг тавсифи ўта тўлиқ ва узун, баъзилариники нисбатан қисқа бўлиши мумкин. Тавсифнинг қандай чиқишида тавсифчининг билими, тажрибаси, тилни мукамал билиши, ўз ишига ҳалол ва виждонан ёндашуви алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда шарқ қўлёзмаларининг тўлиқ тавсифларини ўз ичига олган биринчи фихрист ЎзР ФАнинг «ФАН» нашриёти томонидан 1952 йилда «Собрание восточных рукописей Академии наук УзССР» («ЎзССР Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари тўплами») номи билан нашр қилинган. Фихрист ўша пайтдаги Ўз ФАнинг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор А.А. Семенов таҳрири ва иштирокида тузилган эди.

А.А. Семёновнинг ёзишича, И.Одилов, А.А. Молчанов, Б.С.Сергеева ва А.Э.Шмидтдан иборат гуруҳ қўлёзмаларнинг қисқача тавсифини биринчи бўлиб амалга оширишга киришганлар. Тавсиф куйидаги усулда олиб борилган:

1. Асарнинг номи
2. Муаллиф номи
3. Қисқача таъриф (аннотация)
4. Асарнинг ёзилган йили
5. Китобнинг номи
6. Кўчириш йили

7. Асарнинг дунёдаги кутубхона ёки фондларда мавжуд – мавжуд эмаслиги.

8. Асарнинг ёзилган ёки кўчирилган йилини аниқлаш имкони бўлмаса, бу ҳақида маълумот бериш.

9. Асарнинг мазмуни унинг сарлавҳасидан англашилиб турганда ёки мазмуни унчалик аҳамиятга молик бўлмаганда аннотация бермаслик<sup>13</sup>.

Семёновнинг таъкидлашича, кўлёмаларни тавсифлашдаги биринчи гуруҳнинг издошлари ҳамда кейинчалик «Ўз ССР ФА кўлёмаларни ўрганиш институти»нинг (1950 йилда ташкил топган) илмий ходимлари кўлёмаларни тавсифлашда юқорида кўрсатилган услуб бўйича ишлаганлар ва ундан кейин ҳам шу усулда ишлашни давом эттирганлар<sup>14</sup>. А.А.Семеновнинг давом этиб ёзишича, кўлёмалар фондини яхшилаб ўрганиш натижасида, тавсифлаш қолипини бир оз кенгайтириш эҳтиёжи пайдо бўлган. Бу кенгайтириш қуйидагилар ҳисобига бўлган:

1. Кўлёмза асарнинг мазмунини (аннотациясини) муфассалроқ ёритиш (айниқса ноёб кўлёмаларни);

2. Кўлёмаларга бериладиган расмий маълумотларни кенгайтириш (айниқса чиройли, бадий безатилган, машҳур муаллифларнинг асарларига миниатюралар ишланган кўлёмаларни)<sup>15</sup>.

А.А.Семеновнинг ёзишича, тавсифлар кўпайиб, фихристлар жилдларга айланиб бориши билан тажрибалар ҳам ошиб борган ва фихристлар маълум тартибга туша бошлаган. Тавсифчилар сони ҳам кўпайиб, бу ишга юқори малакали олимлар жалб қилинган. Ўз ССР Давлат Халқ кутубхонаси қошидаги шарқ кўлёмалари бўлими, кейинроқ эса Ўз ССР ФА Шарқ кўлёмаларини ўрганиш институтида қуйидаги олимлар тавсифлар тузиш билан шуғулланганлар: И.Одилов, И.Беляев, Е.К.Бетчер, В.Д.Жуков, А.Н.Кононов, Н.Э.Маклухо-Маклай, А.А.Молчанов, М.А.Салье, А.А.Семенов, Б.С.Сергеев, О.Д.Чехович, А.Э.Шмидт, Э.А.Шмидта. Санаб ўтилган олимлар форс, араб ва туркий тиллар бўйича йирик мутахассислар бўлган. Кейинчалик булар қаторига Д.Г.Вороновский ҳам қўшилади.

<sup>13</sup> СВР, т. I, –С.7.

<sup>14</sup> Ўша ерда.

<sup>15</sup> Ўша ерда.

Йиллар ўтиши ва 1950 йилда Ўз ФА Шарқшунослик институти-нинг ташкил топиши билан олимлар доираси кенгайиб бориб, эстафета бошқа ёш олимлар қўлига ўта бошлади. Тавсиф билан олимлардан И.Абдуллаев, А.Б.Вильданова, Г.А.Волошина, Л.М.Епифанова, Е.А.Полякова, З.Г.Ризаев, Х.Ҳикматуллаев, Қ.Муниров, У.Ҳамраев, Л.А.Азиззода, Ш.Зуннунов, Н.Маннонова, А.Л.Казибердов, А.П.Қаюмов, Д.Юсупова, Т.Неъматов, Б.А.Воҳובה, М.А.Акмалова, Х.Тлашевлар шуғулландилар. Тарих фанлари доктори А.Ўринбоевнинг тавсиф ишларида ва фихристларнинг босилиб чиқишида катта хизмати борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, олим кўп йиллар тавсиф бўлимини бошқарди, тавсифларни таҳрир қилди ва нашр этишда фаоллик кўрсатди.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** фихрист китоб, тўлиқ тавсиф, қисқача тавсиф, аннотация, миниатюра, ноёб қўлёзма.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Ўзбекистонда шарқ қўлёзмаларининг тўлиқ тавсифини ўз ичига олган биринчи фихрист китоби қандай пайдо бўлган?
2. «Собрание восточных рукописей» I томи тавсиф моддалари ҳақида маълумот беринг.
3. Ўз ФАШИ тавсифчи олимларидан кимларни биласиз? Уларнинг бир нечтаси ҳақида маълумот тайёрланг.

## 2. ТАВСИФДА АҲАМИЯТ БЕРИШ ЗАРУР БЎЛГАН НУҚТАЛАР

**Ўқув мақсади:**

- 1) тавсифлаш жараёнининг умумий ва хусусий принциплари билан таништириш;
- 2) фихрист китобларда қўлёзмалар тавсифи унсурлари бўйича бериладиган маълумот турларини ўзлаштириш.

\*\*\*

Олимларнинг меҳнати ва тажрибалари орқали қўлёзмаларни тавсифлашнинг мустаҳкам тартиби юзага келди ва шу тартиб асосида ҳозирги кунда ҳам қўлёзмалар тавсифи амалга оширилмоқда.

Агар бу тартиб-қоида ни рақамлар тартиби билан кўрсатадиган бўлсак, тавсифлашда қуйидаги нарсаларга аҳамият бериш лозим бўлади:

1. Кўлёманинг ашё (инвентарь) рақами. Рақам тавсифнинг энг юқорисида, тавсифнинг ўнг томонида туради.

2. Асарнинг номи. Асарнинг номи араб ҳарфи билан ёзилади, остига эса таржимаси келтирилади.

3. Асарнинг ёзилган йили. Асарнинг ёзилган йили хижрий ва милодий ҳисоб билан кўрсатилади. Ёзилган йили номаълум бўлса, ёзилган асрини кўрсатиш мумкин.

4. Муаллифи. Муаллиф номи ҳам араб ҳарфлари билан ёзилади, сўнг кирилл ҳарфи билан транскрипцияси берилади. СВРнинг сўнгги XI жилдида фақат кириллда бериш қабул қилинган. Шу ерда яна муаллифнинг туғилган ва ўлган йиллари (агар маълум бўлса) келтирилади, маълум бўлмаса, ҳеч бўлмаса, яшаган асри кўрсатиб ўтилади. Муаллиф ҳақида чет эл фихристларида маълумот бўлса, ўша фихристга ишора қилинади.

5. Асарнинг қискача мазмуни. Бу ерда асарнинг қайси фанга бағишлангани, неча боб ва фаслдан иборатлиги, бобларнинг умумий мазмуни, муқаддима ва бобларнинг эгаллаган саҳифалари баён қилинади. Асарнинг басмаладан сўнг бошланиши араб ҳарфида келтирилади, бу ерда яна унинг тугашини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

6. Кўлёма ҳақидаги умумий маълумотлар. Бу ерда кўлёмда хат тури, қогози, сиёҳ ранглари, унвон, миниатюра, шакллар, муҳр, пойгир, ҳошияда ёзувлар борлиги, матннинг рамкага олингани, кўлёманинг камчиликлари, масалан, варақлар етишмаслиги ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

7. Асарнинг кўчирувчиси (котиби). Кўчирувчининг номи аввало араб ҳарфида, сўнг кириллда берилади. Кўчирувчиси номаълум бўлса, номаълумлиги ёзиб қўйилади.

8. Кўчириш йили. Асарнинг кўчириш йили хижрий ва милодий йил билан кўрсатилади. Номаълум бўлса, номаълумлиги қайд этилади. Агар палеографик маълумотларга асосланиб асрини аниқлаш мумкин бўлса, тахминий асри кўрсатиб ўтилади.

9. Неча варақдан иборатлиги кўрсатилади.

10. Ўлчови берилади.

11. Мазкур асар қайд этилган фихристлар, асарнинг нашри ҳақидаги маълумотлар имкони борича тўлиқ ёритилади.

Кўлёмаларнинг тавсифда қуйидаги кискартма белгилар ишлатилади:



1. Киши исмлари орасига «б» ҳарфи қўйилса, у «бин», яъни ўғли деган сўзни билдиради.

2. Йилларда эса биринчи йил ҳижрийни, иккинчиси, яъни дроб орқасидагиси милодий йилни билдиради.

3. Ўлчовда эса ўртасига қўнайтириш белгиси қўйилган сонлар китобнинг эни ва бўйини ифодалайди.

4. Сарлавҳадан чап томондаги рақам тавсифнинг тартиб номерини билдиради.

5. Сарлавҳанинг ўнг томонидаги рақам қўлёманинг ашё (инвентарь) рақамини билдиради.

6. Тавсифнинг бошланишида асарнинг қайси тилда эканини кўрсатиш учун «а» ва «у» ҳарфлари ишлатилади: «а» – арабча, «у» – ўзбекча дегани. Ҳарфлар қўйилмаса, асарнинг форсча (тожикча) эканини билдиради. Икки ҳарф бирданига қўйилса, асарнинг икки тилда эканини кўрсатади. Масалан, «а-т» ҳарфлари қўйилса, асарнинг арабча ва тожикча эканини кўрсатади.

Чет элларда чиққан фихристларга ишора килинганда, шу фихристларни англатувчи қисқартмалар қўлланилади. Масалан: Беляев деб қўйилса, В.И.Беляевнинг: «В.И.Беляев. Арабские рукописи Бухарской коллекции Азиатского Музея Института Востоковедения Академии наук СССР, Ленинград, 1932» асари назарда тутилади.

Агар Каль деб қўйилган бўлса, «Персидские, арабские и тюркские рукописи Туркестанской Публичной библиотеки. Составитель Е.Каль. Ташкент, 1889» асари назарда тутилади.

Инглизча, немисча, русча фихристлар кўп бўлиб, уларнинг бу ерда ҳаммасини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ эмас. Улар билан танишиш эҳтиёжи туғилса, СВР I- жилдининг 9 – 12 бетларидан топиш мумкин.

Биз юқорида баён қилиб ўтганларимиз битта қўлёзма асарнинг тўлиқ тавсифини амалга оширишга қаратилган. Ҳар хил қўлёзма асарларга битта қолипдаги тавсифни тавсия этиб бўлмайди. Қўлёзмага қараб, тавсиф кенгрок ёки жуда қисқа бўлиши ҳам мумкин. Ўқувчиларга аниқрок бўлсин учун СВРдан баъзи қўлёмаларга ёзилган тавсифнинг расмлари билан танишамиз.

3548

ТОЖЕ

841

Второй том. Обрывается на начале главы, описывающей события 1010/1802 г.

Переписан беглым насталиком на индийской плотной бумаге кремового цвета. На полях — немногочисленные исправления текста. Список, видимо, XIX в. Деф.: в конце не хватает нескольких листов. 369 лл. 21,5×29,5.

3549

ТОЖЕ

1490

Первая часть первого тома и начало (с л. 307а) второй части (всего 17 глав).

Переписан скорописным среднеазиатским насталиком на тонкой серой среднеазиатской бумаге. Список дефективный: судя по сохранившимся целым последним листам, многочисленные глоссы покрывали внешние поля, которые позже при реставрации были срезаны и подклеены полосками иной бумаги, отчего местами пострадал и сам текст. Кроме того, не хватает 1 листа вначале и значительной доли (с конца 17-й главы) второй части. 360 лл. 12×22.

3550

ظفر نامه شاهجهانی

2098

#### КНИГА О ПОБЕДАХ ШАХ ДЖЕХАНА

Автор — **ابن طالب کلیم حدادانی** Абу Талиб Калим Хамадани (ум. в 1081/1651 г.). История царствования Великого могола Шах Джехана (1037/1628 — 1069/1659) в стихах. Первая часть труда посвящена событиям из жизни Шах Джехана еще наследника престола, а вторая излагает историю его правления со времени вступления на престол Индостана до переезда его в свою столицу Агру после покорения Декана.

Прекрасная рукопись: вначале уйви, исполненный золотом и красками; все страницы имеют золотой крап по слегка окрашенному темноватому фону; текст, переписанный насталиком по две колонки и по диагонали на полях, везде обрамлен золотыми и цветными линиями, заглавия писаны киноварью. Старый кожаный индийский переплет носит следы очень богатой отделки внутри и снаружи. Список, видимо, XVII в., быть может, приписанный автору. 170 лл. 17,5×29.

Р.с. II, 686; Beale - Keene, *As Orient. Bibliog. Dictionary*, London, 1894, 32.

50

### ОСТРОУМНЫЕ (РАССКАЗЫ ИЗ) ИЗВЕСТИЙ (О СОБЫТИЯХ)

Подробный рассказ об осаде Кандахара индийским принцем Дара Шекухом, сыном Великого могола Шах Джехана, в 1063/1653 г., составленный очевидцем и участником этого события, который, однако, не указывает своего имени. По мнению д-ра Рье, им был некий **راشد خان** Рашид-хан, называемый также Бади' аз-заман Махабатхани; он занимал при Великом моголе Аурангзебе (1069/1659—1119/1707) пост начальника Диван-и халиса.

Труд этот состоит из трех частей, именуемых: Начало (**آغاز**), где трактуется о событиях, предшествующих осаде Кандахара, и в частности, о восстании сыновей Аштарханида Надир Мухаммед-хана (1051/1642—1055/1645) против отца и его низложении с престола; Показ (**نمایش**), где дается подневный рассказ об осаде Кандахара Дара Шекухом, начиная от 10 джумади II 1063/10 мая 1653 г. до 15 зу-л-ка'да 1063/8 октября 1653 г. (л. 215—303б), и Окончание (**خاتمه**), где рассказывается о возвращении Дара Шекуха в Мултан (л. 303б—313а).

Рукопись написана индийским наставником, причем переписка, видимо, длилась значительное время и происходила в различной обстановке. Последние листы (особенно 313а) дописывались, вероятно, наспех, старческой рукой. Некоторые специально оставленные в тексте лакуны заполнены позже с растяжкой текста (л. 60 и др.), иногда на обороте уже использованных другим текстом листов. Переписчик не назван; рукопись, возможно, прижизненная автору (если не автограф). Дата—5 раби' I 1089/28 апреля 1678 г. 313 л. 14×22.

Рье, I, 264—265.

**Таянч сўз ва иборалар:** ашё раками, асар номи, асарнинг ёзилган йили, асар муаллифи, асарнинг қисқача мазмуни, ҳижрий, милодий.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Фихрист китобларда қўлёзма китоб тавсифи қандай тартибда берилади?

2. Тавсиф китобларида «қўлёзма ҳақида умумий маълумот» моддасида нималар берилади?

3. Қўлёзма китобнинг қўчириш йили номаълум бўлса, бу масала тавсифда қандай қўрсатилади.

### 3. КЎРСАТКИЧЛАР

#### Ўқув мақсади:

- 1) фихрист китоби кўрсаткичлари билан таништириш;
- 2) кўрсаткичлар тузиш принциплари ва уларнинг ўзгариб бориши ҳақида маълумот бериш;
- 3) кўрсаткичларда қўлланиладиган шартли белгилар юзасидан малака ҳосил қилиш.

\*\*\*

Одатда бирорта қўлёзмалар фонди ёки бой кутубхоналарда қўлёзмаларни тавсифлаш ишлари амалга оширилса, бу тавсифлар албатта китоб шаклида нашр этилиши кўзда тутилади ва бундай китоблар номи қандай бўлишидан қатъи назар фихрист (каталог) деб аталади. Биз бу қўлланмада СВР каталоги билан танишиб келмоқдамиз.

Фихрист китоби тузилгач, энди бу китобга кўрсаткичлар тузиш зарур бўлади. Кўрсаткичларнинг биринчиси асарнинг номларини кўрсатишга бағишланади ва у «Асар номларининг кўрсаткичи» деб аталади. Бунда ҳар бир асар араб алифбоси тартибида келтирилади. Аввало асар номи ёзилиб, ёнига қавс ичида асарнинг номи, ёзилган йили ёки асри кўрсатилади. Сўнгра шу асарнинг фихрист ичидаги тартиб рақами келтирилади. Масалан: СВРнинг IX жилдига назар солайлик:

6016	136/1723-172	ا	ابولفيضانامه
6485-6487, 6526	(XVII)	ا	احياء الطب سيحاتى
6485, 6526, 6527, 6554	(868/1463)	ب	بحر الخواص
6293	(XVIII)	ت	تاجالدواوين

Шундай тартиб охириги ҳарф, яъни «ё» (ى) гача давом этаверади. Сўнг муаллифлар, таржимонлар, котиб ва бошқаларнинг исмлар кўрсаткичи илова қилинади. Булар ҳам араб ҳарфида араб алифбоси тартибида келтирилади. СВРда бу кўрсаткич учун маълум қисқартмалар қабул қилинган. Масалан, исм аввалига кириллда А ҳарфи қўйилса автор (муаллиф)ни, Прв - переводчик (таржимон)ни, П - переписчик (котиб)ни, К - комментатор (шарҳ қилувчи)ни, С - составитель (тузувчи)ни, А/П - автограф (дастхат)ни, Прпл. - переплетчик (муқовасоз)ни билдиради. Қавсдаги рақамлар ёнида О бўлса, (О. - около (атрофида), яъни қайсидир йилнинг атрофида яшаганини, агар рақам плус (қўшув) белгиси билан бўлса вафоти йилини бил-



диради. Бундан бошқа рақамлар асарнинг ёзилган йили, таржима ёки кўчирилган йилини англатади. СВРнинг IX жилди бўйича бир неча мисоллар келтирамиз:

6419	ابراهيم	П
6539	ابن عيسى	А
	احمد ابن امير نصير ابن يوسف	А/П
	الحنفى الصديقى البخارى	
6021, 6089, 6414, 6415... (1314/1897)		
6151	الغ خواجه	Прпл
6539	حكمتى	С

Бу ерда исм аввалида *мулло*, *мавлано*, *амир*, *хожа ҳаким*, *қори* каби сўзлар келса, бу сўзларга эътибор берилмайди, асл исми билан кўрсаткичга киритилади ва бу сўзлар лақаб эканини англатувчи \* юлдузча белгиси шу сўздан кейин қўйилган бўлади. Масалан:

ملا \* نارققل بيك  
حكيم \* مير عالم

Биринчи мисолда исм *мулла* билан бошланса-да, кўрсаткичда «Н» ҳарфига киритилган ва бошида *мулла* ёзилиб, ёнига лақабни англатувчи битта \* юлдузча белгиси қўйилган. Иккинчи мисолда эса «М» ҳарфига киритилган ва лақабни англатувчи *Ҳаким* сўзи ёнига \* юлдузча қўйилган ва ҳоказо давом этади.

Киши исмлари кўрсаткичи араб ҳарфидан сўнг кириллда ҳам берилади ва юқоридаги қисқартма сўзлар бу ерда ҳам келтирилади. Масалан:

П Мулла\* Абд аз-Захир Ходжа Сайид Бурхон 6745

С Мулла\* Абдалвахид судур (XIX), 6754

ва ҳоказо. Бу ердаги қисқартиришлар рус тилида бўлиб, ўзбекча тузилган фихристларда уларни ўзбекча муқобиллари билан алмаштириш мумкин.

Фихристга (каталогга) географик номлар кўрсаткичини ҳам илова қилиш мумкин. Бунда фақат кириллда алифбо тартибида номлар келтирилади ва ўнг ёнига фихристдаги шу ном учрайдиган тавсифларнинг тартиб рақами келтирилади. Масалан:

Агра 7023, 7551  
Баалбек 7075  
Ғазни 7332 ва ҳоказо.

Фихристда асарларнинг хронологик тартибдаги кўрсаткичини, кўлёмаларнинг хронологик тартибдаги кўрсаткичини, бошқа кўлёмаларга нисбатан айрим хусусиятларга эга бўлган кўлёмалар рақамларини алоҳида илова қилиш мумкин.

Фихристан фойдаланишни осонлаштирадиган нарсa кўлёманинг тартиб билан жойлаштирилган ашё рақамлари кўрсаткичидир. Ҳар бир кўлёмa рақами қаршисига шу кўлёманинг фихристдаги тавсиф рақами ёзиб қўйилган. Ўқувчи бирорта кўлёмa тавсифи билан танишмоқчи бўлса, кўрсаткични очиб, кўлёмa рақамини топади ва тавсиф рақамини билиб олиб, фихристдаги ўша кўлёмa тавсифи билан осонгина таниша олади.

Масалан:

Инв. №	Тавсиф №	Инв.№	Тавсиф №
19	6997	576 / XIII	7397

Шундай қилиб, биз кўрсаткичлар билан қисқача танишиб ўтдик.

«Шарқ кўлёмаларни тавсифлаш ва фихристлаш» махсус фан бўлиб, бу курсда Шарқ тилларини ўрганаётган талабларга кўлёмаларни ашё дафтарига қайд этиш ва карточкага олиш ёки ўз илмий ишларида кўлёмаларни қисқача ёки тўлиқ тавсифлашни ўрганиш мақсад қилиб қўйилган.

Кўлёмаларни тавсифлаб, фихрист китобларини бунёд қилишнинг ўзига хос меҳнати ва машаққати бўлиб, қисқа курсда ўқувчига буларни мукамал ўргатиб бўлмайди. Бу иш билан шуғулланишга қарор қилган киши мустақил ҳолда СВРни ҳамда бошқа каталогларни ўрганиши ва доимо устози ёнида бўлиши шарт. Шундагина у мукамал тавсифлаш малакасини ҳосил қила олади.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** кўрсаткичлар, кўлёмa фонди, кутубхона, тавсифлаш, алифбо тартиби, муаллиф, таржимон, котиб, қисқартма, белгилар.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Фихрист китоби кўрсаткичларида қандай белгилар қўлланилади?
2. Кўрсаткичларда исмлар тартибини беришда қандай муаммолар мавжуд?
3. «Собрание восточных рукописей» да кўрсаткичларнинг қандай турлари қандай кетма-кетликда берилган?

#### 4. ҚИСҚА ТАВСИФЛИ ФИҲРИСТ КИТОБЛАРИНИ ТУЗИШ

##### **Ўқув мақсади:**

- 1) қисқа тавсифли фиҳрист китобларини тузиш тартиби билан таништириш;
- 2) халқаро илмий ҳамкорлик натижасида юзага келган тавсиф китобларига обзор.

\*\*\*

Биз қўлёзма ва босма асарларга тузилган тавсифлар, уларни ашё дафтарига қайд этиш ва варақа (карточка)га олиш йўлларини кўриб чиқдик. Буларнинг ҳаммаси қўлёзма ва босма асарларни қисқача тавсифлаш ҳисобланади.

Қўлёзма ва босма асарларни қисқача ва тўлиқ тавсифлашнинг бошқача усуллари ҳам бўлиб, бунда тавсифлар маълум тартибда китоб шаклига келтирилади ва булар қўлёзма ва босма асарларнинг фиҳристи (каталоги) деб аталади. Тўлиқ тавсифга ЎЗР ФА ШИ томонидан нашр этилган 11 жилдли «ЎЗР ФА Шарқшунослик институти-нинг қўлёзмалар мажмуаси» («Собрание восточных рукописей АН УзССР») номли фиҳрист (каталог) китобларни кўрсатиш мумкин. 1999 йили аниқ фанлар бўйича ЎЗР ФА ШИ да нашр этилган икки жилдли фиҳрист ҳам бунга мисол бўла олади.

Қўлёзмаларнинг қисқача тавсифига А.Ўринбоев ва Л.М. Епифановалар томонидан нашр этилган Абдурахмон Жомий асарлари фиҳристи, Қ.Муниров нашрга тайёрлаган Алишер Навоий қўлёзмалари фиҳристи, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимларининг Эрон олимлари билан ўзаро ҳамкорликда тайёрлаган фиҳристлари, Дубайда чиқарилган араб тилидаги қўлёзма асарлар фиҳристини мисол килиб кўрсатиш мумкин. Биз бу фиҳристларнинг айримлари билан танишиб ўтамиз.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** қисқача тавсиф, тавсиф варакаси, тўлиқ тавсиф, босма асарлар тавсифи.

##### **Савол ва топшириқлар:**

1. Алоҳида муаллиф асарлари фиҳристларидан бирортаси бўйича маълумотнома тайёрланг.
2. Халқаро илмий ҳамкорлик бўйича юзага келган фиҳристлар ҳақида маълумот беринг.

## 5. НАВОИЙ АСАРЛАРИ ФИҲРИСТИ

### Ўқув мақсади:

1) Навоий асарлари фихрист китобининг хусусиятлари ҳақида таништириш;

2) бир муаллиф қўлёзмаларининг фихрист китоблари «варақа тавсифлари»га жуда ўхшаш эканлигига ишонч ҳосил қилиш;

3) бир муаллиф асарлари фихристида маълумотларни кетма-кетлиги ва тавсиф моддаларининг миқёси ҳақида маълумот бериш.

\*\*\*

Қўлёзмаларнинг қисқача тавсифини ўз ичига олган фихрист китобларига назар солсак, ундаги тавсифлар қўлёзмалар учун тузилган варақа (карточка) тавсифларига жуда ўхшаб кетишини кўрамиз. Қисқача тавсифлар кўпинча якка муаллифларнинг асарлари тавсифини тузиш ва уларнинг фихристи (каталоги)ни бунёд қилишда ишлатилади. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти олимлари Қ. Муниров ва А. Носировлар томонидан Алишер Навоий асарларига тузилган фихрист китоби қисқача тавсифга мисол бўла олади<sup>16</sup>.

Муаллифлар мазкур ишда қуйидаги тартибга амал қилганлари ҳақида ёзадилар:

1. Асарнинг номи (араб алифбосида, тагида эса транскрипцияси)
2. Асарнинг қисқача мазмуни.
3. Ёзилган йили
4. Асарнинг ашё (инвентарь) рақами
5. Ҳажми
6. Котиби.
7. Қўчирилган йили
8. Шаҳри
9. Бадий безаклар
10. Нуқсони
11. СВРдаги тавсиф рақами ва жилди<sup>17</sup>.

Муаллифлар асар СВРда кўрсатилмаган бўлса, унинг қўчирилган шаҳри, ўлкасини хат услубига қараб белгилаб, қавс ичида кўрсатиб кетганлар. Асар қайси хаттотлик мактабига мансуб эканлигини машҳур хаттотлардан (масалан, А.Муродовдан) сўраб аниқлаганлар. Агар асарнинг қўчирилган шаҳри ва жойини аниқлашнинг иложи бўлмаса, масала очик қолдирилган.

<sup>16</sup> Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлар каталоги. – Т.: Фан, 1970.

<sup>17</sup> Ўша асар, 8-б.



Намуна тариқасида муаллифларнинг иккита асарга тузган тавсифларини айнан келтирамиз:

### نواذر النهایه

#### «Наводир ун-нихоя»

«Бу Навоийнинг «Бадойиъ ул-бидоя» девонидан сўнг тузилган иккинчи девонидир.

1. 1995, 204 в, 17х25

Котиб - Ҳиротнинг машҳур хаттоти سلطان علی مشهدي Султон Али Машҳадий.

Кўчирилган вақти – XV аср.

Кўчирилган жойи – Ҳирот.

Бу нусха, котибнинг асар охирида кўрсатишича, Султон Ҳусайн Бойқаро хазинаси учун кўчирилган бўлиб, асарнинг аввалги икки бетига ажойиб бадиий лавҳа ва бешта ерига миниатюра ишланган».

Агар асарнинг бошқа нусхалари кўп бўлса, тавсиф янада қисқа кўринишни олади. Масалан, юқоридаги асарнинг иккинчи нусхасининг тавсифини кўрайлик:

«2. II 675, 1496, 17х23

Котиб - Ҳиротнинг машҳур хаттоти عبدالجمال Абдулжамил  
Кўчирилган йили – 893/1487–1488.

Кўчирган жойи – Ҳирот.

Ёки Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» асари тавсифини кўрайлик:

### خزاین المعانی

#### «Хазойин ул-маоний»

Бу девонга Навоийнинг тўрт девони, яъни غرایب اصغر («Ғаройиб ус-сағар»), نواذر الشباب («Наводир уш-шабоб»), بدايعالوسط («Бадойиъ ул-васат») ва فوائد الکبر («Фавойид ул-кибар») номли девонларидаги шеърлари киритилган. Шунинг учун уни «Чор девон» («Тўрт девон») номи билан ҳам атаганлар.

1. 677, 2430, 27х38,5

Кўчирилган вақти – XV аср охири ёки XVI аср бошлари.

Кўчирилган жойи – Хуросон.

Асарнинг аввалига бадиий лавҳа ишланган.

Нуксон – кейинчалик ёзиб тўлдирилган варақлар ҳам учрайди.

СВР, II, 207 – 208, № 1251»

Унинг бошқа нусхалари бўлса, қискача тавсифи берилади.

Масалан:

2. 1280, 5306, 17х25

Кўчирилган вақти – XVI аср

Кўчирилган жойи – Хуросон

Нуксони – аввали ва охири етишмайди

СВР, II, 208, № 1251»<sup>18</sup>.

Агар котиби маълум бўлса, котибнинг номини арабчада ва транскрипцияда бериш қабул қилинган. Масалан: 9766 рақамли «Хазойин ул-маоний» куйидагича тавсиф қилинади:

3.9766, 547 в, 17х24

Котиби – رضاقلی ابن مصطفیٰ Ризоқули ибн Мустафоқули.

Кўчирилган йили – 1070/1659 - 1660.

Кўчирилган жойи – (Бухоро)<sup>19</sup>.

Қисқа тавсифли фихрист (каталог)нинг охирида ҳам кўрсаткичлар берилади. Кўрсаткичлар китоб исмига, котиб исмига, географик номлар исмига, ашё (инвентарь) рақамларига тузилиши мумкин.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** қискача тавсиф, тавсиф моддалари, бадий безаклар, «Собрание восточных рукописей».

**Савол ва топшириқлар:**

1. Якка муаллифларнинг асарлари тавсифини тузиш ва фихрист яратиш учун тавсифнинг қайси тури маъқул ҳисобланади?

2. Бир муаллиф асарлари фихристидаги тавсиф моддалари кетма-кетлигини тушунтириб беринг.

## **6. ЖОМИЙ АСАРЛАРИГА ТУЗИЛГАН ҚИСКА ТАВСИФЛАР ФИХРИСТИ**

**Ўқув мақсади:**

1) Жомий асарлари қўлёзмалари фихрист китобининг хусусиятлари билан таништириш;

2) бир муаллиф асарлари фихристида маълумотлар кетма-кетлиги ва тавсиф унсурларининг миқёси ҳақида малака ҳосил қилиш.

\*\*\*

<sup>18</sup> Ўша асар, 11-б.

<sup>19</sup> Ўша асар, 12-б.

Абдурахмон Жомийнинг ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланётган қўлёзма асарларига А.Ўринбоев ва Л.М.Епифанова томонидан тузилган фихрист (каталог) ҳам қисқача тавсифли фихристлар каторига киради. Бу фихристни тузувчи муаллифларнинг ёзишларича, улар бу қисқача тавсифни Шарқ текстологияси бўйича биринчи ва иккинчи Бутуниттифоқ (собик иттифоқ) сессияси томонидан таклиф этилган қисқача баён рўйхати тамойили асосида тайёрлаганлар ва қўлёзма ҳақида қуйидаги маълумотларни келтирганлар:

1. Қўлёзманинг ашё рақами
2. Ҳажми (варағи)
3. Ўлчови
4. Котиби.
5. Кўчириш йили (ёки асри)
6. Унвони
7. Миниатюралари
8. Ҳар бир асар тавсифи олдидан шу асар мазмуни ҳақида қисқача маълумот.
9. СВРга ишора<sup>20</sup>.

Муаллифлар фихристни тузишда, асосан, ЎзР ФА ШИда тузилган картотека варақаларидан фойдаланганликларини таъкидлайдилар. А.Ўринбоев ва Л.М.Епифанова тузган фихрист К.Муниров, А.Носи-ров тузган фихристан анча олдин тузилаган бўлса-да, биз ўзбекча намуналарини олдинроқ келтириш мақсадида К.Муниров, А.Носи-ров фихристи ҳақида олдинроқ гапириб ўтдик.

А.Ўринбоев ва Л.М.Епифанова фихристан намуна сифатида айрим тавсифларни келтирамиз:

### بهارستان

#### «Весенний сад»

«Бахаристан» — единственное произведение Джами, относящееся к художественной прозе. Сборник дидактических рассказов со стихотворными вставками написан Джами для его сына Зийааддина Йусуфа в подражание известному «Гулистану» Саади. Год написания — 892/1487. Сочинение имеет посвящение Султану Хусайну (1469 — 1506).

1. № 9780, 84лл., 13,5х21,5

Переписчик — کمال الدین ابن محمود ابن جلال الدین جورقانی

<sup>20</sup> Рукописи произведений Абдуррахмана Джами в собрании Института Востоковедения АН УзССР. Составители А.Урунбаев, Л.М.Епифанова. —Т.: Наука, 1965. —С.6.

Камалиддин Махмуд ибн Джалалиддин Джуркани (л.124а сборного тома).

Год переписки – 895/1489 - 1490. Первый лист вставлен позднее. СВР, VI, №4677.

Агар бу асарнинг иккинчи нусхаси бўлса, тавсиф куйидагича бўлади: 2.№3376 / I, 83лл., 11,3х17.

Переписчик -- Дарвиш Мухаммад Таки **درويش محمد تقي**

Время переписки – конец XV в.

Место переписки – Герат.

В начале – унван

СВР, VI, №4678.

Намуна сифатида яна бир тавсиф билан танишамиз:

### **چهل حدیث**

#### **«Сорок хадисов»**

Сборник сорока преданий о приписываемых Мухаммаду изречениях; арабский текст каждого хадиса сопровождается стихотворным переводом Джами на таджикский язык. Написан в 886/1481 - 1482 (указывается в конце сочинения).

1.№7519,8лл., 16,5х25,5.

Время переписки – начало XVI в.

В начале заставка; на полях, окрашенных то в светло – кремовый, то в голубоватый цвет, золотом нанесены цветы, изображения птиц и животных. Хороший из красного бархата переплет.

2. № 2201/I, 12лл., 13,7х22.

Переписчик – **محمد بن ملا میر الحسینی** Мухаммад ибн Мулла Мирал-Хусайни.

Дата переписки – 15 раджаба 983/ 20 октября 1575г. (л.31а)

В начале стертый унван.

Бу фихриstdа ҳам китоблар ва котибларга тузилган кўрсаткичлар илова қилинган.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** СВР га ишора, қисқача тавсиф, текстология бўйича сессия.

#### **Савол ва топшириқлар:**

1. Жомий асарлари фихристида нечта қўлёзма китоб тавсифи берилган?

2. Жомий асарлари фихристи китоби ҳақида (қаерда, қачон, қайси тилда босилган, тузувчиси ким?) маълумот беринг.



## 7. ИБН СИНО АСАРЛАРИ ФИҲРИСТИ

### Ўқув мақсади:

1) Ибн Сино қўлёзма асарлари фихрист китобининг хусусиятлари билан таништириш;

2) бир муаллиф асарлари фихристида маълумотларни кетма-кетлиги ва тавсиф моддаларининг миқёси юзасидан малака ҳосил қилиш.

\*\*\*

Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино (980 – 1037) тўрт юз эллик олтита асар ёзгани маълум. Немис олими К.Брокельман Ибн Синонинг 250 та асари билан шахсан таниш бўлган. Ш.Канавати унинг 276 та асарининг фихристини тузган. Эрон олими Саид Нафисий Ибн Синонинг 456 та асари номини келтириб, ундан 258 таси бизгача етиб келганини кўрсатади. ЎзР ФА ШИ фондида эса буюк олимнинг 50 та қўлёзма асари сақланмоқда. Бу фонддаги асарлар фихристини шарқшунос олима Б.А. Ваҳובה тузишга муваффақ бўлган<sup>21</sup>. Бу асарнинг фихристини тузишда олима унинг мукаммал бўлишига ҳаракат қилган. Б.А.Ваҳובה фихристни тузишда, асосан, қуйидаги масалаларга диққат қилади:

1. Қўлёзманинг ашё рақами
  2. Асар исми
  3. Асарнинг бошланиши
  5. Қўлёзма ҳақидаги ҳар хил маълумотлар (қоғози, хати, саҳифаси ва бошқалар)
  6. Нуқсони
  7. Қўчирувчиси
  8. Қўчириш йили
  9. Ўлчови
  10. СВР ҳамда бошқа фихристлар маълумоти.
- Намуна сифатида битта тавсифни келтирамиз: 9770/ I

### المسائل المحدودة

### «Считанные вопросы»

Трактат представляет собой пятнадцать вопросов по медицине, заданных Ибн Сине и его ответы на них. В данном списке он фигурирует под неправильным названием, написанным позже другой рукой (Трактат вопросов и ответов). Эти вопросы и ответы касаются

<sup>21</sup> Ваҳובה Б.А. Рукописи произведений Ибн Сины в собрании Института Востоковедения АН УзССР. –Т.: Фан, 1982.

таких разделов медицины, как причина боли, вызванная другой натурой, горячие опухоли и применяемые против них средства, прощупывание пульса; биение пульса; среднее состояние между болезнью и здоровьем; разъяснение и уточнение отдельных медицинских терминов; причины жажды и пр. Начало после басмалы:

هذا مسائل معدودة من املأ الشيخ الرئيس ابي على  
ابن سينا قدس الله روحه الخ

Список написан насталиком на желтоватой бумаге восточного производства. Название трактата и начало написаны киноварью; пайгири. На полях поправки тексту. Переписчик Йусуф б. Шайх Фатх Мухаммад б. Ниъматулла, известный как Шамсабади (л.676.) Дата переписки – рамадан 1129/август 1717 г. (там же). 5л. (16.-5а. 18х25).

Указ: СБР, VI, № 4341. Др. списки Brock. suppl., 827/95; Канавати, № 146; Махдави, с.296<sup>22</sup>.

Фихрист охирида одатдагидек китоблар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** бир муаллиф асарлари фихристи; тавсиф моддалари,

**Савол ва топшириқлар:**

1. Ибн Сино қўлёзма фихристи наشري ҳақида кенгайтирилган аннотация тайёрланг. ва камчиликларини кўрсатинг.

2. Ибн Сино асарлари фихристи китоби ҳақида маълумот (каерда, қачон, қайси тилда босилган, тузувчиси ким?) беринг.

## 8. ФОРОБИЙ АСАРЛАРИ ФИҲРИСТИ

**Ўқув мақсади:**

1) Форобий қўлёзма асарлари фихрист китобининг хусусиятлари билан таништириш;

2) бир муаллиф асарлари фихристида маълумотларни кетма-кетлиги ва тавсиф моддаларининг миқёси юзасидан малака ҳосил қилиш.

\*\*\*

Шарқ маданияти тарихида ўзидан ўчмас из қолдирган ва «Иккинчи муаллим» номини олган Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон ибн Ўзлуғ ал-Форобий (873 – 950) фаннинг ҳар хил соҳаларига оид 160 дан зиёд асарлар муаллифидир. Форобийнинг ЎЗР ФА

<sup>22</sup> Ўша асар, 18-б.

ШИ фондида сақланаётган 2385 рақамли қўлёзмада 17 та асари мавжуд. Шу қўлёзмага суянган ҳолда институтда Форобий асарлари тавсифига бағишланган фихрист тузилган. Фихрист институт олимлари томонидан тузилган фихристлардаги қондаларга асосан тузилган бўлиб, муаллиф А.Л.Казибердов уни тузишда қуйидагиларга диққат қилган:

1. Китобнинг арабча номи
2. Китоб номининг русча таржимаси
3. Қисқача мазмуни
4. Бошланиши
5. Тугаши
6. Қўлёзма ҳақидаги маълумотлар (қоғози, хати, сиёҳи пойгир ва ҳ.к.)
7. Нуқсони
8. Кўчириш йили
9. Варағи
10. Ўлчови
11. Бошқа фихристларга ишора.

Бу фихристнинг бошқа фихристлардан фарқи шуки, тавсифларнинг бошланишида қўлёзманинг ашё рақами келтирилмайди, асар мазмуни эса бошқа фихристларга нисбатан кенгроқ берилган. Намуна сифатида тавсифларнинг нисбатан қисқароғини келтирамыз:

**«Трактат об отрешенных (о материи) субстанций,  
принадлежащих Абу Наср ал-Фараби»**

Небольшой трактат, рассматривающий с метафизической точки зрения вопросы бытия, его структуру и категории.

Согласно ал-Фараби, отрешенные (от материи) субстанции подразделяются на четыре ступеньки. Первая – единое, не имеющее причины; вторая – деятельные разумы, состоящие из множества видов; третья – души небесных тел, они также состоят из множества видов; четвертая – человеческие души, состоящие из множества индивидов. Все эти отрешение (от материи) субстанции, по мнению ал-Фараби, обладают четырьмя характерными признаками: 1) не являются телами..., 2) не гибнут и не уничтожаются..., 3) постигая свою сущность..., 4) обладают высшим благом, отличительным от благ материальных тел.

Затем ко всем своим утверждениям ал-Фараби, опираясь на учение Аристотеля о силлогизме и апдейксисе (научном доказательстве), логически доказывает справедливость своей классификации.

Начало трактата (без басмалы):

المفارقات على أربع مراتب مختلفة الحقائق الوجود الذي لا سبب له و هو واحد مد انتانى القول الفعال و هى كثيرة بالنوع مد النفوس السماوية و هى كثيرة بالنوع عد النفوس الانسانية و هى كثيرة اليخ

Конец трактата:

و اذا كان العقل الهولانى قد انفصل بالمقارق من دون تعلم اعنى ...

Список переписан мелким насталиком на плотной бумаге восточного производства; слова, начинающие абзацы, выделены киноварью. Дата списка 1075/1664 г. (л.299а), 2л. (2236 – 224 б). 18х24,5.

Ук.рук.:СВР, III, стр.28 №1905. Др.списки: Британский музей, стр. 205, №425/9; Броксельман, Дополнение, I, стр.377; Д-3 Даниш Пахжух, IX, стр.1017, №2401/30 и стр.1022, №2401/52; Мешхед, стр.107, № 524 и стр.115 - 116, № 610 - 613; Ложье де Борекэй, I, стр.147, № 45/39; Ложье де Борекэй, II, стр. 288, №40/8 и стр.293, №45/39. Ук.соч.: Хайруллаев. Фараби - крупнейший мыслитель средневековья<sup>23</sup>.

Бу ерда фикхрист хакида бир неча фикрларни айтиб ўтиш мумкин:

1. Тавсифлар олдида ашё ракамлари кўрсатилмай, СВРга ишора қилинган. СВР эса ҳаммада ҳам бўлмаслиги мумкин.

2. Асарнинг бошланиши ва тугаши араб тилида араб ҳарфида ортиқча келтирилган, бу эса бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқаради: босмаҳонада териш, китоб ҳажмининг кенгайиши ва ҳоказо.

3. Баъзи асар боблари араб тилида келтирилган ва таржимаси берилмаган (43-бет).

Юқорида санаб ўтилганлар СВР тартибига бир оз қарама-қарши бўлиб, СВР эса етук шарқшунос олимлар тажрибаси маҳсулидир.

Муаллиф фикхрист охирига Форобийнинг «ат-Таълиқот» асарининг русча таржимасини, Форобий асарлари рўйхатини, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини илова қилган бўлса-да, бироқ киши исмлари рўйхатини бермаган.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** иккинчи муаллим, асар мазмуни

**Савол ва топшириқлар:**

1. Форобий қўлёзма фикхристи нашри юзасидан кенгайтирилган аннотация тайёрланг ва камчиликларини кўрсатинг.

2. Форобий асарлари фикхристи китоби хакида (қаерда, қачон, қайси тилда босилган, тузувчиси ким?) маълумот беринг.

<sup>23</sup> Казирбердов А.Л. Сочинения Абу Насра ал-Фараби в рукописях ИВ АН. –Т.: Фан, 1975. –С.28.



## 9. АМИР ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙ АСАРЛАРИ ФИХРИСТИ

**Ўқув мақсади:**

1) Амир Хусрав Деҳлавий қўлёзма асарлари фихрист китобининг хусусиятлари билан таништириш;

2) бир муаллиф асарлари фихристида маълумотларни кетма-кетлиги ва тавсиф моддаларининг миқёси юзасидан малака ҳосил қилиш.

\*\*\*

Шарқда ўлмас шуҳрат эгаси бўлган улуғ адиб, йирик шоир ва мусиқачи олим Яминуддин Абул Ҳасан Деҳлавий 651/1253 йили Ҳиндистоннинг Ганг дарёси бўйидаги Патёли деган мавзеда дунёга келган эди. Унинг отаси Амир Сайфуддин Маҳмуд асли Шаҳрисабздан эди.

Амир Хусрав Деҳлавий Ҳамса, бешта девон, Тарихи Деҳли, Ду-валроний ва Хизрхон, Қирон ус-саъдайн, Баҳр ул-асрор, Мифтоҳ ул-футуҳ каби 99 та асарлар муаллифидир. Айниқса, унинг «Ҳамса» асари кенг шуҳрат қозонган.

ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасида ҳам шоирнинг бир қанча қўлёзма ва тошбосма асарлари сақланмоқда. Илмий жамоатчиликни улардан тўлиқроқ хабардор қилиш мақсадида шарқшунос олим Қ.Муниров шоирнинг хазинада сақланаётган асарлари фихристини тузиш-



га муваффақ бўлган. «Институт фондида сақланаётган қўлёзмалар орасида Шарқ классик адабиётининг йирик намоянда-си, ажойиб шоир, тарихшунос ва муси-қачи олим Амир Хусрав Деҳлавийнинг асарлари алоҳида ўрин тутади»,—деб ёзади олим<sup>24</sup>. ЎЗР ФА ШИ фондида Деҳ-лавий «Ҳамса»сининг 2179 рақамли нус-хаси сақланмоқдаки, бу нусха оламга номи таралган шоир Шамсуддин Му-ҳаммад Ҳофиз Шерозий томонидан кў-чирилган. Бу нусха Эрон олимларида ҳам катта кизиқиш уйғотмоқда<sup>25</sup>.

Қ.Муниров, мазкур каталог Амир Хусрав Деҳлавий асарларининг Тош-кентда сақланаётган ана шу қўлёзма

<sup>24</sup> Муниров Қ. Амир Хусрав Деҳлавий қўлёзма асарлари каталоги. —Т.: Фан, 1975, 3-б.

<sup>25</sup> Ҳасаний М. Ҳофиз қўли билан битилган «Ҳамса»// Сино журнали. —Тошкент — Техрон, 2002.

нусхаларининг қисқача илмий тавсифига бағишланади, деб ёзар экан, уни тузишда, асосан, қуйидаги тартибга амал қилганини таъкидлайди:

1. Асарнинг номи (араб алифбосида).
2. Асар номининг кириллдаги транскрипцияси.
3. Қисқача мазмуни.
4. Ёзилган йили
5. Ашё (инв.) рақами
6. Ҳажми
7. Котибнинг номи (араб алифбоси ҳамда транскрипцияда)
8. Кўчирилган йили
9. Шаҳри
10. Хати
11. Бадий безаклари (унвон, миниатюра ва ҳоказо)
12. Нуқсони
13. СВРдаги тавсифи

Асарни тавсифлашда юқорида келтирилган маълумотлардан бирортаси етишмаса, масала очик қолдирилган. Мисол тариқасида Амир Хусрав Деҳлавий «Хамса»сидаги баъзи дostonларнинг тавсифини келтирамиз.

### مجنون و ليلي

#### «МАЖНУН ВА ЛАЙЛИ»

«Хамса»нинг учинчи дostonи.

20.882/III.

Бу нусха ўртача настаълиқ хати билан қора сиёҳда, сарлавҳалари эса қизил сиёҳда ёзилган. Котиб **محمد رجب ابن عبد الولي** Муҳаммад Ражаб ибн Абдул Вали томонидан 1245/1829 – 1830 йили (шу жилдга кирган бошқа асар охирида – 235а) кўчирилган. Асар қизил чарм муқовада.

29в.(966 – 1256), 32х53.

СВР, т. IX, № 6113.

### آينه اسکندري

#### «ОЙИНАИ ИСКАНДАРИЙ»

«Хамса»нинг тўртинчи дostonи.

21.1067.

Бу нусха 1329 йили муҳаррам ойининг бешинчисида / 1911 йили 6 январда Хивада котиб **محمد يقوب ابن اوستاد قربان** Муҳаммад Яъқуб ибн уста Қурбон Ниёз мулаққаб ба-Харрот томонидан настаълиқ хати билан рус почта қоғозига ёзилган. Асар қора чарм муқовада.

155 в., 12,5x20,5.

СВР, т. II, стр. 125, № 1019.

Фихрист охирида Амир Хусрав Дехлавийнинг ЎзР ФА ШИ фондида сақланаётган қўлёзма ва босма асарларнинг кўрсаткичи ҳамда мазкур қўлёзмалардан саҳифалар суврати илова қилинган.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** тошбосма, хамса, девон, Ҳофиз дастхати, миниатюра.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Амир Хусрав Дехлавий қўлёзма фихристи нашри юзасидан кенгайтирилган аннотация тайёрланг ва камчиликларини кўрсатинг.

2. Амир Хусрав Дехлавий асарлари фихристи китоби ҳақида маълумот (қаерда, қачон, қайси тилда босилган, тузувчиси ким?) беринг.

## 10. ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИГА ОИД ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАР ФИХРИСТИ

**Ўқув мақсади:**

- 1) соҳага оид фихрист намуналари билан таништириш;
- 2) тавсифлаш принципларига ижодий ёндашув намунасини кўрсатиб бериш.

\*\*\*

Ўрта Осиё тарихига оид қўлёзма манбалар жуда кўп. Олима Л.М.Епифанова Бухорога оид қўлёзма манбалар ҳақида таҳлил ва тавсиф фихристини бунёд қилган бўлиб, фихрист маълум даврни, яъни Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиш давридаги Бухорога оид манбалар ҳақида маълумот беради.

Фихристда муаллиф ҳар бир қўлёзманинг мазмуни ҳақида кенг тўхталади. Муаллиф ўз асарини фихрист деб атамасда, бироқ йирик тарихчи манбашунос олим А.Ўринбоев уни фихрист сифатида тилга олади<sup>26</sup>. Муаллиф асари ҳақида ёзади: «Бу иш Ўз ССР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган ва Бухоронинг XIX аср иккинчи ярмини ёритадиган барча Бухорога тааллуқли бош манбаларнинг тавсифи ва таҳлилига бағишланган».

Муаллиф ўз асарида СВРдаги тавсифларини «қисқа тавсиф» деб атайди. Бунини эътиборга олсак, муаллиф тавсифини мукаммал тавсиф

<sup>26</sup> Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периоды присоединения ее к России (Бухара). —Т.: Фан, 1965. —С.7.

деб аташ мумкин. Масалан, у «Тухфайи Шоҳий» асарига 22 саҳифа (22 - 43), «Тарихи Салимий»га 8 саҳифа (44 - 51), Мирзо Муҳаммад Шариф Садрининг «Тарих» китобига 25 саҳифа (51-74) бағишлайди.

Муаллиф асарларни тавсифлашда СВР усулига амал қилади, бироқ қўлёзма асар муаллифи ва асар мазмунига мукамалроқ тўхташда ундан фарқ қилади. Бу фихрист ҳам талабаларга қўлёзмаларни илмий иш учун мукамал тавсифлашда намуна вазифасини бажариши мумкин.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** қўлёзма мазмуни, қўлёзма таҳлили, қўлёзма тавсифи, мукамал тавсиф, «Собрание восточных рукописей».

**Савол ва топшириқлар:**

1. Соҳаларга оид фихристлардан яна қайсиларини биласиз?
2. Мукамал тавсиф тушунчаси манбашунослик илмида борми? Илмий амалиётда тавсифнинг қандай турлари кўпроқ учрайди?

## **11. АРАБ ВА ФОРС ТИЛЛАРИДА ТУЗИЛГАН ҚИСҚА ТАВСИФЛИ ФИХРИСТЛАР**

**Ўқув мақсади:**

- 1) қўлёзмалар фонди китобларининг тил салмоғи ҳақида тасаввур уйғотиш;
- 2) фонднинг ўз фаолиятида жаҳон илми билан интеграциялашув жараёнини намойиш этиш.

\*\*\*

Араб ва форс тилларида гаплашувчи давлатларда қўлёзмаларни тавсиф қилиш ва тавсифлар фихристини нашр этиш ишлари кенг йўлга қўйилган. Бу давлат олимлари бу соҳада ўз йўли ва услубларига эгадирлар. ЎЗР ФА ШИда форс ва араб мамлакатларидан олинган тўлиқ ҳамда қисқа тавсифли фихрист китоблари мавжуд. ЎЗР ФА ШИда арабча ва форсча тавсифли фихристлар тузилганми, тузилган бўлса қандай усулга амал қилинган, деган савол тугилиши табиий. Бизнинг олимларимиз томонидан арабча ёки форсча тавсифли фихристлар мустақил ҳолда тузилиб, нашр қилинган эмас. Бироқ кейинги йилларда ЎЗР ФА ШИ олимлари чет эл олимлари билан биргаликда шундай фихристларни тузиш устида иш олиб бормоқдалар. Шунинг натижаси ўлароқ араб ва форс тилларида институтдаги қўлёзма асарларни акс эттирувчи бир неча фихристлар пайдо бўлди. Бу фихристлар ва улардаги тавсифларнинг тузилиши билан қисқача танишамиз.



## АРАБЧА ФИХРИСТ

ЎзР ФА ШИДа сақланаётган араб тилидаги қўлёзмаларнинг қис-кача тавсифли фихристи биринчи марта тузилиб, 1995 йилда чоп этил-ди. Бу фихристнинг муаллифи Бирлашган Араб амирлигининг Дубай шаҳрида жойлашган маданий меросни ўрганиш марказининг илмий ходими, доктор Абдурахмон Фарфур 1982 йили Тошкентга келиб, Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди билан танишади ва бу ерда нафақат Ўрта Осиё, балки қўшни давлатлар, жумладан, Ара-бистон халқлари тарихи ва маданиятига оид асарлар сақланаётганлиги-нинг гувоҳи бўлади. Абдурахмон Фарфур 1992 йил, сўнг 1994 йилда институтда бўлиб, араб тилидаги асарларнинг варақа (карточка) лари ҳамда баъзи асарлар билан танишиб, уларнинг қисқа тавсифли фихристини тузади ва «Ал-мунтақа мин махтутоти маъҳад ал-Беруний лид-даросот аш-шарқиййа би-Ташқанд» («Тошкент Шарқшунослик институтидаги қўлёзмалардан сайланма фихрист») деб атади. Олим фихристни тузишда, асосан, Шарқшунослик институтида олимлар томонидан кўп йиллар давомида тузилган картотека карточкаларидан фойдаланади. Фихристга Абдурахмон Фарфур муқаддима ёзган. Иккин-чи кириш сўзи эса институт олимларидан тарих фанлари доктори А.Ўринбоев ва тарих фанлари номзоди Қ.Муниров томонидан ёзилган. Абдурахмон Фарфур ўз муқаддимасида Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондига юқори баҳо бериб, бу ерда аждодларимизнинг нужум, фалсафа, табобат, жўғрофия, мусиқа, адабиёт ва бошқа фанларга оид асарлари сақланаётгани, бу олимлардан машҳурлари Ибн Сино, Беруний, ал-Хоразмий, Навоий, Замахшарий ва бошқалар эканини кўр-сатиб ўтади<sup>27</sup>. А.Ўринбоев, Қ.Муниров эса кириш сўзида институтнинг тарихи ва босиб ўтган йўли ҳақида қисқача маълумот бериб, нашр қилинган ишларининг аҳамиятини санаб ўтадилар.

Фихрист жуда содда, бироқ маълумот олишга қулай тавсифларга эга. У арабча тавсиф фихристи билан шугулланишни хоҳлаган талабалар, илмий ходимларга намуна вазифасини бажариши, уни диққат билан мутолаа қилиш бу соҳада яхши кўмак беришини айтиб ўтиш керак.

Фихристда, асосан, қуйидаги маълумотларга диққат қилинган:

1. Китоб исми
2. Қайси фанга оидлиги (қавс ичида)
3. Муаллифи (аввал тахаллуси, сўнг тўлиқ исми)
4. Ҳажми (аввал неча варақлиги, сўнг қавс ичида қайси бетдан қайси бетгача эканлиги)
5. Вафоти (ҳижрий ва қамарий ҳисобда)

<sup>27</sup> المنطقى من مخطوطات معهدا اكبر و نى للدر سات اشترقية طشقند اعداد عبدالرحمن فرفور محمد مطبع دبی 1995 ص 5.

6. Кўчирилган йили (факат хижрийда)
7. Қайси фихристларда қайд этилганлиги
8. Ашё (инвентарь) рақами

Юқорида кўрсатилган усуллар бўйича фихрист охиригача давом этади.

Муаллифлар Оврупо ва Ўзбекистонда тузилган фихристларга қарама-қарши ўларок қўлёзма асарнинг ашё (инвентарь) рақамини тавсиф охирида келтирадилар. Агар асарнинг ёзилган йили ёки муаллифи номаълум бўлса, тавсифда бу ўринлар очик қолдирилган. Шунини айтиб ўтиш керакки, муаллифлар фихристдаги қисқартишлар ёки уни тузишдаги усуллар ҳақида ҳеч нарса ёзмаганлар.

Талабаларга намуна сифатида тавсифларнинг айримларини мисол тариқасида келтирамыз:

آداب السالكين من اهل الطريقة (تصوف)  
للخوارزمي: طاهر بن سلام بن قاسم الانصاري  
ت: بعد ١٣٦٩ / ٧٧١ م  
كتب سنة: ١٢٦٧ هجري  
١٨ ورق (٢٣٧ - ٢٥٤)  
معجم المؤلفين ٥/٣٥ الهداية ١ / ٤٣١  
رقمه في المعهد: ١١٢٣٨

(Одоб ус-соликийин мин аҳли-т-тарийка (тасаввуф)

Хоразмийники: Тоҳир бин Салом бин Қосим ал-Ансорий.

Вафоти 771 / 1369 йилдан кейин.

Кўчирилган йили: 1267 хижрий.

Варағи - 18 (237 – 254)

Мўъжам ул-муаллифийн 5/37, ал-Ҳидоя 1/431.

Институтдаги (ашё) рақами – 11238<sup>28</sup>)

Асарнинг муаллифи ҳамда бошқа фихристларда шу асар ҳақида маълумотлар номаълум бўлганига мисол:

آداب المفتين (فقه)  
كتب سنة: ١٣٣٨ هجري  
٩ ورق  
رقمة في المعهد: ٢٥٧١

(Одоб ул-муфтийийин (фикх)

Кўчирилган йили: 1338 хижрий

Варағи – 9 Институтдаги рақами – 2571 )

<sup>28</sup> Ўша асар, 17-6.

Фихрист охирида киши исмлари кўрсаткичи алифбо тартибида илова қилинган. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар хазинасидаги арабча асарларга тузилган ягона арабча фихрист ҳозирча фихристдан иборат бўлиб, бу фихрист талабларга арабча тавсиф тузиш учун намуна вази-фасини бажара олади.

## ФОРСЧА ФИХРИСТ

Ўзбекистонда форс тилида тузилган биринчи фихрист «Абу Райҳон Бѐруний номидаги Тошкент Шарқшунослик институти хазинасидаги форс тилида ёзилган қўлёзма асарларнинг фихристи» деб аталади<sup>29</sup>. Фихрист ўзбек олимлари А.Ўринбоев, Ш.Мусаев ва Эрон олими Сай-йид Али Мужоний қаламига мансубдир. Шарқшунослик институти о.имлари Эрон олимлари билан шартнома асосида иш олиб бориб, қўлёзмалар хазинасидаги форсий асарларнинг кўп жилдли фихристини тузишга келишганлар. Бу фихристнинг биринчи жилди тарихий асарларга бағишланган. Фихристни тузишда, асосан, ЎЗР ФА ШИ нинг картоткалари каталоги, СВР каталогидан фойдаланилган ва йўл-йўлакай маълумотларни мустаҳкамлаш учун қўлёзма асарларнинг ўзига солиш-тириб чиқилган. Фихрист тавсифлари, асосан, қуйидаги тартибда:

1. Китоб номи
2. Ашё (инв.) рақами
3. Муаллифи (аниқ бўлса туғилган ва ўлган йили)
4. Қискача мазмуни
5. Ёзилган йили ёки асри
6. Хати
7. Варағи
8. Ўлчови
9. Бошланиши
10. Охири
11. Қўлёзма ҳақида маълумот (нуқсони ва ҳ.з.)
12. СВРдаги тавсифи

Намуна сифатида тавсифлардан бирини келтирамыз:

### تاریخ رشیدی -- ۱۴۳۰

میرزا محمد حیدر بن محمد حسین گرگانی دوغلات (مقتول به ۹۵۸ هجری) تاریخ آسیای مرکزی، هند، کاشغر، افغانستان و تبت که به دوفتر

<sup>29</sup> فهرست نسخ خطی فارسی گنجینه انستیتی شرقشناسی ابو ریحان بیرونی - تاشکند بخش اول از جلد اول، زیر نظر: عصام الدین اورونبایف شاه نیاز موسایف - تهران ۱۳۷۴

منقسم شده است. دفتر نخست دوران تاریخ عصر مؤلف را شامل میشود. و دفتر دوم به شرح زندگی او اختصاص یافته است. قرن ۱۱ هجری نستعلیق در ۳۲۱ ورق به ابعاد ۵/۱۳ x ۲۳ س  
 آغاز — افتتاح تاریخ جهانداری و ابتدای ظهور قرب شهریارى حمد و سیاس پادشاهی توانند بود که ... الخ

СВР /У1/ 4189<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, бу фихрист арабча фихристдан мукаммалроқ бўлиб, Шарқшунослик институтида тузилган 11 жилдди СВР фихристига ўхшаб кетади. Тўплам тарих соҳасида тузилаётган «Фихрист» 1-жилдининг биринчи қисми бўлгани учун охирида кўрсаткичлар берилмаган. Талабаларнинг форс тилида тавсиф ва фихристлар тузишни ўрганишларида бу фихрист дастуруламал вазифасини ўташи мумкин.

انجام — اللهم ربنا اتنا في الدنيا حسنة و في الآخرة حسنة و قنا عذاب النار  
 بعضی از اوراق مرمت شده است

مؤلف این اثر را به افتخار عمومی خویش عبدالرشیدخان بن سلطان سعید سعیدخان بن یونسخان نامگذاری کرده است و وقایع تاریخ را از تعلیق تیمورخان (قرن ۹ هجری) تا سال ۹۵۲ھ در بر میگیرد اثر از منابع مهم تاریخ آسیای مرکزی به شمار میرود.

СВР / VI / 4189<sup>30</sup>.

\*\*\*

**Таянч сўз ва иборалар:** қисқача тавсифли фихрист.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Араб ва форс тилларида тузилган фихристларнинг тузилишида қандай ўзига хосликлар мавжуд?
2. Арабча ва форсча фихрист китоблар қачон чоп этилган?

<sup>30</sup> Уша асар, 59-б.



## ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Шарқ қўлёзмаларини тавсифлаш ва фихристлаш шарқшуносликни ривожлантиришда муҳим омиллардан биридир. Юз минглаб китоблар орасидан керакли китобни топиб олиш учун биринчи галда қўлёзмаларнинг тавсиф варақа (карточка)лари зарур, агар бундай тавсиф варақалари бўлмаса, керакли қўлёзмаларни қидириб топиш қанчалик машаққатли иш экани ўз-ўзидан маълум. Тавсиф варақаларини тузиш учун эса шу иш билан шуғулланувчи олим катта малакага эга бўлиши, араб, форс ва туркий тилларни мукаммал эгаллаган бўлиши зарур. Бунинг учун эса талабалар ўқиш жараёнида қўлёзмаларни тавсифлаш ва фихристлаш ишларидан тўлиқ хабардор бўлишлари, бу соҳада махсус курсдан ўтишлари, қўлёзмаларни тавсифлаш ва фихристлашни ўқитувчи ҳузурида ўзлари амалга оширишлари керак.

Олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган магистрант талабалар магистрлик диссертациясини ёзаётганларида, бўлажак олимлар эса диссертация устида ишлаётганларида ўзлари фойдаланаётган қўлёзма манбани тўлиқ тавсифлаб беришлари лозим. Бунинг учун эса қўлёзмаларни тавсифлаш ишидан бохабар бўлишлари шарт.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир шарқшунос талаба шарқшунос деган номга муяссар бўлар экан, у албатта қўлёзмаларни бемалол ўқишни ўрганиши, уларни тавсифлаш ва фихристлаш ишини амалга ошира олиш малакасига эга бўлиши долзарб масалалардан биридир.

## АДАБИЙ МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК СОҲАСИГА ОИД АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиёт:

1. Абдуллаев И. Мерос ва талкин. —Т.: Фан, 2008.
2. Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. —М., —Л., 1964 —5 б.т.
3. Рейсер С.А. Основы текстологии. Учебное пособие, изд-е 2-е. — Ленинград: Просвещение, 1978. —С.176.
4. Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. —М.: Просвещение, 1970.
5. Шамсиев П. Матншуносликка оид тадқиқотлар. — Т.: Фан, 1986. — 164 б.
6. Эйхенбаум В. Основы текстологии / Редактор и книга. Вып.3. — М., 1962. С.41-86.
7. Эркинов А.С. Матншуносликка кириш. — Т.: Республика таълим маркази, 1997.
8. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик / Қисқача курс —Т.: ТошДШИ, 2000.
9. Ҳасаний М. Шарқ кўлёмаларини тавсифлаш ва фихристлаш. — Т.: ТошДШИ, 2004.

### Қўшимча адабиёт:

1. Алиев Р. Воля исследователя и проблема метода составления критического текста // «Писменные памятники народов Востока». Ежегодник, 1968. —М., 1970. —С.7—16. мм
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. — М., 1966.
3. Акимущкин О.Ф. Вопросы восточной текстологии // Сов.востоке. — М., 1988. — С. 82—89.
4. Акимущкин О.Ф. Персидская рукописная книга // Рукописная книга в культуре народов Востока. Кн. 1. —М., 1987. —С.330—407.
5. Большая энциклопедия: в 62 томах. —М.: Терра, 2006. —Т.3. —С. 563—564.
6. Валк С. Н. Избранные труды по археографии: Научное наследие. СПб., 1991.
7. Гришунин А.Л. Источниковедение // Литературный энциклопедический словарь. —М., 1987. —С. 139—140.
8. Гришунин А.Л. Текстология // Краткая литературная энциклопедия. Том 7. —М. 1972. —С.444—453.
9. Гришунин А.Л. —Текстология // Литературный энциклопедический словарь. —М., 1987. —С.436—437.

10. Добрушкин Е. М. Основы археографии. —М., 1998.
11. Каштанов С.М. Алтвая археография. —М., 1998.
12. Козлов В.П. Российская археография конца XVIII-первой половины XIX в. —М., 1999.
13. Литвак Б.Г. Археография и историческое исследование // Археографический ежегодник за 1992 г. —М., 1994. —С.3-10.
14. Покровский Н.Н. О принципах издания документов XX в. // Вопросы истории. 1999, № 6.
15. Сергеев А.А. Методология и техника публикации документов // Архивное дело. —М., 1932. Вып. 1-2.
16. Теория и практика источниковедения и археографии отечественной истории. Сборник статей. —М., 1978.
17. Фирдавсий. Шахнаме. Критический текст. Т.І. — М., 1960, —С.9.
18. Чирков С.В. К истории разработки правил издания исторических источников в начале XX в.//Археографический ежегодник за 1984.
19. Чирков С.В. К истории разработки правил издания исторических источников в начале XX в.//Археографический ежегодник за 1984. —М., 1986. —С.64-74.
20. Чугаев Д.А. Археография и источниковедение. —М., 1969.
21. Шилов А.А. Руководство по публикации документов XIX-начала XX вв. —М., 1939.
22. Ганиева С. Содиков Қ. Ёзув тарихи ва китобат санъати. —Т.: ТДШИ, 2006. — 92 б.
23. Ҳакимов М. Шарқ қўлёзмаларига доир терминларнинг қисқача изоҳли луғати. Адабий мерос. 1985, № 2 (33)
24. Ҳамидова М. Нодир манбалар // Шарқ машъали, 1999, № 1-2. — Б.35.
25. Ҳамидова М. Манбашуносликнинг баъзи масалалари. — «Шарқ машъали» ж-ли, 1999. Добрушкин Е.М. Основы археографии. — М., 1998.
26. Ҳотамов Н., Саримсоков Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. —Т.: Ўқитувчи. 1983.)

## АДАБИЙ МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК АТАМАЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

**Абжад** — рақамларнинг ҳарфлар воситасида ифодаланиши тизими. Араб ёзувида мавжуд бўлган ҳар бир ҳарф рақам кийматига ҳам эга: **Абжад** — 1–2–3–4; **Ҳавваз** (ҳойи ҳавваз ва зе билан) — 5–6–7; **Хутти** (ҳойи хутти ва то билан) — 8–9–10; **Каламан** — 20, 30, 40, 50; **Саъуфас** (айн ва сод билан) — 60, 70, 80, 90; **Қарашат** — 100, 200, 300, 400; **Саххаз** (се ва зол билан) — 500, 600, 700; **Зазағ** (зод ва зо билан) — 800, 900, 1000. Ана шу саккизта сўз ҳаммаси фақат ундошлар билан ифода этилган. Бошқа тиллар учун киритилган *пе. чим, жим, гоф* ҳарфлари абжад тизимида қатнашмайди.

**Автограф** — Матншуносликда муаллиф нусхаси шаклида сақланиб қолган асар матни. Дастхат нусха.

**Агиография** — диний ва тасаввуфий руҳдаги адабиёт. Куръон, Ҳадис, ақоид ва уларга бағишланган асарлар.

**Адабий манба** — бирор адабий жанрга мансуб хрестомтив характердаги бадий асар ёки адабиётшуносликнинг соҳаларига дахлдор мавзуларда ёзилган илмий асар.

**Адабий манбашунослик** — ёзма шаклдаги адабий манбаларни йиғиш, қидириб топиш, тартибга солиш ва улардан илмий фойдаланиш йўлларини ўргатувчи филологик фан.

**Адабий-тархий манба** — адабиётга ҳам, тарихга ҳам бир хилда дахлдор асар. Жумладан, руний ёзувдаги Ўрхун-Энасой ёдгорликлари.

**Академик нашр** — бирор классик асар матнининг илмий жиҳатдан пухта, мукаммал тарзда тайёрланган ва зарурий маълумотномалар билан таъминланган нашр тури.

**Александрия (Искандария) кутубхонаси** — Қадимги давр кутубхоналаридан энг машҳури.

**Алифбо** — бирор халқнинг адабий тилидаги товушлар тизимини ёзув орқали ифодалаш воситаси.

**Аннотация** — нашрнинг мақсади, шакли, мазмуни, кимларга мўлжаллангани ҳамда бошқа хусусиятларини акс эттирувчи қисқача тавсифи. Одатда, сарварақ ортида берилади.

**Араб ёзуви** — араб ва кўпгина ислом мамлакатларида қўлланилган ёзув. Қўлёзмаларда унинг куфий, насх, манқалий, рикъоъ, тавкеъ, таълик, насталик ва б. турларда учрайди. Арабларнинг ҳозирги ёзувга яқин шаклда ёзилган ёзма ёдгорликларининг энг қадимийси милоднинг 328 йилида юзага келган ҳужжат Нақши намора, иккинчи битик Нақши забд 511 йил, учинчиси Нақши Ҳарон–568 битикларида сақланиб қолган.



**Археографик комиссия** — қўлёзмани баҳолаш ва харид комиссияси. Қўлёзма фондлари қошида тажрибали манбашунос олимлар жумласидан тузилади. Дастлаб, шундай комиссия 1834 йилда Петербурге Халқ таълими вазирлиги қошида тузилган.

**Археографик экспедициялар** — ёзма ёдгорликларни (асосан, қўлёзма ва ноёб китобларни излаб топиш ва уларнинг китобсеварлар муҳотида тарқалганлик даражасини ўрганиш мақсадида ташкил этилган илмий сафарлар. Ҳамид Сулаймон (ваф.1979) Англия, Франция (1968) ва Ҳиндистон кутубхоналарига (1976-1977) археографик экспедициялар уюштирган эди, ва бунинг натижасида қатор ёзма манбалар тўғрисида маълумотлар, айримларининг микрофильм ва фотокопиялари юртимизга келтирилган эди.

**Археография** — қадим ёзма ёдгорликларини қайта ишлаш усуллари ва чоп этишнинг назарий масалалари ҳақидаги тарихий-филологик фан. Бу соҳадаги ишлар минтақа маданиятимизда алоҳида ном билан аталмагани ҳолда жуда қадимдан давом этиб келади.

**Архетип** — асар қўлёзмасининг илк нусхаси. Муаллиф дастхати ёки сақланиб қолган энг қадимий нусхаси бўлиши мумкин.

**Архив** — ижод аҳлининг фондларда расмий сақланадиган эълон қилинмаган мероси. ЎзФА ШИ фонди, Ўз ФА Адабиёт музейи ва бошқа музейларда сақланади.

**Архившунослик** — ҳужжатларни йиғиш, тартибга солиш ва сақлаш усулларини ишлаб чиқувчи, архивлар ишини ташкил этишни, уларнинг тарихини ўрганувчи фан. Бу соҳа мутахассислари Республика Давлат архиви, ноҳия ва вилоят архивларида фаолият кўрсатадилар. Адабий архивлар республикамиз қўлёзма фондларида ва адабиёт музейларида жойлашган. Шўролар даврида қатағон қилинган адиблар ҳақида Республика Давлат архивидан кўпгина маълумотлар топиш мумкин.

**Асар** — Манбашунослик нуктаи назаридан мазмун жиҳатдан тугал ва шакл жиҳатдан маълум яхлитликка эга бўлган матн.

**Асар номи** — асарга муаллиф ва кейинчалик илмий жамоатчилик томонидан қўйилган ном. Ўрта асрларда ислом Шарқида асарга, унинг ёзилиш тилидан қатъи назар, арабча номлар қўйиш расм бўлган.

**Асарнинг бошланиши ва охири** — манбашуносликда асарнинг сақланиб қолган нусхаларини ўзаро таққослаш учун унинг қўлёзма нусхалари тўлиқ тавсифида матндаги «басмаладан» кейинги бир жумла ва «таммат»дан олдинги бир жумла қайд этилади.

**Асарнинг ёзилиш сабаби** — асарнинг муаллиф томонидан китобга киритилган таркибий қисм.

**Асл нусха** — қ.: таянч нусха. Баъзан: кўчириш учун асос бўлган нусха.

**Аслият** – кўчириш учун асос бўлган нусха.

**Асосий нусха**– қ.: таянч нусха.

**Атрибуция** – матншуносликда аноним асарнинг муаллифи, яратилиш вақти, жойи ва бошқа хос хусусиятларини аниқлаш. *Эвристика* деб ҳам юритилади.

**Ашё (инвентар) дафтари**– қўлёзма фондларида қўлёзма асарларни рўйхатга олиш мақсадида қайд этувчи, дафтар шаклидаги расмий ҳужжат.

**Ашёвий манбалар** – тарихий манбашуносликнинг тадқиқ объекти бўлган буюм, танга, зеб-зийнат, маиший ва саноат ҳамда жанг асбоб-анжомлари ва ҳ.к.лар.

**Баёз** – турли шоирларнинг шеърларидан танлаб тузилган тўплам. Мажмуа, кажкул ҳам дейилади. Бирор шоир ёки котиб ташаббуси билан тузилади.

**Бамбук** – толаси қоғоз тайёрлашда ишлатиладиган тропик ўсимлик.

**Басмала** – китобнинг бошида келадиган «Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим» сўзларининг умумлашма номи. Китобат амалиётида асарнинг таркибий қисми ҳисобланади.

**Бевосита маълумотлар** – асар ёки қўлёзманинг ўзидан олинadиган маълумотлар. Матн тарихини ўрганишда дастлабки эътибор б.м.га қаратилади.

**Бехистун битиклари** – ахоманийлар давлатидаги милoddан аввалги 522-519 йил воқеалари баёнидан иборат *миххат* да ёзилган битиклар.

**Библиография** – тарихий, адабий, илмий асарларнинг фан, мавзу, давр, мамлакат, муаллифларга бағишлаб тузилган манбалари рўйхати. Улар алоҳида китоб ёки китобга илова тарзида, алифбо тартибида бўлади. Қадимда айрим қўлёзма китоблар орасида баъзи соҳага оид ёки бирор муаллифга мансуб китоблар фихристи (рўйхати) келтирилган

**Бигиз**–ёзув қуроли сифатида қўлланилган.

**Битик** – қадимги туркий тилда қалам билан битилган ёзувлар.

**Битиклар** – Қадимги адабий ёдгорликларнинг қаср ва саройлар пештоқларига, қабр тошларига, қоятошларга ўйиб ёзилган бир тури. Бехистун битиктошлари, Ўрхун-Энасой қабр тошлари шулар жумласидандир.

**Боб** – матншуносликда асарнинг таркибий қисми. Фасл, қисм, асл, мавзу, равза, мақола, дафтар деб ҳам аталиши мумкин.

**Британия музейи** – дунёнинг Лондондаги энг йирик музейларидан бири. 1759 йилда очилган. Қадим ва ўрта асрлар Европа ва Шарқ

адабиёти ва маданияти асарлари, қўлёзма манбалари, жумладан адабий меросимиз намуналаридан қўпгина мўътабар манбалар шу музей фондида сақланади. Олимларнинг ишлашлари учун кутубхона заллари мавжуд.

**Варак** – қўлёзма китобларга ҳавола беришда бет ўрнига варак қўлланилади. Қўлёзма вараклари фонда унга дастлабки ишлов беришда рақамланади. М.: ҳар бир варак кўтарилган ҳолда унинг ўнг юзи «а» саҳифани, – чап юзи «б» саҳифани билдиради. Аммо улар саҳифага ёзиб қўйилмайди.

**Варакларни рақамлаш** – ҳозирги кунда қўлёзма фондларда сақланаётган китобларда *пойғир* ва арабий рақамлардан ташқари ҳар бир варак алоҳида рақамлар билан бетлаб чиқилган бўлади. Бундай манбалардан иктибос олинганда, уларнинг инвентар рақами ва варағи кўрсатилади, варакнинг ўнг юзи «а» ҳарфи билан, — чап юзи «б» ҳарфи билан белгиланади (масалан, 21а бет.)

**Герменевтика** – матншуносликнинг қадим ёзма ёдгорликларни, классикларнинг асарларини, уларнинг дастлабки мазмунини тиклаш мақсадида шарҳлаш, тафсир этиш соҳаси. (Антик даврда диний матнларни шарҳлаш, тафсир этишдан келиб чиққан). Жумладан, Форобий юнон мутафаккирлари Афлотун, Арасту, Эвклид, Птолемей, Порфирий ва бошқаларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Айниқса Аристотель асарларидан «Метафизика», «Этика», «Риторика», «Софистика» ва бошқаларни батафсил изоҳлаб, қийин жойларини тушунтириб берган. Бу асарларнинг умумий мазмунини очиб берувчи «Мо баъий табиат» га ўхшаш махсус шарҳлар ёзган. Ҳозирги маънодаги герменевтика шоир ёки ёзувчи асарларининг илмий танқидий-матнини тузиш, бу асарларни ҳар хил изоҳ ва шарҳлар билан таъминлаш, асарнинг адабиётда тутган ўрнини аниқлаб беришдир.

**Дастхат** – қ: автограф.

**Изоҳ ва шарҳлар** – нашр маълумотномасининг таркибий қисми. Матндаги тушунилиши қийин бўлган ўринларни изоҳлаш учун тузилади ва қўпинча нашрда келиши тартиби билан берилади.

**Илмн расмулхат** – хаттотлик санъати.

**Илмий аппарат** – матний тафовутлар жой олган саҳифа ости изоҳлари. Кенг маънода *археографик кириш, матний тадқиқот, матннинг берилиш тартиби, изоҳ ва шарҳлардан* иборат нашр маълумотномасининг умумий номи.

**Илмий изоҳли таржима** – нашр тури. Илмий изоҳли таржимани амалга ошириш – кўрсаткичлар тузиш, тадқиқот ёзиш билан бирга олиб борилади.

**Илмий-танқидий матн** — асарнинг сақланиб қолган барча қўлёзма нусхалари жалб этилган ҳолда унинг матни илмий таҳлил қилиниб, муаллиф нусхасига яқинлаштирилган энг ишончли матн шаклига келтирилган илмий нашр. Бундай нашр археографик кириш, матн танқиди, илмий аппарат, изоҳ ва кўрсаткичлар билан мукаммал таъминланган бўлади ва кейинги нашрлар ва тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Индивидуал тавсиф** — бир муаллиф асарлари қўлёзмалари каталоги нашри (М.: Форобий, Ибн Сино, Амир Хусрав Деҳлавий, Жомий асарлари қўлёзмалари каталоги).

**Исломий манбалар** — Қуръон, ҳадис ва исломий билимларга оид манбалар.

**Йиғма матн** — қ.: киёсий-йиғма матн.

**Карточка** — карточкали каталоглар ёки карточка тавсифлари ва-рақалари. Фанга, тилга, муаллифга ва китоб номига тузилган турлари мавжуд.

**Каталог** — юнонча рўйхат маъносидаги сўздан олинган бўлиб, зарур манбани топишда қулайлик туғдириш учун маълум тартиб асосида тузилади. *Картотека каталоглар* китоб фондларида карточкалар ҳолида маълум тартибдаги тортма яшиқларда сақланади. Қўлёзма каталогларига алифбо тартибида, муаллиф номи ёки асар (китоб) номи бош ҳарфи орқали кириб борилади.

**КВР** — Тожикистон ҶА шарқшунослик институти фонди эълон қилган 6 жилдлик «Каталог восточных рукописей» тавсиф каталоги. Каталог, асосан, Тожикистон ҶА шарқшунослик институти фондида сақланган, форсий ва туркий тилларда яратилган қўлёзма китобларнинг рус тилидаги тавсифини ўз ичига олган (1965–1975 йиллар нашри).

**Киноварь** — сулфидлар синфига мансуб минерал. Қизил доналар, агрегатлар, массалар, гардлар шаклида учрайди. Хаттотлик санъатида қизил сиёҳ ўрнида ишлатилган.

**Китобат санъати** — китоб яратиш бўйича барча ишларни (хаттотлик, саҳхофлик, наққошлик...) ўзида жам этган фаолият тури.

**Китобдор** (кутубхоначи) — сарой ва бошқа китоб хазиналарида китобларни рўйхатга олишга ва сақланишига масъул шахслар.

**Колофон** — котибнинг қўлёзма сўнгида келтирадиган маълумотномаси. Унда китоб муаллифи (баъзан), котиб, буюртмачи (баъзан), кўчирилиш санаси, сабаби (баъзан) берилиши мумкин. Бироқ кўпгина қўлёзма китоблар бундай маълумотларсиз яқунланишини ҳам мумкин.

**Конъектура** — ўқилиши кийин, тушунарсиз, бузилган жойларини аниқлашда матншунос асарнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб,



контекстга суянган ҳолда *ҳиссий идрок ва ўз мулоҳазаларигагина* асосланиб матнни тузатишга асосланган метод.

**Конвой** – рус матншунослари нашрда матнга ҳамроҳ бўлиб келадиган ёрдамчи материалларни шундай атайдилар // (сўз боши) (табдил матн). (асардаги байт, қитъа ва рубойларнинг асл матни) (форсий ва туркий рубойлар) ва ҳ.к.

**Котиб** – қ.: хаттот.

**Криптография** – палеографиянинг махфий ёзувларни ўрганувчи соҳаси.

**Қҳароштий** – хат тури. Кушон подшоҳлиги даврида (милоднинг 1-3 асрлари) Марказий Осиёда ҳам амалда бўлган ҳинд ёзуви.

**Куллийёт** – мумтоз адабиётда бирор ижодкорнинг мукамал асарлар тўплами шу ном билан аталган. Аммо кўп ҳолларда муаллифнинг барча асарларини қамраб олмаган.

**Кутубия** – Марокашда 1146 йилда қурилган, кутубхонасининг бойлиги билан машҳур бўлган масжид.

**Куфий** – араб ёзуви турларидан бири. X асргача кенг, XV асргача сийрак муомалада бўлган ёзув. Машҳур Усмон Мусҳафи шу ёзувда битилган.

**Лаввоҳ**– қўлёзма китобларга лавҳа чизувчи.

**Лавҳ** – устига китоб қўйиб ўқиш учун мўлжалланган тахтачалардан ишланган таглик.

**Литографик нашр** – тошбосма усулида босилган китоб. (қ. тошбосма.)

**Литография** – ясси босма усули. Махсус литография қоғозига хаттотлар ва наққошлар ишлаган саҳифалар махсус тош плиткалар сиртига қўчириб ўтказилган. Матн ўтказилган тошга махсус кимёвий ишлов берилгандан кейин ундаги тасвир тушган ерлар ёғли бўёқни ўзида тутиб қоладиган бўлиб қолишига асосланган.

**Люминесценция** – совуқ нурлардан фойдаланиб қўлёзмаларнинг ўқиб бўлмайдиган ерларини ўқиш имконини берадиган усул.

**Матн танқиди** – ҳозирги матншунослигимизда асар матни нашри билан бирга эълон қилинадиган матншунослик тадқиқотини «матн танқиди» деб атаб келинмоқда. «Матн танқиди» ўрганилаётган қўлёзмадаги асарнинг матнига *илмий-танқидий ёндашувни* англатади.

**Матншунослик** – филологиянинг адабий, тарихий, илмий асарлар ҳамда тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи соҳасидир. Адабий, тарихий ва илмий асарлар матншунослигига бўлинади.

**Муаллиф дастхати** – қ. автограф

**Мукаддима** – асардаги асосий матннинг таркибий қисмларидан бири. Унда муаллиф ўқувчини асарнинг асосий мазмунини қабул қилишга тайёрлаш мақсадини кўзда тутати. Асосан, информатив характерга эга бўлиб, унда асарнинг ёзилиш сабаби, мазмуни, таркиби ҳамда муаллифнинг ижтимоий-эстетик қарашлари баён қилинади. Шарқ китобатида девон муқаллималари *дебо́ча* (қ.) деб аталган.

**Мукова** – китоб варақларини бириктириб турувчи қоплама. Одатда қалин картондан ва теридан ясалган. Варақлари дасталаниб, мукова орасига олинган китоблар эрамизнинг биринчи асридан пайдо бўла бошлаган. Улар дастлаб папирус, кейинроқ пергамент саҳафаларни қоплаб турган.

**Муножот** – қўлёзма асарларда *басмала* ва *наътдан* кейин келадиган, Оллоҳга мурожаат тарзида ёзилган қисм.

**Муншаот** – машхур ижодкорларнинг ёзишмалари, мактубларидан тузилган тўплам.

**Мусаввир** – наққош, рассом.

**Набатий** – араб ёзувининг бир тури.

**Наққош** – мусаввир, рассом.

**Насрий баён** – шеърый йўл билан ёзилган эпик асарларни ҳозирги тилга насрда қилинган таржимаси. Алишер Навоий «Хамса» достонларининг шу хилдаги нашрлари мавжуд. Бу хилдаги нашрлар асар мазмунини ҳозирги китобхон учун таништиришда бекиёсдир.

**Настаълиқ** – араб имлоси асосида юзага келган хат тури. Асосчиси Шоҳрух замонасидаги Хирот матншунослик мактабининг вакили Мир Али Табризий.

**Насх** – араб имлоси асосида юзага келган хат тури.

**Нашр** – қўлёзма асарларни босма усулида тарқатилган нусхаси.

**Нашр турлари** – ёзма ёдгорликлар нашрининг табдил, трансляция, илмий танқидий матн, илмий изоҳли таржима ва ҳ.к. каби оммага ва илмий жамоатчиликка мўлжалланган турлари мавжуд. Улар оммабоп нашрлар ва илмий нашрларга бўлинади.

**Нашриёт** – қўлёзмаларни босмахонада чоп этиш учун тайёрлаш билан шуғулланувчи муассаса.

**Наът** – қўлёзма китобларда, одоби таснифга кўра, Оллоҳнинг ҳамдидан келадиган иккинчи таркибий қисм. Унда расулуллоҳ ва чорёрлар васф этилади.

**Нисба** – ижодкорлар тахаллусининг у туғилган жойга ишоратан олинган қисми.

**Нодир қўлёзма** – муайян асарнинг муаллиф дастхати, муаллиф замонасида кўчирилган, ягона сақланиб қолган нусхасига берилган сифатлаш.

**Ношир** – нашр килувчи, қўлёзмани нашрга тайёрловчи.

**Нуксонли нусха** – палеографик жиҳатдан зарар кўрган қўлёзма нусха. Варақлари тушиб қолган ёки нотўғри йиғилган, ёки фойдаланиш жараёнида яроқсиз ҳолатга келган нусха.

**Нукта** – тиниш белгиси. Қўлёзма китобларда кейинги асрлардагина пайдо бўлган.

**Нумизматика** – тарихнинг танга, чақа ва тақинчоқлардаги ёзувларни, пул зарб қилиш ва пул муомаласини ўрганувчи соҳаси.

**Одоби тасниф** – асарнинг бошланиш қисмида барқарорлашиб қолган таркибий қисмлари: Унвон, басмала, ҳамд, муножот, наът, чорёрлар васфи, муқаддима (аммо баъд..., асарнинг ёзилиш сабаби), асар матни (асосий матн), хотима, таммат. Бу қисмлар ҳар бир асарда албатта бўлиши керак деган гап эмас. Аммо асарга киритилган қисмлар шу тартибда бўлади.

**Оммавий нашр** – кенг китобхонлар учун мўлжалланган нашр.

**Оромей-Сурия** – араб ёзувига асос бўлган хат тури.

**Оҳорлаш** – қоғоз ишлаб чиқаришда унга ишлов беришнинг бир босқичи.

**Пагинация** – қўлёзмаларга дастлабки ишлов бериш чоғида унинг варақларини рақамлаб чиқиш. (яна қ.: пойгир)

**Палеография** – Қадимги қўлёзмаларнинг ёзуви ва ташқи белгиларининг замон ва макон жиҳатдан ўрганувчи тарихий-филологик фан. Аноним қўлёзмаларнинг муаллифини белгилаш ҳам шу фан зиммасига юклатилган. Муайян ёзувнинг пайдо бўлиши тарихи, тарихий тараққиёт босқичлари, ҳарф, ёзув белгиларининг ўзгариб боришини палеография ўрганади. Бу фан яна қўшимча равишда китоб ва қўлёзмаларни безаш ва ясаш – китобат санъатини ҳам, қадимги ёзма ёдгорликларининг материаллари, қуроллари, ёзув билан алоқадор безаклар ва ҳ.к. ларни ҳам тадқиқ этади. Ундан кейин матнни тўғри ўқиш ҳам палеографияга юклатилади. Бунинг учун ёдгорликнинг яратилиш вақтидаги ёзувнинг хили, имло, қоғоз, сиёҳ тури, хаттотлик, рассомлик, саҳҳофлик усуллари каби ташқи белгилар эътиборга олинади. Палеография айрим ўринларда текстологияга ўтиб-қайтиб туради. Алоҳида ном билан аталмагани ҳолда шарқ китобат ишлари жумласида қадимдан мавжуд бўлиб келган.

**Папирус** – Мисрда япроқлари бир-бирига ёпиштириб ёзув материалли тайёрлаш учун фойдаланилган ўсимлик.

**Пергамент** – терига ишлов бериш йўли билан ҳосил қилинган ёзув материалли.

**Пойгир** – қўлёзма китобларда ўзидан кейинги саҳифанинг шу сўз билан бошланишини билдириб келувчи сўз бўлиб ўнг саҳифанинг энг остига, чап томонга жойлаштирилади (пойгир саҳифаларни дасталаш учун бет рақамлари ўрнига ишлатилади).

**Полиграфия** – босма маҳсулотларни кўпайтириб бериш бўйича ихтисослаштирилган техника соҳаси. Рамка ичига учига ҳарфлар туширилган михчалар шаклидаги қўғошин стерженлардан тикка жойлаштириб терилган матн саҳифасидан қоғозга нусха ўтказиш тарзидаги босма усули.

**Предмет** – яхлит объектнинг, (танлаган тадқиқот йўналиши нуктаи назардан) энг асосий ва энг муҳим белгиларини ажратиб кўрсатган ҳолда, билиб олинadиган нуктаи назар, аспект, жиҳат. Объект ва предметни илмий жараён категориялари сифатида ўзаро умумийлик ва хусусийлик нисбатида деб қараш керак. Объектдан тадқиқот предмети бўлиши керак бўлган қисм ажратиб олинади. Тадқиқотчининг асосий эътибори айна шу қисмга қаратилган бўлади, айна тадқиқот предмети тадқиқотнинг мавзусини белгилайди ва сарварақда сарлавҳа сифатида ёзиб қўйилади».

**Препринт** – нашр эълон қилинмасдан аввал унинг таркибида кейинчалик берилиши мўлжалланган материаллардан тузилган илмий нашр. М.: Адабий манбашунослик. Қўлёзмалар институти олимларининг 1987 йилда бажарган илмий ишларининг препринти. – Т., 1989.

**Радиография** – қўлёзмаларнинг ўчган жойларини тиклаш воситаси.

**Райҳоний** – араб ёзуви турларидан бири.

**Рақамлаш** – қ.: пагинация.

**Расмулхат** – қ.: илми расмулхат.

**Рентгеноскопия** – қўлёзмаларнинг ўчган жойларини тиклаш воситаси.

**Рикозъ** – араб ёзуви турларидан бири.

**Рисола** – бир мавзуга бағишланган китоб, асар.

**Роулинсон Г.К.** – XIX асрнинг 30-40-йилларида Бесутун битикларини ўқиган инглиз олими.

**Руний** – туркий ёзув турларидан бири. Туркий халқлар тарихида, VI-VIII асрларда, тошга ўйиб ёзилган адабий-тархий лавҳалар ёдгор бўлиб қолган.

**Сақлаш рақами** – инвентарь рақами. Қўлёзмалар фондларида қўлёзмага дастлабки ишлов беришдан ўтгандан кейин уни фонdda расмий дафтарга қайд этиш рақами.

**Салье М.А.** – Ўз ФАШИ нинг дастлабки манбашунос олимларидан бири.



**Саолибий**— араб тилида ёзилган дастлабки тазкира муаллифи. қ.:Тазкиранавислик.

**Саххаз** — абжад ҳисобида 500, 600, 700 (*се ва зол* билан).

**Саъуфас** — 60, 70, 80, 90 (*айн ва сод* билан).

**СВР** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти чоп эттирган «Собрание восточных рукописей» монографик тавсиф каталоги. 1952-1975 йиллар орасида 11 том нашр этилган.

**Семёнов А.А.** — манбашунос академик, ЎзФА ШИ (СВР нашри) нинг дастлабки раҳбари.

**Соҳа каталоглари** — табобат қўлёзмалари каталоги, тасаввуфга оид қўлёзмалар каталоги...

**Сўғд ёзуви** — Марказий Осиёда узок вақт қўлланган ёзув тури. Милoddан аввалги сўнгги минг йилликнинг охирларида оромей алифбосидан ажралиб чиққан.

**Табдил** — Асар матни муаллиф ёки таржимон давридаги тилдан жорий тилга таржима қилинган нашр тури. Бунда айрим нашрга тай-ёрловчилар тилнинг тарихийлигини бир қадар сақлаб қолиш ҳоллари ҳам учраб туради. Табдил нашрлар кенг китобхонлар оммаси учун тушунарлилиги билан ҳам муҳим ҳисобланади. (М.: «Қобуснома»нинг Огаҳий таржимаси; «Маҳбуб ул-қулуб»нинг Порсо Шамсиев табдили.)

**Тавсиф каталоглари** — қўлёзмалар фондида мавжуд қўлёзма китоблар тавсифидан тузилган нашр. Шу пайтгача Республикамиз фондларини акс эттирувчи икки тавсиф каталоги чоп этилган «Собрание восточных рукописей ИВ АН УзССР» (11 том), «Каталог фонда Института рукописей АН УзССР» (2 том). Булардан ташқари бир неча хусусий (бир муаллифлик) тавсиф каталоглари нашр этилган: «Ибн Синонинг Шарқшунослик институтида мавжуд асарлари (библиография)», «Рукописи произведений Абдурахмана Джами в Собрании Института Востоковедения АН УзССР», «Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги». «Алишер Навоий асарларининг тошбос-ма нашрлари тавсифи (каталог)».

**Тавсифлаш** — ҳар бир манбанинг асосий белгилари, хусусиятлари ва таркиби ҳақидаги муайян тартибга солинган маълумотлар мажмуини яратиш. Қўлёзмаларни тавсифлаш қисқача *тавсиф*, *тулиқ тавсиф* ва *монографик тавсиф* тарзида амалга оширилади.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Бу бир биридан ажратиб олиш кийин бўлган тушунча бўлиб, мисол тарзида археография фанининг ўрганиш объекти ва предмети олиб кўрамиз: *объекти* — қўлёзма ҳужжат ва қўлёзма манба. *Предмети* эса — қўлёзма манбани нашрга

тайёрлаш методикаси. Демак, объект – кўз тикилган нарса; предмет – шу нарсани ўрганиш жараёни. Бу тушунчаларни, кўпинча, бир нарса деб қарашлар ҳам мавжуд. Аммо объектни тадқиқот материали, предметни тадқиқот мавзуси деб қараш тўғри бўлади. (яна қ.: *Объект, Предмет.*)

**Тазкира** – шоир, адиб, мутафаккир ва бошқа номдор шахслар тўғрисида қисқача маълумотлар берилган, шеърларидан мисоллар келтирилган тўплам. Улардаги ҳар бир мақола – «ф и к р а» да алоҳида бир арбобнинг исми, тахаллуси, қаерлик экани, ижоди соҳаси, муҳим асарлари, табиати, муаллифнинг унга муносабати, ижодидан бир шингил, арбоб умрининг ниҳояси, дафн этилган жойи ва ҳ.к.лар берилади.

**Тазкиранавислик** – ижодкорлар ҳақида маълумотлардан иборат тазкира (тўлам) тузишни араб тилида Саолибий («Ятимат ад-дахр фи маҳосин ахл ал-аср» («Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси»–1020)), форс тилида Мухаммад Авфий («Лубоб ул-албоб» – 1222), туркийда Алишер Навоий («Мажолис ун-нафоис» – 1498) бошлаб берган.

**Такриз** – соҳа мутахассисларининг муайян илмий ва ижодий ишларни (монография, илмий мақола, диссертациялар) атрофлича таҳлил қилиб, улар юзасидан чиқарган хулосаси баён этилган илмий маҳсулот тури.

**Такризчилар**–китоб титул варагининг ортида номлари кўрсатиладиган нашрга қафил бўлган соҳа мутахассислари.

**Такрор** – матнда сўз, сўз бирикмаси ёки жумла ё парчанинг 2 марта ёзиб қўйилиши.

**Талқин** – матнни котиб мавқеи билан боғлиқ ўзгартиришлар.

**Танлаган асарлар** – муаллифнинг энг муҳим асарларидан тuzилган бир ёки кўп жилдли нашр тури.

**Тарих моддаси** –бирор муҳим санани абжад ҳисоби усули билан ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмалари.

**Тарих, (таърих)** – Бирор муҳим воқеа – улуг одамларнинг тугилиши ё вафоти тарихи, машҳур асарларнинг ёзилиш тарихи, ёзиб битказилиш санаси, мамлакат, юрт ҳаётида содир бўлган каттароқ воқеалар санаси кўрсатилган шеърӣ жанр, хронограмма. Кўпчилик шоирлар тарихларни абжад ҳисобига қурадилар ва баъзан уларга муаммо элемент (хосса)ларини ҳам киритадилар.

**Тарихий манба** – ўтмишдан қолган, инсониятнинг моддий ва маънавий ҳаёти муҳрланиб қолган ёдгорликлар.

**Тарихий манбашунослик** – тарих фанининг тарихий манбаларни кидириб топиш, рўйхатга олиш, туркумлаш, илмий тадқиқ этиш, бу манбалардан келиб чиқадиган маълумотларнинг тўғрилигини

аниклаш, муайян манбанинг тарих фани тараккиётидаги ўрнини белгилаш билан шугулланувчи соҳаси.

**Тарихий поэтика** — бадиий сўз санъатининг тарихининг турли босқичларида вужудга келган қонуниятлари ва мумтоз адабиёт жанрлари назарияси билан шугулланувчи *филологик* фан. У қадимда илми адабнинг бир қисмини ташкил этган.

**Тарихий-филологик фан** — археография, палеография, эпиграфика фанлари каби ҳар икки соҳага ҳам хизмат кўрсатадиган ёрдамчи фанлар.

**Тарихнавислик** — тарих фанининг тарихий воқеаларни қайд этиб боровчи (солномачи)лар яратган меросни ва инсоният тарихини ёритувчи манбаларни илмий ўрганиш билан шугулланувчи соҳаси.

**Тасаввуфий манбалар** — тасаввуф тарихи, назарияси ва унинг алоҳида масалаларига бағишланган илмий ҳамда сўфий арбоблар ҳаёт йўли ва тасаввуф ғояларини тараннум этувчи биографик ва бадиий асарлар.

**Тасниф** — турларга ажратиш. Матбалар таснифи, илмлар таснифи каби...

**Таҳмид** — асарнинг басмаладан кейинги Оллоҳга ҳамд этилган қисми.

**Таъбирнома** — Рун ёзувида сақланиб қолган қозғозга битилган ягона асар.

**Таълиқ** — араб ёзуви турларидан бири.

**Таъриф** — баъзан қўлёзмалар тавсифининг маънодоши сифатида ишлатилади.

**Таянч нусха** — матншунослик амалиётида қўлёзмалари қўп нусхаларда мавжуд бўлган асарнинг нашр нусхасини тайёрлаш учун асос бўладиган қадимий, бенуксон ва тўла сақланган, *муътабар* қўлёзма нусхаси.

**Текстология** — матншунослик. Бу атама русларда 1930 йиллардан қўллана бошланган. Совет даврида ўзбек тадқиқотчилари ҳам шу атамадан фойдаланиб келишди. Муста

**Тери** — ёзув ашёси. Ундан пергамент ишлаб чиқарилган.

**Томашевский Б.В.** 1926/27 ўқув йилида Ленинграддаги Санъат тарихи институтида матншуносликни ўқув курси сифатида таълимга биринчи бўлиб олиб кирган рус матншунос олими. Писатель и книга тўпламида (1928 й.) матншуносликка бағишланган мақола; Очерк текстологии, 2-изд. М., 1959; Библиографическая эвристика. М., 1960 китобларининг муаллифи.

**Тошбосма китоб** — қ.: литографик нашр.

**Тошдаги ёзувлар** – қ.: битиклар.

**Транскрипция** (лат.–қўчириб ёзиш) – матн ёзувининг шартли, сунъий тури орқали нутқ товушларининг барча хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда хатга туширилиши (фонетик ҳодиса).

**Транслитерация** – нашрда асар матни қўлёзма графикасидан амалдаги ёзувга ўгириш. Яъни, бир ёзув ҳарфларини бошқа ёзув ҳарфлари билан алмаштириш (график ҳодиса). Қадим қўлёзмаларни ўқиб ўрганиш, шунингдек, орфографик қондаларида қадимий анъанавий ифода усуллари сақланиб қолиши билан бундай нашрларнинг аҳамияти алоҳидадир. Бизда арабий, форсий ва туркий матнларнинг транслитерацияси учрайди. Арабий жумлалар транслитерацияси – иктибослар шаклида, форсий жумлалар транслитерацияси – тожик криллицаси ва ўзбек кириллицаси шаклида; туркий-ўзбек кириллицасида (М: «Қиссаи Рабғузӣ», Навоӣ томлари, классик шоирлар мероси, «Бобурнома» ва ҳоказолар).

**Туркум нашрлар** – бир мавзуга бағишланган кўп томли нашрлар: Ўзбек халқ ижоди, Ўзбек адабиёти бўстони каби

**Унвон** – китобнинг номи.

**Услубшунослик** – У лисоний (лингвистик) услубшунослик ва адабий услубшуносликларга бўлинади. Адабий йўналишда айрим тарихий даврлар, минтақалар, муайян адабий мактаблар, ижодкорларнинг ижод тарзи, услуби хусусиятларини ўрганувчи *филологик* фан. Бунда асарлардаги бадиий нутқ, поэтик тил хусусиятлари, ифода воситалари ўрганилади. Жумладан, хуросон услуби, ироқ услуби, хинд услуби, туркона услуб ва ҳ.к.

**Факсимиле** – матн саҳифасини график тасвир сифатида олиб, ҳар жихатдан (хатто рангини ҳам) ўхшаш нусха яратишнинг оптик ёки босма усули.

**Фикра** – Насрий парча. Тазкираларда бир шахс учун ажратилган қисм.

**Филигранология** – қоғоздаги сув белгиларини ўрганувчи фан. Айниқса, китоб муқоваларига туширилган шакллар, безаклар сув белгилари усулида ҳосил килинган. Уларнинг вужудга келган вақти ва жойини билган ҳолда, санаси кўрсатилмаган қўлёзма китоблар ҳақида ҳукм чиқариш мумкин бўлади.

**Фонд** – қ.: қўлёзмалар фонди.

**Фотоанализ** – ўқишга қийин жойларни ўқишда ишлатиладиган усул.

**Фотонусха** – қўлёзмаларни микрофильм шаклида олинган нусхасидан фотосурат ҳолида ишланган саҳифалар.



**Хаттотлик** – матнни гузал харфлар билан, барча график коидаларга риоя қилган ҳолда кўчириш санъати. Каллиграфия.

**Чоғиштпрма матн** – к.: қиёсий йиғма матн.

**Эпиграфика** – тош, ёғоч, сопол каби нарсаларда сақланган ёзувларни ўрганувчи *тарихий-филологик* фан.

**ЎЗР ФА ҚИ** – 1978 йилда Ўз ФА Адабиёт музейи базасида очилган илмий тадқиқот институти. Адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишида фаолият олиб борган. ЎЗР ФА Президиумининг 1998 йилдаги қарорига мувофиқ Х. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти ЎЗР ФА Шарқшунослик институти билан бирлаштирилди ва у ердаги қўлёзмалар мазкур институт фондига ўтказилди.

**ЎЗР ФА ШИ** – Ўзбекистон ФАнинг 1943 йилда «Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти» номи билан Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасининг Шарқ бўлимида сақланаётган қўлёзмалар фонди асосида ташкил этилган илмий тадқиқот институти. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти.

**Қиблат ул-қуттоб** – Темурийлар даври хуснихат санъатининг фахри ҳисобланган, *Мир Али Табризийга берилган ном* – котиб (хаттот)лар қибласи маъносида. Настаълиқ хатида танилган дастлабки хаттот.

**Қиёсий-йиғма матн** – илмий-танқидий матн тузиш принциплари асосида, аммо асарнинг чекланган қўлёзмалари жалб этилган ҳолда тузилган матн.

**Қўлёзма китоб** – китоб босиш кашф этилмасдан аввалги ва ундан кейинги асрларда бирмунча вақт қўлда ёзилган матнли китоб.

**Қўлёзмалар институти** – к.: ЎЗР ФА ҚИ.

**Қўлёзмалар фонди** – қўлёзма китоблардан ташкил топган, улар бўйича ҳужжатларнинг энг тулиқ мажмуасини ўзида мужассам этган китоб хазиналари. Уларнинг энг йириги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти к.ф.дир. Бу фонд 1943 йили Навоий кутубхонаси Шарқ қўлёзмалари фонди базасида ташкил топган.

**Ҳавваз** (*ҳойи ҳавваз* ва *зе* билан) – абжадда 5-6-7 рақамларининг харфий ифодаси.

**Ҳошния** – китобнинг асосий матни жойлашган қисмнинг атрофи. Қўлёзма китобларда ҳошия ёзувлари – асосий матндан тушиб қолган қистирмалар, асосий матннинг ўша ерига берилган изоҳлар, бошқа асар матнидан келтирилган парчалар, баъзан эса бошқа муаллифнинг бутун бошли асари жойлаштириб юборилиши ҳам мумкин бўлган.

**Хутти** (*ҳойи хутти* ва *то* билан) абжадда – 8-9-10 рақамларининг харфий ифодаси.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
<b>БИРИНЧИ ҚИСМ</b>	
<b>МАТНШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ</b>	
1. Матншунослик фанининг предмети ва унинг асосий вазифалари .....	5
2. Матншуносликдан назарий манбалар .....	7
3. Матншунослик назарияси тарихидан .....	10
4. Матншуносликда назарий умумлашмаларнинг юзага келиши ....	13
5. Асосий тушунча ва тамойиллар .....	15
6. Истилохлардаги муаммолар .....	19
7. Нусхаларни йиғиш, уларнинг алокадорлик даражасини белгилаш ва хиллаш тартиби .....	21
8. Муаллиф дастхати, қадимий нусха, муътабар нусха, оддий Нусха .....	23
9. Таянч нусха, унга қўйиладиган талаблар ва улар юзасидан олиб бориладиган ишлар .....	25
10. Матнни тиклаш принциплари .....	28
11. Асар матни юзасидан маълумотлар тўплаш .....	32
12. Матнни тиклаш жараёни юзасидан матншуноснинг назарий тўхтамлари .....	35
13. Истисноли ҳолатлар .....	37
14. Матн тузиш жараёни .....	39
15. Араб-форс тилларидаги манбаларнинг ўзбек имлосида берилиши .....	42
16. Матн тиклаш жараёнидаги баъзи қийин ҳолатлар ва нуқсонлар эҳтимоллиги сабаблари .....	45
17. Ўзбек археография фани муаммолари .....	47
18. Ёдгорликнинг тикланган матнини нашрга тайёрлаш принциплари .....	52
19. Археографик кириш .....	54

20. Илова, изоҳ ва кўрсаткичларнинг нашрларда берилиш тартиби .....	55
21. Матншуносликнинг долзарб муаммолари .....	58

## **ИККИНЧИ ҚИСМ**

### **МАНБАШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

#### **ШАРҚ ҚҮЛЁЗМАЛАРИНИ ТАВСИФЛАШ ВА ФИХРИСТЛАШ**

Адабий манбашуносликнинг назарий масалалари фан сифатида.....61

#### **БИРИНЧИ БОБ**

##### **ҚҮЛЁЗМАЛАРГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ**

1. Шарқ қулёзмалари фонди .....	62
2. Қулёзмаларга дастлабки ишлов бериш ва уларни тавсифлаш йўллари .....	67
3. Қулёзмаларни дастлабки ўрганиш ёки дастлабки ишлов бериш тартиби .....	69
4. Қулёзмаларни ракамлаш .....	71
5. Ашё дафтарига кайд этиш .....	73
6. Қулёзмани карточкага олиш учун тайёрлаш.....	76
7. Қулёзмани карточкага олиш .....	78
8. Дробли варақалар .....	81
9. Варақаларни мавзуларга ажратиш .....	82
10. Тошбосма (литографик) ва босма асарларни тавсифлаш .....	83
11. Тошбосма асарларни варақага олиш .....	85

#### **ИККИНЧИ БОБ**

##### **ТЎЛИҚ ЁКИ ҚИСКАЧА ТАВСИФЛИ ФИХРИСТ КИТОБЛАРИНИ ТУЗИШ**

1. Фихрист китоблари тузиш тарихидан .....	88
2. Тавсифда аҳамият бериш зарур бўлган нукталар .....	90
3. Кўрсаткичлар .....	95
4. Қиска тавсифли фихрист китобларини тузиш .....	98

5. Навоий асарлари фихристи.....	99
6. Жомий асарларига тузилган қисқа тавсифлар фихристи.....	101
7. Ибн Сино асарлари фихристи .....	104
8. Форобий асарлари фихристи.....	105
9. Амир Хусрав Дехлавий асарлари фихристи .....	108
10. Ўрта Осиё тарихига оид қўлёзма манбалар фихристи .....	110
11. Араб ва форс тилларида тузилган қисқа тавсифли фиҳристлар.....	111
Арабча фихрист .....	112
Форсча фихрист.....	114
Хулоса .....	116
Адабий манбашунослик ва матншуносликка оид адабиётлар .....	117
Адабий манбашунослик ва матншунослик атамаларининг қисқача изоҳли луғати.....	119